Intellekt – (lot. Intellectus – tushunish, aql) – aql, insonning fikrlash qobiliyati [3:51]. Shuningdek, anglash, tushunishdir [3:142].

Intellektning bazaviy strukturalari insonning "emotsional-irodaviy xususiyatlariga" [4:143], "amaliy va nazariy o'zaro munosabatlar qobiliyatiga, uning hayotiy sharoitlariga bog'liqdir [4:143]. Intellektual faoliyat esa bu aqliy masalalar, vazifalar va mavjud muammolarni yechish jarayoni hisoblanadi. Ba'zi manbalarda intellekt – tafakkur – tushunish, tushunib yetish – aqliy qobiliyatlar, "idrok qilish faoliyati jarayoni" deb ta'rif beriladi [5:223].

Intellektual qobiliyatlar – bu shaxsning ta'sirchanligi, predmetni idrok qilishining kuchliligi va yaxlitligi, u to'g'risida keng ma'lumotlarga ega bo'lish, tafakkur o'zgaruvchanligi va tezkorligi (tez, xilma-xil, o'ziga xos), mantiqiy va savodli mulohaza yuritish, tizimli harakatlar, sintez-tahlil-sintez, ijodiy ifodalay bilish, umumlashtirish va xulosalash, o'z fikriga ega bo'lish, ishni oxirigacha yetkazish, ishchanlik, o'z bilimlarini boshqalarga yetkaza olish kabi asosiy kreativ fazilatlar majmuyi bo'lib, nafaqat

yuksak ijodiy rivojlanishni, balki umuman shaxs rivojlanishining muhim omili, har qanday faoliyatdagi muvaffaqiyatning garovi, kishilar bilan muloqot, kundalik faoliyatdagi yutuqlar omilidir [10: 226].

Tafakkur – obyektini tanlash, maqsadli mulohaza asosida uni idrok qilishdan boshlanadi.

Ijodiy tafakkur – "subyektiv yangi mahsulotni yaratishga qaratilgan idrok qilish faoliyatining o'zida yangi hosilalar bilan tavsiflanadigan tafakkur turidir" [5: 226].

So'nggi yillarda o'zbekistonlik olimlar hozirgi zamon sharoitida o'quvchilarda ijodkorlik fazilatlarini oshirish, xususan, kognitiv-ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish muammosi bo'yicha bir qancha olimlar izlanishlar olib bormoqdalar. Xususan, akademik R.X.Djurayev rahbarligida ijodiy-pedagogik jamoa tomonidan ishlab chiqilgan ilmiy loyihada "ta'lim mazmunini modernizatsiyalash, o'quv jarayonida zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy qilish, o'quvchilarning o'z imkoniyatlarini samarali namoyon qilishi uchun shart-sharoitlarni yaratish" masalalari ishlab chiqildi [6:87].

Unda quyidagilar nazarda tutiladi:

- o'quvchilarning kognitiv-ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish uchun qat'iy motivatsiyaga ega bo'lgan shart-sharoitlarni ta'minlash (intellektual-ijodiy yo'l bilan egallangan bilimlar qaysi maqsadlar uchun qo'llanilishi);
- o'quvchilarning hamkorlikdagi kognitiv-ijodiy faoliyatini tashkil qilish, ularga kommunikativ mahoratlarini oshirish imkonini berish";
- o'quvchilarning zarur axborot manbalaridan foydalanish huquqlarini amalga oshirish;
- o'quvchiga samarali rivojlanish imkoniyatini beruvchi shaxsga yo'naltirilgan ijodiy o'sish, o'z imkoniyatini namoyon etish jarayonlarini tashkil qilish;
- o'quvchilarning o'z-o'zini rivojlanishi; mustaqil o'qib, bilim oltirishi, o'z-o'zini tarbiyalashi, o'z shaxsini namoyon etishini rag'batlantirishi [6:87].

Tan olishimiz kerakki, bugungi kunda umumta'lim muassasalarida o'quvchilarning kreativ qobiliyatlarini rivojlantirish masalalari faqatgina ayrim ijodkor o'qituvchilar tomonidan amalga oshirilmoqda. Ammo ular ham tizimsiz, samarasiz, aniq bir maqsadga yo'naltirilmagan, o'quvchilarning kreativ faoliyatga to'liq yo'naltirilmagan holatda amalga oshirilmoqda.

Ta'lim oluvchilarda kreativ qobiliyatlarni rivojlantirishda quyidagilarni e'tiborga olish maqsadga muvofiqdir:

- o'quvchilarda bilim olishga nisbatan pedagogik-psixologik yo'nalganlik, o'z bilim, ko'nikma va malakalarini amalda qo'llash, kelgusi faoliyatlarida yuqori natijalarga erishish ehtiyojlarini o'zida mujassam etgan motivation-qadriyatli komponent;
- kreativ qobiliyatlarni shakllantirishdagi muhim omillardan biri bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirish, shaxsning bilish faolligi, mustaqilligi, tafakkuri, ijodkorligi rivojlanishiga ta'sir etuvchi kognitiv komponent;
- shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish, o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarni hayotiy faoliyatlariga tatbiq etish, berilgan topshiriqlarni bajarishlariga ijodiy yondoshuv, faoliyat natijalarini tahlil etish bilan tavsiflanuvchi faoliyatli komponentlarining rivojlanishiga xizmat qiluvchi ta'lim muhitining yaratilishi bilan bog'liqdir.

Bu esa o'z navbatida quyidagi ijobiy imkoniyatlarni yaratadi:

- ta'lim-tarbiya jarayonlarida o'quvchilarning faoliyat subyektii sifatida pedagogik vaziyatlarni to'g'ri anglay olish;
- o'quvchilarning sohaga oid bo'lgan mavjud bilimlari asosida uning mazmunidagi ichki aloqadorlik va mantiqni ko'ra olishlariga imkoniyat beradigan didaktik vaziyatlarni loyihalashtirish;
- o'quvchilarning bilish faolligini rivojlantirish, o'zaro tajriba almashinishlari uchun ijodiy ta'lim muhitini yaratishga xizmat qiluvchi samarali metodlar, shakllarni

amaliyotga tatbiq etish va boshqalar.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, Respublikamizning hozirgi davrdagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish tamoyillari jahondagi taraqqiy etgan mamlakatlar qatoridan munosib o'rin olish uchun ma'naviy salohiyatimizni va iqtisodiy qudratimizni yanada oshirish, ularni XXI asr ilmiy-texnika

taraqqiyoti talablariga javob beradigan tarzda qayta qurishni talab qiladi. Buning uchun yoshlarimiz dunyoqarashini kengaytirish, ularning bilim va ma'naviyatlarini jahon andozalari darajasiga ko'tarish, asosiysi ularning kreativ qobiliyatlarini yanada takomillashtirish asosiy o'rin tutadi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29 aprelda "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5712-sonli Farmoni.
2. Райс Ф. Психология подросткового и юношеского возраста. СПб: -Питер: 2000. 211-б.
3. Давыдова В.В., Запорожца А.В., Ломова Б.Ф. Психологический словарь. – М.: Педагогика, 1983. 448-б.
4. Мериков В.А. Психологический словарь. Для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений. -Ростов-на-Дону: "Феникс", 1998. 540-б.
5. Педагогическая энциклопедия. -М.: 1996. Том 3.
6. Djuraev R.H. Ta'limda interfaol texnologiyalar. –Toshkent: 2010. 87-b.
7. Яковлева Е.Л. Психология развития творческого потенциала личности. – М.: 1999. 100-б.
8. Моляка В.А. Психология творческой личности. – М.: "Высшая школа" 1978. 238-б.
9. Torrance Ye.P. Developing creative thinking though school experience. - N.Y.: 1962. – P.215.
10. Turdiqulov U.A. Intellect va kreativlikning o'zaro aloqasi. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES. 2020.

РЕЗЮМЕ. Ushbu maqolada umumta'lim muassasalari o'quvchilarining kreativ qobiliyatlarini rivojlantirish, ularda ijodiy tasavvur, mantiqiy tafakkur xislatlarini shakllantirish masalalari yoritilgan. Shuningdek, umumta'lim muassasalarida kreativlikni rivojlantirishning muhim pedagogik shartlari va belgilari, kreativ faoliyatni amalga oshirishning e'tiborli jihatlari haqida so'z boradi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье описано развитие творческих способностей учащихся общеобразовательных учреждений, формирование у них творческого воображения и логического мышления. также обсуждаются важные педагогические условия и признаки развития творчества в общеобразовательных учреждениях, важные аспекты реализации творческой деятельности.

SUMMARY. This article describes the development of the creative abilities of students in educational institutions, the formation of their creative imagination and logical thinking, important pedagogical conditions and signs of the development of creativity in educational institutions, important aspects of the implementation of creative activity are also discussed.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ-ЛОЙИХА ИШЛАРИНИНГ ЎРНИ

З.И.Бердиева – ўқитувчи

Нукус шахри 22-умумтаълим мактаб

Таянч сўзлар: ўқув лойиҳа ишлари, билим, кўникма, компетенция, тадқиқотчилик фаолияти, лойиҳа ишларини режалаштириш, методик таъминот.

Ключевые слова: учебно-проектная работа, знание, умение, компетенция, исследовательская деятельность, разработка проектной работы, методическое обеспечение.

Key words: educational-project work, knowledge, skill, competence, research activity, development of project work, systematic support.

Бугунги кунда жамиятимизда олиб борилаётган ислохотларда мутахассислардан нафақат билим, балки уларда изланувчанлик, ихтирочилик, тадбиркорлик каби қобилиятларга эга бўлишни тақозо этмоқда. Шу боис, ўқувчиларни ўқув лойиҳа фаолиятига жалб қилиш орқали уларда (мантикий, креатив, танқидий) фикрлашни ва изланувчанлик қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантириш долзарб педагогик муаммолардан бири сифатида қаралиши лозим.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Дунё олимлари томонидан ўқувчиларни ижодий фаолиятига йўналтиришга бағишланган кенг камровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, жумладан В.Г.Разумовский ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ўстириш [1], Ф.И.Савенков ўқувчида тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантириш [2], А.В.Леонтович томонидан ўқув лойиҳа фаолиятига ташкил этиш ҳамда ўқувчиларда тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантириш каби муаммолар ўрганилган [3].

Хорижлик олимлар Е.Л.Chiappetta, Т.Koballa, А.Т.Collette [4] томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида анъанавий ўқув машғулотли ва ўқув-тадқиқот машғулотлида ўзаро таққосланилиб, мазкур фаолиятлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларида ўрганилган ҳамда уларнинг фарқлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Анъанавий ўқув машғулотли	Ўқув – тадқиқот машғулотли
Ўқувчилар кўпинча ёлғиз ишлайди	Ўқувчилар кўпинча гуруҳларда ишлашади
Фактларни ўзлаштиришга урғу бериш	Тушунчаларни англашга урғу бериш

Аниқ белгиланган ўқув дастурига риоя қилишни талаб қилади	Ўқитувчи томонидан қўйилган муаммоларни саволларни ўрганишга имкон беради
Фаоллик асосан дарсликда берилган материалларига асосланади	Фаолият турли манбаларга асосланади
Ўқувчилар “бўш варақлар” сифатида қабул қилинади	Ўқувчилар дунё ҳақидаги ўз нўқтаи назарига эга мутафаккирлар деб ҳисобланади
Одатда ўқитувчи ўқувчилар ўртасида маълумот тарқатади	Ўқитувчи интерфаол ўқув муҳитини яратади
Ўқувчилар тўғри жавобларни излашга мойилдирлар	Ўқитувчи ўқувчиларнинг ғоя ўқи фаразларини тушунишга интилади
Баҳолаш ва ўрганиш бир-биридан ажралиб туради	Баҳолаш билан ўрганиш бирлашади.

Таълим самарадорлигини таъминлаш кенг камровли дидактик жараён ҳисобланади. Таълимни мазмунан янгилаш, умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия ишларининг янги шакллари ташкил этиш ва амалга ошириш жиҳатидан ҳам ўзининг мантикий асосига эга бўлган психологик-педагогик, фалсафий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган, услубий ечимини топиши лозим бўлган муаммо сифатида қаралади.

Шу ўринда республикамизнинг бир қатор олимлари томонидан таълимда компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларни амалий, яъни ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш масалалари ўрганилган [5]. Экспериментлар воситасида ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим технологияларини қўллаш тамойили асосида

уларда тадқиқотчилик қобилият-ларини ривожлантириш самарали усул эканлиги эътироф этилган [6].

Ўқув тадқиқотчилик фаолияти – таълим технологияси бўлиб, у ўқув тадқиқотда восита сифатида қўлланилади. Тадқиқотчилик фаолияти, тадқиқот ишининг раҳбари – мутахассис ўқитувчи раҳбарлигида, атроф – олам ҳодисалари тўғрисидаги тасаввурларини яратишга қаратилган, шунингдек, олдида ечимини номувофиқ бўлган масала ўқувчилар томонидан ечилиши мумкин деб фараз қилади. Ўқув-тадқиқот иши – таълимдаги жараён бўлиб, у тадқиқотчилик фаолияти асосида амалга оширилади [2].

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар, илгор хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда ташкил этиш, манъавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш каби масалаларни назарга тутган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2020-йил 5-мартдаги 67-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Миллий ўқув дастури” амалиётга жорий этилди [7] ва унинг амалдаги ўқув дастуридан фарқли жиҳатлари:

- физика фанидан ўқув дастурида ўқувчиларга қўйиладиган малака талаблари синфлар кесимида белгиланган;

- ўқувчиларнинг назарий олган билимларини ҳаётда қўллаш, халқаро баҳолаш стандартларига мос келувчи топшириқлар билан ишлаш учун кичик лойиҳа ишларига алоҳида соатлар ажратилган;

- фанлараро узвийлиги таъминланган;

- спиралсимон (оддийдан мураккабга) ўқитишга йўналтирилган.

Мазкур ўқув дастури таълим самарадорлигининг методологик асоси бўлган ўқув муассасаларида бериладиган тизимли таълимни мустақил билим олишга яқинлаштириш, ўқувчиларнинг изланувчанлигига таянган ҳолда уларда илм олиш қобилиятини ривожлантириш, таълимга нисбатан тизимли назарий ва амалий ёндашувларни амалга ошириб боришни назарда тутди.

Энг аввало, таълим соҳасига тақдим қилинаётган мазкур ҳужжатнинг ғоясида қуйидаги талаблар акс этган, биринчидан, ўқув дастурида берилётган ўқув лойиҳа, ўқув амалий машғулоти тавсифидаги ва ўқув-тадқиқот ишларининг қўйилишида ўқувчининг ёши ва уларнинг психологик хусусиятларини инобатга олинганлиги, иккинчидан, ўқув-лойиҳа, ўқув амалий машғулоти ва ўқув-тадқиқот ишларининг қўйилиши дарсада ўтилиётган мавзулар билан узвийлиги, учинчидан, ўқувчилар томонидан лойиҳа ва ўқув-тадқиқот ишлари бажарилиши таълимда сифатли (интеллектуал маҳсулот, компетенцияларини эгаллаш) натижалари билан қафолатланиши лозимлиги уқтирилган.

Ўқув лойиҳа ёки ўқув-тадқиқот ишларининг бажарилиш жараёни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги таъминланган тартибли ва мантикий кетма-кетлиги, ўқитиш жараёнининг бош вазифаларидан бўлган – таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларига амал қилишни таъминлайди.

Фанни тадқиқот сифатида ўргатиш ўқувчилар ўқув-

тадқиқотдаги илмий далилларни ва натижаларни тақдим этиш билан чекланиб қолмасдан, улар кундалик ҳаётида жамият ва атроф муҳит билан боғлиқ муаммоларга ўз фикрини билдириш; кузатишлар асосида далилларни тўплаш ва улардан фойдаланишда фаол иштирок этиш; илмий билимларга асосланиб тушунтира олиш каби кўникмаларга ҳам эга бўлиши лозим.

Тадқиқот орқали илм фанларини ўқитиш ва ўргатишнинг қандай хусусиятлари мавжуд? – деган саволга дидактик нуқтаи назардан қаралса тадқиқотга асосланган таълим жавобгарлик даражаси тавсифлаш мумкин. Бунда ўқувчи ўз олдида муаммо қўйиб тадқиқот ғоясини шакллантиради ва ўқув-тадқиқот устида иш олиб боради, муаммога маълумот йиғида (ўқувчи бошқарадиган тадқиқот). Ўқитувчи томонидан ўқувчини тадқиқотга жалб этилганлик даражаси (ўқитувчи бошқарадиган тадқиқот, таълимий натижа) билан таққосланади.

Тадқиқотга асосланган ўқитишнинг асосий мақсади, ўқувчиларга фундаментал илмий тушунчалар ва назарияларни ўргатиш, шунингдек, ўқув тадқиқотларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ўқув фаолият ва муносабатларни ривожлантиришдан иборатдир. Ўқувчиларда ўқув амалий ва илмий хабардорлик компетенцияларини шакллантиришда ўқув-лойиҳа, ўқув-тадқиқот ва ўқув амалий машғулотлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Мазкур дастур асосида дастлабки умумтаълим муассасалари учун “Тиббий фанлар” (1-синф ўқувчилари учун) яратилган дарсликнинг барча бобларида болаларнинг ёши ва уларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиниб, масалан, 8-бобда, яъни Иссиқлик, Ёруғлик ва Товуш мавзуларига оид ўқув материаллари танланган. Шунингдек, ҳар бир мавзуга оид кичик тадқиқот иши ёки кичик ўқув-лойиҳа иши дарсликда ўз аксини топган. Дарслик мазмунида ўқув жараёнида ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма, муносабат ва қадриятлар ҳамда компетенцияларнинг шаклланиши назарда тутилган.

- Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/ Recommendations). Педагогнинг таълим жараёни ўқув лойиҳа ёки ўқув-тадқиқот ишларини ташкил этиш орқали фан асосларни ўрганишга алоҳида урғу бериши ҳамда ўқув машғулотларда замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланиши, муаммони қўйиш асосида ўқувчиларни муаммони ҳал этишга далилларни қидиришга йўналтириши ва олинган маълумотларни қайта ишлаши учун зарур бўлган элементларни қиритилиши ўқувчиларда фанга оид бўлган билимларни ўзлаштиришга, кўникма ва компетенцияларни шаклланишига имкон беради.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаб айтиш жоизки, замонавий таълим беришда ўқувчиларда шахсий интеллектуал – ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг энг мақбул йўлларида бири, уларни ўқув-лойиҳа ҳамда ўқув-тадқиқот фаолият билан шуғулланишларини ташкил этишдан иборат. Шунинг учун ҳам бу фаолият таълим жараёнининг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Разумовский В.Г. Ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ўстириш. -Тошкент: «Ўқитувчи»,1978. 286-б.
2. Савенков А.И. Исследовательское обучение и проектирование в современном образовании. // Исследовательская работа школьников. -М.: 2004. №1. -С. 22 – 32.
3. Леонтович А.В. Об основных понятиях концепции развития исследовательский и проектной деятельности учащихся. // Исследовательская работа школьников. 2003. №4. -С. 12-17.
4. Chiappetta E.L., Koballa T., Collette A.T. //Handbook of Science Teaching in Secondary Schools. Upper Saddle River, NJ: Merrill. Prentice Hall, 2002.
5. Нарзиев Н.Н. Умумтаълим мактаб ўқувчиларида таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд: СамДУ, 2019.
6. Суяров К.Т. Физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Чирик: ЧДПИ, 2019. 18-б.
7. Milliy o'quv dasturi muhokamasi. https://t.me/dastur_muhokamasi - 2020.

РЕЗЮМЕ. Маколада замонавий таълим беришда ўқувчиларда шахсий интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг мақбул йўлларида бири бўлган ўқув лойиҳа ишларини ташкил этишнинг методологияси ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается методика организации образовательных проектов, которая является одним из оптимальных способов развития личностных, интеллектуальных и творческих способностей учащихся в условиях современного образования.

SUMMARY. The article discusses the method of organizing educational projects, which is one of the optimal way to develop personal, intellectual, and creative abilities of students in modern education.

MUZIKA HÁM ART - PEDAGOGIKA

A.A.Erejepov – *pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent*

Nókis qalası Esjan Baqsı atındaǵı 1-sanlı balalar muzika mektebi

Tayanch soʻzlar: Art-pedagogika, san'at, texnologiya, art-terapiya, ta'lim.

Ключевые слова: арт-педагогика, искусство, технология, арт-терапия, образование.

Key words: Art-pedagogy, art, technology, art-therapy, education.

Bўgingi kúnde ilimiy bilimlar tálimi salasında rawajlanıp atırǵan jónelislerden biri bul art-pedagogika bolıp tabiladi.

Art pedagogika - pedagogika hám kórkem ónerdiń baylanısına tiykarlangan pedagogika pániniń bir tarmaǵı. "Art" - (anglichan tilinen) - kórkem óner, "pedagogika" - insandı tárbıyalaw hám tárbıyalaw haqqındaǵı pán. Bul eki sóz insannıń ómirindeǵı eki zárúrlikti óz ishine aladı: kórkem óner arqalı úyreniw yamasa kórkem óner retinde úyreniw. "Art-pedagogika" termini - ótken ásirdeń ortalarda payda bolǵan. Oqıtıwshılar hám psixologlar oǵan hár qıylı mánislerdi qoyadı. Psixologlar ushın art-pedagogika art-terapiyanıń sinonimi bolıp, oqıtıwshılar ushın bul art-pedagogika texnologiyaları hám usıllarınan paydalanǵan halda balalar menen jáne de nátiyjeli islew múmkinshiligi bolıp tabiladi.

Art-pedagogikalıq jantasıw insandı rawajlandırıwǵa qaratılǵan kórkem óner hám psixologiya quralları hám usılları menen ámelge asırıladı. Bular muzika, suwretlew óneri hám arxitektura, teatr kórkem óneri, ádebiyat, ayaq oyın h.t.b. Art-pedagogikanıń óz maqseti hám wazıypaları bar. Onıń usılları mashqalalardı sheshiw hám maqsetke erisiwge járdem beredi.

Pedagogika hám art-pedagogikanıń ulıwma maqseti bar - ol balaǵa ózin jáne onıń ishki dúnyasın túsiniwge, jámiyette jasawdı úyreniwge, átiraptaǵı dúnyanı biliwge hám ruwxıy rawajlanıwına járdem beriw múmkinshiligin beredi. Sonıń menen birge, ózin ózi ańǵarıwda járdem beredi [1]. Sonday-aq, art-pedagogika pedagogikanıń strukturalıq bólegi bolıp tabiladı.

Art-pedagogikanıń wazıypaları:

- art-pedagogika balaǵa oqıw jugın kemeytiwge járdem beredi. Balanıń ózin kórsetiwine, tálim alıwı, tárbıyalanıwı hám ózin ózi belgilewine járdem beredi;

- Oqıw procesin ánsatlastıradı. Kórkem súwretler (esitiw, kóriw hám basqalar) járdeminde bala materialdı ánsatıraq úyrenedi. Awızsha bolmaǵan baylanıs arqalı úyreniw jáne de kúshli tásir kórsetedi;

- basqa sıpattaǵı emociyalardı "sırtqa shıǵarıwǵa" járdem beredi;

- oqıtıwshı-shákirt jaqınlasıwı óz-ara tásir qılw múmkinshiligin beredi. Sonıń menen birge, bala bilim hám kónlikpelerdi toplaydı, onı jeke tájiriyebege aylandıradı;

- oqıtıwshı hám oqıwshınıń ruwxıy hám mánawiy tájiriyebesine tiykarlangan halda, oqıw processinde shaxstıń estetik hám sezim tarawlarına tásir etedi;

- barlıq sezgilerdi, pikirlewdi, este saqlawdı, dıqqattı rawajlandırıwǵa unamli tásir etedi. Oqıwshınıń erk-jigerin rawajlandırıwǵa járdem beredi.

Usıllar. Art-pedagogikanıń metod hám usılları itibardı rawajlandıradı, sezgini kúsheytedi, kózine kórinetuǵın isti islew hám ózin ózi biliw múmkinshiligin beredi. Baylanıs qábiletleri hám dóretiwsilik jámaátlik jumıs tájiriyebesin islewge járdem beredi. Dóretiwsilik pikirlew hám oydı sawlelendiriwdi rawajlandıradı. Psixikalıq hám fizikalıq

salamatlıqqa unamli tásir etedi.

Art-pedagogika usılları tálim metodları hám oqıtıw metodları bolıwı múmkin.

Tálim usılı maqsetke erisiwdi názerde tutadı.

Muzika salasındaǵı tálim usılları:

- awızsha baylanıs usılı;
- shınıǵıw usılı;
- tastıyqlaw hám biykarlaw usılları;
- talap usılı;
- baqlaw, óz-ózin baqlaw hám óz-ózin bahalaw usılı;
- almasıw usılı.

Oqıtıw usılı - bul oqıtıwshı hám oqıwshınıń óz-ara tásiiri procesi.

Muzika salasında oqıtıw usılları:

- awızsha;
- vizual;
- ámeliy;
- "perspektiv" hám "retrospektiv" usılları.

Muzikalıq tálim usıllarınıń ayrıqshalıǵı túrlishe bolıp, ol balalardıń muzikalıq qábiletin qalıplestiriw, oqıwshınıń dóretiwsilik qábiletlerin rawajlandırıw baǵdarında, sonıń menen birge, baylanıs processinde oqıtıwshı hám studenttiń járdemine erisiwden ibarat.

Art-pedagogikası art-terapiya menen bekkem baylanıslı. Ásirese, muzikada. Muzika sabaqlarında art-pedagogika sistemasına kirgiziw múmkin bolǵan hár qıylı art-terapiya usılları qollanıladı. Muzika terapiyasınıń áhmiyeti sonda, ol arqalı psixik jaǵdaydıń teń salmaqlıǵı támiyinlenedi;

bul balanıń ozin kórsetiwine hám ózin ózi biliw qábiletin asırıwǵa járdem beredi;

onıń járdeminde insan ishki rezervlerden paydalanadı.

Muzika terapiyasınıń maqseti-ózin ózi unamli qádirlewdi qalıplestiriw, dóretiwsilik rawajlandırıw, baylanıs qábiletlerin rawajlandırıw hám emociyanı konstruktiv ańlatıw.

Muzika sabaqlarında balaǵa óz dóretiwsilik potencialın, uqıp hám qábiletin hesh qanday zálel jetkizbesten júzege shıǵarıw, kóplegen keselliklerden tezirek tikleniw, emociyanı baqlawdı, social beyimlesiwdi, emociyanı hám pikirlerin ańlatıwı úyreniw ushın múmkinshilik jaratıladı. Muzika terapiyası psixikaga álpayımlyq penen, kózge taslanbastan tásir etedi. Sebebi processtıń ózi jaǵımlı shınıǵıwǵa uqsaydı [4].

Úzliksiz túrde muzikalıq iskerligi menen shuǵıllanatuǵın shólkemge kirgen bala estetik sezimin qalıplestiredi, yad hám esitiwdi rawajlandıradı, sananı jaqsılaydı, qatánlıqtı rawajlandıradı hám basqa kóplegen artıqmashılıqlarǵa iye.

Juwmaqlap aytqanda, art-pedagogika hám art-terapiya (muzikalıq terapiya) hár qıylı teoriyalıq tiykarlarǵa iye. Olar mánisi, wazıypaları hám mazmunı menen parıq qıladı. Biraq olar bir-birin tolıqtırıp, balaǵa shıpabaxsh, beyimlestiriwshı tásir kórsetedi hám balanı barksamal rawajlandırıp, onıń dúnyaǵa kóz qarası hám ishki múmkinshiliklerin kórkem óner arqalı keńeytedi [3].

Ádebiyatlar

1. Медведева Е.А., Левченко И.Ю., Комиссарова Л.Н., Добровольская Т.А. Арт-педагогика и арт-терапия в специальном образовании. Учебник для вузов. - М.: Академия, 2001.
2. Бакушинский А.В. Художественное творчество и воспитание. Составитель Н.Н.Фомина. - М.: «Карапуз», 2009.
3. Безбородова Л.А., Алиев Ю.Б. Методика преподавания музыки в общеобразовательных учреждениях. Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальности «Намальная образованье». Изд. 2-е, перераб. и доп. - Санкт-Петербург: «Планета музыки», 2014.

4. Киямов Н. Шығыс алымларының дәретіўшилигинде болған музыкалық тәлим хәм тәрбияға тийисли пикирлерди анализ етїўдиң педагогикалық мәселелери. // «Халық тәлим». – Ташкент: 2012.

REZYUME. Tabiatshunoslik ta'limi sohasidagi yo'nalishlardan biri bugungi kunda badiiy pedagogikadir. San'at pedagogikasi - pedagogika fanining pedagogika va san'at bilan bog'liq bo'lgan bo'limi. "Art" - (ingliz tilidan) - san'at, "pedagogika" - shaxsning ta'lim va tarbiya predmeti. Bu ikki so'z inson hayotidagi ikkita eng muhim narsani anglatadi: san'at orqali o'rganish yoki san'at sifatida o'rganish. "Badiiy pedagogika" atamasi o'tgan asrning o'rtalarida paydo bo'lgan.

РЕЗЮМЕ. Одним из направлений в области естественно научного образования сегодня является артпедагогика. Артпедагогика – это раздел дисциплины педагогики, которая связана с педагогикой и искусством. «Искусство» — (от англ.) — искусство, «педагогика» — предмет образования и воспитания личности. Эти два слова относятся к двум самым важным вещам в жизни человека: обучению через искусство или обучению как искусству. Термин «артпедагогика» появился в середине прошлого века.

SUMMARY. One of the directions in the field of natural science education today is art pedagogy. Art pedagogy is a branch of the discipline of pedagogy, which is associated with pedagogy and art. "Art" - (from English) - art, "pedagogy" - the subject of education and upbringing of the individual. These two words refer to the two most important things in a person's life: learning through art or learning as art. The term "art pedagogy" appeared in the middle of the last century.

OLIIY TA'LIM TIZIMIDA TARBIYAVIY JARAYONLARNI BOSHQARUVDA RAHBAR PROFESSIONALIZMINING AYRIM XUSUSIYATLARI HAQIDA

F.B.Farhodov – Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi

Talaba va o'quvchilarning ma'naviy yuksalishiga ko'maklashish markazi direktori

Tayanch so'zlar: rahbar, oliy ta'lim, professionalizm, bilim, intellekt, qobiliyat.

Ключевые слова: лидер, высшее образование, профессионализм, образование, интеллект, способность.

Key words: leader, higher education, professionalism, education, intelligence, ability.

Zamonaviy rahbarlarga xos bo'lgan professional va shaxsiy sifatlarini tarkib toptirishda shaxsning xislat va fazilatlarini, uning tajribasi, mavjud bilim va malakasi hamda qobiliyatini shakllantirishdan iboratdir. Professionalizmning boshqaruvga nisbatan qo'llanishi esa, rahbar faoliyatini alohida professional soha sifatida tushunish hamda boshqaruvga oid vazifalarni bekamu ko'st bajarishni nazarda tutadi.

«Boshqaruv professionalizmi» iborasi esa ilmiy kategoriya sifatida psixologiya fanida o'z samarasini ko'rsatib kelayotgan faoliyat yondashuvi orqali tahlil etiladi. Boshqaruv professionalizmi tushunchasi o'z ko'lamiga ko'ra turli fan vakillari tomonidan o'rganib kelinmoqda. Xususan, sotsiologiya, huquq, menejment fanlarida boshqaruv professionalizmi tushunchasi ilmiy jihatdan tahlil qilish borasida sezilarli izlanishlar amalga oshirilgan. Bu mavzuni psixologik nuqtayi nazardan o'rganish bilan bir tomondan, ushbu fenomenning tabiatini yanada chuqurroq ilmiy izohlash imkoniyati yaratilsa, boshqa tomondan, uni modellashirish orqali bevosita rahbarlar ta'limi sohasiga tatbiq etish mumkin bo'ladi. Shunday qilib, boshqaruv professionalizmi aynan amaliyotga tatbiq etish nuqtayi nazaridan o'rganishga loyiqdir.

Rahbar kadrlarning professional mahoratini yuksaltirishga qaratilgan ilmiy izlanishlar Respublikamiz va chet ellarda turli sohalarida amalga oshirilmoqda. Albatta, bu borada menejment sohasidagi ilmiy izlanishlar yetakchi o'rinda tursa-da, maxsus psixologik tadqiqotlarda ham ushbu masala yetarli darajada o'z yechimini topgan. Respublikamiz olimlari tomonidan shu paytgacha olib borilgan qator izlanishlarda professionalizm mavzusi ko'proq pedagogik psixologiya sohasida, pedagog shaxsi va uning mahorati misolida tadqiq qilib kelinmoqda.

Rahbar o'z faoliyati orqali boshqaruv maqsadiga bevosita shaklda erishadi, ya'ni u xodimlar orqali tashkilot rejasini amalga oshiradi. Bunday holat boshqaruv va ijroni aniq ajratish zaruratini qo'yadi. Hatto shunday ta'kidlar ham borki, boshqaruv ijro faoliyatidan qanchalik ozod bo'lsa, u shunchalik samarali bo'lib boradi. Boshqaruv xususiyatini bunday ikki qatlam doirasida tahlil etish zarurati profesionalizmi faoliyat kategoriyasi nuqtayi nazardan qarash evaziga erishiladi. Rahbar o'z qudrati va salohiyatini tashkilot maqsadiga butunlay safarbar etishi undan ichki bir qaror, barqarorlik va ishonchni talab qiladi. Bun-

day mas'uliyat, uning zimmasiga aksariyat hollarda inson shug'ullanadigan rasmiy faoliyati va biron rasmiy tizimda egallagan huquqiy maqom orqali yuklanadi. Bunday maqomni shaxsning shu sohaga rasman kirganligi va ushbu yo'nalishda bundan buyon faoliyat yuritishini anglatgan holda endi uni «professional» deb atash uchun asos bo'ladi.

I. Maxmudov proffesonallikni quyidagicha ta'riflaydi: «Professionallik nafaqat rasmiy maqom, balki inson mehnat qilayotgan soha, ixtisoslik bo'yicha zarur bilim va malakaga egalik hamdir»

Bunday bilim va malakaga egalik turli darajada bo'lishi, shunga ko'ra, mutaxassisning professional salohiyatini bir nechta toifalarga ajratish mumkin. Gap boshqaruv haqida borar ekan, boshqaruv professionalizmini rahbarning o'z jamoasini tashkilot maqsadi sari yo'naltirishda yuksak darajadagi bilim va malakalarga tayangan holda faoliyat olib borishi, deb ta'riflash mumkin.

Professionalizm so'zi, ya'ni lotincha «professio» so'zidan olingan bo'lib, uning old qo'shimchasi bo'lmish «pro» - «oldinga, oldinda, sifatida» ma'nolarini anglatadi, «fiteor» - «e'lon qilmoq, aniqlamoq, ochiq e'tirof etmoq» degan ma'nolarni anglatadi. Bunda gap, «o'zini, o'z maqomini, mehnat turini boshqalarga rasman e'lon qilish, ommaviy tarzda xabardor qilish, ochiq namoyish etish» haqida boryapti. Shu ma'noda kasb, professio – maxsus tayyorgarlik va mehnat tajribasi asosida egallangan hamda maxsus nazariy bilimlar va amaliy malakaga ega bo'lgan insonning mehnat faoliyati turidir. Demak, professionallik – kasb sohibi bo'lish demakdir. Ushbu ta'rifda shunday ma'no aks etadiki, kasb doimo boshqalarga, atrofda qilargalarga yo'nalganligi bilan xarakterlanadi.

Professionalizmga ta'rif berilar ekan, barcha soha mutaxassislari uchun umumiy bo'lgan quyidagi ta'rifga murojaat etish mumkin: Professionalizm - shaxsning integrallashgan sifati bo'lib, bunda kasb faoliyatiga oid vazifalarni yuksak saviyada bajarish malakalari kuzatiladi.

Pedagogika sohasidagi professional mukammallik qator tadqiqotlarda «pedagogik mahorat» iborasi bilan ifodalanganadi. Pedagogik mahorat mavzusidagi ko'pgina ishlar tahlili shuni ko'rsatadiki, «mahorat» so'zi «professionalizm» so'ziga sinonim tarzda ishlatiladi. Darhaqiqat, e'tibor berib qaralsa, mahorat so'zi «biror ish, kasb uchun zarur yoki shu sohada o'ttirilgan ustalik, san'at, mohirlik», deb ta'riflanadi. Nazarimizda, «mahorat» so'zi ko'proq alohida

shaxsga nisbatan ishlatiladi va hatto muayyan faoliyatning mahorat cho'qqisi deganda ko'proq konkret shaxsni nazarda tutamiz.

Professionalizm masalasi ustida ko'p yillik izlanishlar olib borgan N.V.Kuz'mina ham professional malakalarni namoyish etishda pedagogning shaxsiy sifatleri alohida rol o'ynashini ta'kidlab o'tadi hamda professionalizm ikki o'zaro bog'liq komponentdan iboratligini alohida ta'kidlaydi: «professionalizm subyekt faoliyati va shaxsning professional muhim sifatleri majmu'i sifatida pedagogik vazifalarni hal etishga yordam berishi yoki xalaqit berishi ham mumkin». Bu ta'rifda faoliyat va shaxs yondashuvlarini uyg'unlashtirish zarurligi qayd etib o'tiladi. Olimlardan A.A.Derkach va N.V.Kuz'mina "shaxs professionalizmi" tushunchasining mohiyatini ochib berar ekan, shaxsning professional muhim sifatlariga urg'u beradilar va bunday sifatlar qatoriga quyidagilarni kiritadilar: intellekt (tafakkur), ma'naviy (xulq-atvor), emotsional (hislar), irodaviy (o'z-o'zini idora etish qobiliyati), tashkilotchilik (faoliyat mexanizmi qobiliyati)».

Rahbar shaxsga xos sifatlar deganda, boshqaruv faoliyatiga ta'sir etuvchi umumlashgan, barqaror psixologik xarakteristikalar tushuniladi. Bular psixologik jihatdan o'ta murakkab tuzilmalar bo'lib, quyidagi shaxsiy omillarga bog'liq: xarakter xislatlari, shaxs strukturasi, shaxs yo'nalishi, insonning hayotiy tajribasi, qobiliyat, faoliyat amalga oshuvchi sharoitlar tushuniladi. Rahbarning boshqaruv sohasida shakllanib borishi, professional sifatida yetilishi ma'lum jihatdan shaxs sotsializatsiyalashuvi jarayonining tarkibiy qismi hisoblanadi va hatto buni professional sotsializatsiya ham deb atash mumkin. Sotsializatsiya ikki tomonlama jarayon bo'lib, birinchidan, individ tomonidan ijtimoiy tajribani o'zlashtirish, ijtimoiy muhitga kirish orqali sotsial aloqalar tizimini o'zlashtirish nazarda tutilsa, ikkinchi tomondan, o'z faoliyati davomida sotsial aloqalarni yanada mukammallashtirish, yangi aloqalarni yaratish, deb tushuniladi.

Zamonaviy rahbarlarni, ayniqsa oliy ta'lim tizimida rahbar tayyorlash va malakasini oshirish jarayonida iloji boricha shaxsning o'z-o'zini anglashi, o'z e'tiqodi va qadriyatlarini hayoti davomida aniq ifodalash bilan bog'liq bilim va ko'nikmalarni shakllantirish lozim. Axir, aynan ichki poklik, samimiyluk va inson tabiatining yaxlitligi o'zgaga ta'sir etuvchi asosiy kuch sifatida namoyon bo'ladi. Rahbarlarni tayyorlash, ularning malakasini oshirish bilan bog'liq har qanday tadbir oxir-oqibatda rahbar shaxsi, uning boshqaruv mahoratini takomillashtirish, o'zgalarga ta'sir etish ko'lamini kuchaytirish maqsadini ko'zlaydi.

Xususan, boshqaruv faoliyati mehnatning boshqa shakllaridan mutlaqo farq qiladigan jarayondir. Va demak, ushbu faoliyatni amalga oshiruvchi subyekt ham o'ziga xos xislatlarga ega bo'lishi zarur. Boshqaruv faoliyatining asosiy psixologik xususiyatlari quyidagilar:

- boshqaruv ierarxiyasining turli bo'g'inlarida o'ziga xos bo'lgan faoliyat turlarining mavjudligi;
- faoliyatning ijodiy mazmunga egaligi. Bunday ijodiylik, asosan, ushbu faoliyat amalga oshuvchi sharoit bilan asoslanadi, ya'ni muammoga oid ma'lumotning kamligi va hatto mavjud axborotdagi ziddiyatlar, vaqt tanqisligi masalaga ijodiy yondashish talab qilinadi;

• boshqaruv vazifalarining aksariyat qismi prognostik tabiatga egaligi;

• faoliyatning muvaffaqiyatli amalga oshishi kommunikatsiyalar yetakchi o'rinni egallaydi, shuning uchun rahbardan muloqot ko'nikmalari, boshqaruv tizimida esa, mukammal darajadagi kommunikatsiya o'rnatilishi talab qilinadi;

• qabul qilinayotgan qarorlar bo'yicha mas'uliyatning yuqoriligi tufayli kuchli psixik zo'riqishning mavjudligi. Boshqaruv faoliyatiga xos bunday xususiyatlar, o'z navbatida, rahbar shaxsga shunday talablar qo'yadiki, alohida sifatlariga ega bo'lgan insongina mazkur sharoitlarda muvaffaqiyatli faoliyat yuritishi mumkin.

Oliy ta'lim tizimida rahbarning professional sifatida shakllanishi professional identifikatsiya masalasini ko'rib chiqishni talab etadi. Chunki har qanday professionalizm insonning kasbiy faoliyati bilan uyg'unlashuvi holatidir. Bu ta'rifga qo'shimcha ravishda yana bir jihatni qayd etish zarurki, busiz professionalizmi tasavvur etib bo'lmaydi. Bu ham bo'lsa, kasb egasining professional soha vakillari bilan identifikatsiyasidir (real yoki ideal vakillar bilan). Bunday o'zini qiyoslash shakllangan hissiy aloqalarga asoslangan holda professional faoliyatning barqarorligi va shaxsning professional sifatida o'sishini ta'minlaydi. Peshqadam rahbarga xos fazilatlaridan biri – vazminlik va sabr bardoshlikdir. Rahbar hissiyotining muvozanatlashganligi uning ichki dunyosiga xos qarama-qarshi tuyg'ularning tug'yoniga yo'l qo'ymaslik va kayfiyatidagi sokinlikda ifodalanadi. Undan tashqari zaruriy xislatlardan yana biri muloqotga moyillikdir. Aniqlanishicha, rahbar o'z kundalik faoliyatining to'rtidan uch qismini turli-xil muloqotlarga sarflaydi.

Rahbar professionalizmining, ayniqsa oliy ta'lim tizimida rahbar faoliyatining takomillashuvidagi asosiy holat texnika sohasining mukammallashuvidir. Texnik moslamalarning murakkablashib borishi, qimmatbaho uskunalar bilan ishlash va qolaversa, ularni boshqarish zarurati insonni mehnat muhitida ta'lim olishi zaruratini keltirib chiqardi. Bunday vaziyatda aniqlangan yangidan-yangi holatlar esa boshqaruv jarayonini olib boruvchi menejerlar, ish yurituvchilar va umuman, rahbarlarga zarur malakalarni egallash talabini qo'ydi. Deyarli barcha tashkilotlarning zamonaviy axborot texnologiyalariga oid moslamalar bilan jihozlanganligi korxona personalini, rahbarlarni baholash va hatto masofaviy o'qitish bo'yicha qator imkoniyatlar va qulayliklar yaratmoqda. Bunday holat boshqaruv natijalari haqida qayta aloqa olish imkoniyatini oshirish bilan birga, rahbarning uzluksiz bilim olishi va nazariy xulosalarni amaliyotga tatbiq etish imkonini oshiruvchi omildir. Zamonaviy rahbar hayotiga bunday texnik vositalarning kirib kelishi boshqaruv professionalizmini takomillashtirishni texnologizatsiyalash masalasiga yangicha mazmun bag'ishlaydi.

Shunday qilib yuqorida rahbar faoliyati davomida samaradorlikka erishish yo'lida amalga oshiradigan shaxs xususiyatlari bilan tanishib o'tdik. Bizga sir emaski, hech bir inson shu tizimdagi xususiyatlar bilan dunyoga kelmaydi. Bularni hammasi insonga berilgan iste'dod, tarbiya shuning bilan birga ijtimoiy-tarixiy yashash sharoitining natijasi hisoblanadi. Bunday xususiyatlarning rahbar faoliyatida ko'rinishi insondan qat'iy intizom va o'z ustida tinmay ishlashni talab qiladi.

Adabiyotlar

1. Maxmudov I. "Boshqaruv professionalizmining psixologik mohiyati". -T.: 2009.
2. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. - Пер. с англ. -М.: "Дело", 2000.
3. Sharifxodjayev M., Abdullayev Ya. "Menejment". -T.: "O'qituvchi", 2002.
4. Zaynutdinov SH.N. va boshqalar. "Menejment asoslari". -T.: "O'qituvchi", 2003.
5. Исаев А.П. Управленческий профессионализм: основные понятия, процессы и механизмы. Уч.пос. –Екатеринбург: 2015.

REZYUME. Ushbu maqolada Oliy ta'lim tizimida tarbiyaviy munosabatlar jarayonlarini boshqaruvda rahbar professionalizmining o'ziga xos xususiyatlari haqida ma'lumot beradi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье представлена информация об особенностях профессионализма руководителя в управлении процессами воспитательных отношений в системе высшего образования.

SUMMARY. In this country, information is provided on the features of the manager's professionalism in managing processes in medical institutions in the higher education system.

МАКТАБЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИНИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Н.П.Кайпов – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш, мактабда таълимда тасвирий санъат, миллий скульптура ва архитектура намуналари, интеграция, инновация.

Ключевые слова: модернизация содержания изобразительного искусства, изобразительное искусство в школьном образовании, образцы национальной скульптуры и архитектуры, интеграция, инновации.

Key words: modernization of the content of fine art, fine art in school education, examples of national sculpture and architecture, integration, innovation.

Жаҳонда юз бераётган глобализация ва кучли интеграциялашиш жараёни мактаб таълим тизимини модернизациялаш, умумий ўрта таълим соҳасини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштиришнинг янги моделларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО нинг 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида белгилаб берилган “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” тамойили асосида умумий ўрта таълим ўқув предметларининг мазмунини ҳам модернизациялашнинг дидактик параметрлар яратилмоқда [10]. Мактаб таълими тизимида бугунги шиддатли ахборот оқимлари ва глобаллашган ижтимоий майдонда нафақат инсоннинг, балки ҳар бир миллатнинг, халқнинг бадиий маданиятини акс эттирувчи восита сифатида халқларни ва қалбларни сўзсиз тушунишга, бирлаштиришга хизмат қиладиган, инсоннинг қалбига йўл кўрсатадиган, ўзини англашига, ўзлигини топишига ёрдам берадиган тасвирий санъат ўқув предмети муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда мактаб таълим тизимида тасвирий санъатнинг аҳамияти, уни такомиллаштиришнинг дидактик ва ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари, тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш усуллари ва моделларини аниқлаш сингари йўналишлардаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда тасвирий санъат таълими мазмунидаги ҳар бир халқнинг миллий эстетик фалсафасидаги гўзалликни акс эттириш ва англаш, унинг мазмун ва шакл категорияларини ёритиш муайян тарзда аксини топган. Россия, Италия, Франция, Германия каби давлатларда мактаб таълимида тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашга йўналтирилган тадқиқот натижалари бугунги тасвирий санъат фани мазмунини такомиллаштириш орқали мустақил фикрлайдиган, креатив ёндашувчан, умуминсоний қадриятлар руҳидаги ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Республикада таълим тизимидаги ислохотларнинг замирида учинчи Ренессансга йўл очиш ва уни амалга ошириш вазифаси ўрин олган. Шу аснода “Мактаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавий бешигига, фарзандларимизни болалигидан бошлаб касбга тайёрлашга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарурлиги” [1] мактаб таълими мазмунини модернизациялаш асносида барча ўқув предметлари қаторида тасвирий санъат таълими мазмунини ҳам модернизациялаш зарурлигини юзага келтиради. Ҳар бир халқнинг миллий анъана ва қадриятлари унинг маданий тарихида из қолдиришини ҳисобга олсак, Қорақалпоғистон мактаблари шароитида тасвирий санъат таълими давлат дастурларини ҳудуднинг миллий ижтимоий-тарихий ва маънавий тараққиёт жараёнларига асосланиб қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Чунки, қорақалпоқ тасвирий санъатининг ўзига хос ривожланиш тарихи мавжуд. Шу билан бирга, жаҳон тасвирий санъат таълими мазмунидаги инновациялар асосида республика мактабларидаги тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш, модернизациялаш ва учинчи Ренессансга йўл очиш кун тартибидаги долзарб муаммога айланди.

Мамлакатимизда тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш юзасидан А.Сулаймановнинг махсус тадқиқот ишлари мавжуд бўлса [8,9], Р.Ғ.Сафарова, М.Э.Иноятова ва бошқалар томондан умумий ўрта таълим ўқув предметлари қаторида тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари тадқиқотга тортилган [6,7]. Шунингдек, бадиий эстетик таълимнинг назарий муаммоларига оид С.Абдуллаев, Б.Қўчқоров, Х.Аляминов, А.Амануллаев, И.Юсупов, Б.Бойметов, С.Булатов, Ж.Дарменов, Р.Воейков, А.Ершов, А.Иноғомов, Н.Кевиш, У.Нуртеев, К.Ғуломов, Б.Орипов, Н.Толипов, К.Қосимов, А.Турдалиев, О.Худоёрова, Р.Хасанов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида бадиий таълим мазмунини такомиллаштиришнинг замонавий ечимлари ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида С.В.Арапова, И.В.Григорьева, Ю.Ф.Қадханова, М.А.Дербисова, Ж.С.Кенесарина, Е.Т.Кисимисов, Қ.М.Радомская, Ж.Н.Шайгозова, О.И.Бекболатова, А.И.Исқақ, У.Ж.Қонақбаева, Б.А. Альмухамбетов, Қ.О.Жеделов, А.А.Сағимбаев, З.Ш.Айдарова, К.Ералин, М.Ж.Танирбергенев, Д.А.Кемешев, Т.М.Қожагулов ва бошқа олимлар томонидан тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш, модернизациялаш, мактаб ва Олий таълим соҳасидаги бу борадаги изланишлар, тасвирий санъат таълимининг бошқа педагогик муаммолари юзасидан кўпгина тадқиқотлар олиб борилган.

Хуан Мэй, Е.Минхуэй, Пэн Тун ва бошқа хорижий давлатлар олимларининг тасвирий санъат таълими мазмунини умумий ўрта таълим ва юқори ўқув юртлири шароитида модернизациялаш юзасидан тадқиқотлари ҳам мазкур муаммонинг назарий муаммоларига бағишланган.

Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблардаги тасвирий санъат дарсларининг ўзига хослигини акс эттирувчи, миллий хусусиятларни ифодаловчи мақсадли тадқиқотлар, дастурларнинг йўқлиги, Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг педагогик технологиясининг ишлаб чиқилмаганлиги каби муаммолар мазкур диссертация мавзусини тадқиқ қилиш заруратини юзага келтирди.

Республикада таълим тизимида амалга оширилаётган ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар таълим мазмунида ҳам ўз аксини топмоқда. Шу боис ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» [3] узлуксиз таълим тизимининг мазмун ва методикасига янги талабларни қўймоқда. Шунингдек, «Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»да ҳам мазмунини такомиллаштиришга ҳам янги талаблар қўйилмоқда [12]. Бу, ўз навбатида, умумтаълим мактабларида таълим тизимини янги педагогик технология асосида модернизациялаш, ўқувчи ва талабаларнинг билим даражаларини мустаҳкамлашнинг турли технологик имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиши тақозо этади. Бу жараёнда таълим мазмунини янгиллаш билан педагогик ва психологик фанларининг кейинги ютуқлари асосида бир ўқув фани имкониятларидан бошқа ўқув фанлари

амалиётда қўлланилиши таълим технологияларини бойитишнинг муҳим шартларидан биридир.

Тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш усуллари воситасида ўқувчиларнинг бадиий-эстетик билимлари даражасини оширишнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш пировардида куйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

– Қорақалпоғистон Республикасида тасвирий ва амалий санъатнинг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларининг таълимий ва тарбиявий хусусиятларини педагогик талқин этиш;

– Қорақалпоғистонда тасвирий ва амалий санъати шаклланиши ҳамда ривожланиш тенденциялари асосида бадиий таълим мазмунини модернизациялашнинг ташкилий-педагогик асосларини аниқлаштириш;

– тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг бадиий саводхонлигини оширишга хизмат этувчи воситаларга ва билимларга қўйиладиган педагогик талабларини ишлаб чиқиш;

– тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

– тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш технологиясининг самарадорлик даражасини экспериментал синаб кўриш.

Бу вазифаларни бажариш мазкур муаммонинг куйидаги амалий ечимларига эришишга йўл очади:

– тасвирий санъат дарсларини Қорақалпоғистон Республикаси шароити учун мослаштиришнинг илмий-назарий ечимлари ишлаб чиқилади;

– тадқиқот натижалари асосида ўқувчиларнинг тасвирий санъат таълими жараёнида олган билимлари мазмунини тасвирий-иллюстратив материаллар мавжуд бўлган ўқув фанларини ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг педагогик имкониятлари аниқланади;

– таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда тасвирий санъат таълими мазмунини Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари учун модернизация қилишнинг технологик асослари амалиётга илмий асосланган ҳолда татбиқ этилади ҳамда унинг методикаси амалиётда синаб кўрилади;

– тасвирий санъат таълими мазмунини самарадорлигини таъминлашда фанлараро интеграциялашиш тамойилига амал қилинган ҳолда замонавий педагогик технологиялар билан мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

– тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашда давлат таълим стандартлари, баҳолаш мезонлари ва параметрлари, дарсликлар мазмунини қайта қуриш ҳамда мавзуларни ўқувчиларнинг қизиқишларига мослаштириш бўйича таклифлар илмий-методик жиҳатдан асосланади.

Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблардаги тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг педагогик технологияларини ишлаб чиқиш натижасида тасвирий санъат дарсларини Қорақалпоғистон Республикаси шароити учун мослаштиришнинг илмий-назарий ечимларини ишлаб чиқиш, тадқиқот натижалари асосида ўқувчиларнинг тасвирий санъат таълими жараёнида олган билимлари мазмунини тасвирий-иллюстратив материаллар мавжуд бўлган ўқув фанларини ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг педагогик имкониятларини аниқлаш, таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда тасвирий санъат таълими мазмунини Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари учун модернизация қилишнинг технологик асослари амалиётга илмий асосланган ҳолда татбиқ этилган ҳамда унинг методикасини амалиётда синаб кўриш, тасвирий санъат таълими мазмунини самарадорлигини таъминлашда фанлараро интеграциялашиш тамойилига амал қилинган ҳолда замонавий педагогик технологиялар билан мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашда давлат таълим стандартлари, баҳолаш мезонлари ва параметрлари, дарсликлар мазмунини қайта қуриш ҳамда мавзуларни ўқувчиларнинг қизиқишларига мослаштириш бўйича таклифлар илмий-методик жиҳатдан асослаш сингари муҳим илмий ва амалий ишлар кейсини яратиш имконияти мавжуд.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. 227-б.
2. Арапова С.В. Обучение изобразительному искусству. Интеграция художественного и логического. – СПб.: КАРО, 2004. – С.176.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.// Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: “Шарк”, 1997.
4. Кисимисов Е.Т. Формирование творческой активности студентов в процессе обучения декоративно-прикладному искусству: на примере ткачества: дисс...канд.пед.наук. – Омск: 2007. –С.180.
5. Радомская О.И. Повышение профессионального мастерства учителя изобразительного искусства в процессе применения интегрированных технологий: дисс...канд. пед. наук.– М.: 2004. –С.167.
6. Сафарова Р.Г. Иноятова М.Э. ва бошқалар. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. – Тошкент: «Фан», 2008.
7. Сафарова Р.Г., Иноятова М.Э. ва бошқалар. Истикболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари. – Тошкент: «Фан», 2009. – 240-б.
8. Сулаймонов А. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. – Тошкент: BAYOZ, 2017.
9. Сулаймонов А. Художественное воспитание старшекласников на занятиях книжной графикой: Автореф.дис...канд. пед. наук. – М.: 1992.
10. Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all // Incheon Declaration / Education 2030: (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea. <http://unesdoc.unesco.org>).
11. Таълим Тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси 6-махсус сон. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Мусиқа, тасвирий санъат, jisмоний тарбия. – Тошкент: “Шарк”, 1999. 288-б.
12. Ўзвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури (Меҳнат таълими, тасвирий санъат, чизмачилик, мусиқа маданияти ва jisмоний тарбия 1-9- синфлар). – Тошкент: 2010.

РЕЗЮМЕ. Мақолада тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг ижтимоий-педагогик талаблари ва зарурати назарий жиҳатдан таҳлил қилинган, шунингдек, амалий ечимлари, вазифалари кўрсатиб берилган. Тасвирий санъат таълимининг такомиллаштиришнинг хусусиятлари тадқиқ қилинган. Умумтаълим мактабларда тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг концептуаль асослари Қорақалпоғистон мактаблари мисолида ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В статье теоретически проанализированы социально-педагогические требования и необходимость модернизации содержания образования изобразительного искусства. Указаны практические решения и задачи. Исследованы особенности совершенствования образования изобразительного искусства. Концептуальные основы модернизации содержания образования изобразительного искусства в общеобразовательных школах изучены на примере школ Каракалпакстана.

SUMMARY. The article analyzes the socio-pedagogical requirements and the need to modernize the content of fine art education in the theoretical aspect. And also show practical solutions, tasks. The features of improving education in the field of fine arts were investigated. The conceptual foundations for the modernization of the content of education in the field of fine arts in secondary schools were studied using the example of Karakalpakstan schools.

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-КОММУНИКАТИВ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БАДИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ЎРНИ

Г.Кунназарова – мустақил тадқиқотчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: инглиз тили, талаба, фаоллик, ижтимоий-коммуникатив фаоллик, ижтимоий-коммуникатив фаолликни ошириш, бадий адабиёт.

Ключевые слова: английский язык, студент, активность, социально-коммуникативная активность, повышение социально-коммуникативной активности, художественная литература.

Key words: English language, student, activity, social-communicative activity, increase of social-communicative activity, fiction.

Этник маданий алоқаларнинг фаоллашуви турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида халқаро муносабатларни самарали ташкил этишни тақозо этмоқда. Халқаро муносабатларнинг самарали кечишида муайян тилнинг воситасига эҳтиёж юзага келади. Бугунги кунда мазкур жараёнда инглиз тили етакчи ўрин эгаллаган бўлиб, уни ўрганишга нисбатан қизиқиш тобора ошириб бормоқда.

Глобаллашув шароитида шахс нафақат ижтимоий мавжудот, балки мутахассис сифатида ҳам ижтимоий-коммуникатив фаолликка эриша олиши зарур. Айниқса, хорижий тиллар ўқитувчисининг ижтимоий-коммуникатив фаолликка эга бўлиши муҳим. Зеро, ўқув муассасарида таълим олувчиларга хорижий тилларни ўргатиш ўқитувчининг улар билан фаол ижтимоий-коммуникатив муносабатларни ташкил этиши асосида кечади.

Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал қилишда бадий адабиётларнинг таъсир кучидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, бадий адабиётларнинг таъсирчан роли талабалар томонидан инглиз тилини самарали ўрганишга ёрдам беради. ОТМда ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишлар жараёни эса талабаларда инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишни самарали ривожлантиришга ёрдам беради.

ОТМда ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишлар тизими бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш, бу жараёнда устувор аҳамият касб этувчи тамойилларни аниқлаш, педагогик фаолиятнинг самарадорлигини таъминловчи шакл, метод, восита ҳамда технологияларни мақсадли, оқилона танлашни тақозо этади.

Ижтимоий-коммуникатив фаоллик муайян мақсад асосида изчил равишда икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасида ўзаро ахборотларни алмашишга қаратилган ҳаракатнинг юқори даражасини англатади.

Шахснинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигининг бошқалар билан ижтимоий муносабатга кириши жараёнида кўзга ташланади. Бу жараёнда шахслараро ахборот алмашиш шунчаки хабарни баён қилиш билангина чекланмай, аксинча, ахборот мазмунида ифодаланадиган далиллар субъектларнинг қайфияти, хис-туйғулари, ҳаётий мақсадлари, манфаатлари [2] тўғрисидаги маълумотларни ҳам ёритишга хизмат қилади.

Ўз моҳияти, ижтимоий вазифасига кўра эса бадий адабиётлар шахсни ҳиссий тарбиялашга, унинг ҳиссийтини ривожлантиришга хизмат қилади, ички кечинмаларини ҳамда борлиққа бўлган муносабатини баён қила олишга, ўзгаларнинг қувончи ва қайғусига шерик бўлишга, уларни тушунишга, зарур ўринларда қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ёрдам кўрсатишга ўргатади.

Бадий адабиётлар воситасида талабаларда инглиз тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжни рағбатлантириш, қизиқишни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш масаласининг назарий ва амалий жиҳатларини дастлабки ўрганиш бу жараёнда бир қатор омиллар етакчи ўрин эгаллашини кўрсатиб. Талабаларнинг бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишда самарали бўлган омиллар

сирасида ОТМда ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишлар жараёни муҳим ўринни эгаллайди. Бинобарин, маънавий-маърифий ишлар инглиз тили таълими жараёнида ўзлаштирилган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эркин мулоқот, фаол коммуникатив алоқалар жараёнида амалда қўллаш имкониятини яратади.

Бу жараёнда асосий эътибор талабаларнинг бадий адабиётлар мазмуни, етакчи ғояси, сюжети, воқеалар ривож, кульминацион нукта, бадий ечим хусусидаги мустақил қарашларини баён қилиши, бадий қаҳрамонларнинг ҳаёти, хулқ-атвори ҳамда ҳатти-ҳаракатини баҳолашга нисбатан шахсий муносабат билдириши, ўз ёндашувларини, шунингдек, тенгдошларининг позицияси инкор қилинса уни асослашига қаратилади.

Инглиз тилини ўрганишда бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишни ривожлантириш жараёнига ноанъанавий, инновацион ёндашиш, тадқиқот субъектларининг ёш, психологик хусусиятлари ва шахсий имкониятларини тўғри баҳолай олиш ҳам муваффақиятга эришишнинг асосий гарови саналади. Қолаверса, мазкур жараёнинг муваффақиятли кечиши бевосита талабаларнинг ёш хусусиятлари, ижтимоий қизиқишлари, мавжуд маънавий эҳтиёжлари, ҳаётий интилиш ва мақсадларини инобатга олган ҳолда уларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишга самарали таъсир кўрсатадиган бадий адабиётларни самарали танланишига ҳам боғлиқ.

ОТМда ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишлар жараёни учун талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш мақсадида бадий адабиётларни самарали танлаш бир қатор омилларга боғлиқ. Тадқиқотчи М.У.Муродуллаеванинг қайд этишича, бу омиллар қуйидагилардан иборат: педагогнинг тажрибаси, маънавий-маърифий тадбирнинг тематикаси (мавзуси), бадий асарнинг мазмунан маънавий-маърифий тадбир мавзусига мос келиши, асарда илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг маънавий-маърифий тадбир иштирокчиларининг маънавий эҳтиёжи, қизиқиши, хоҳиш-истаклари, дунёқарашига мос келиши, таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан кўрсатиладиган ташкилий-методик ёрдам, ташкил этилишдан камида икки ой аввал иштирокчиларнинг тадбир мавзуси, ўқитилиши талаб этиладиган бадий асарлар, эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар тўғрисидаги маълумотлардан хабар қилиниши, иштирокчиларнинг ижтимоий фаоллиги [1:55-56].

Маънавий-маърифий ишлар учун масъул педагогларнинг жараёни ташкил этишга масъулиятли ёндашишлари, талабаларнинг ахлоқий-эстетик эҳтиёжлари, интилишларини ҳисобга олган ҳолда кучли ҳиссий таъсирга эга бадий адабиётларни танлай олишлари, тадбирларнинг пухта асосланган инновацион характердаги лойиҳа ҳамда педагогик талабларга мувофиқ ташкил этилиши, рефлексив баҳолаш тизимининг асосланиши қўлланган натижага эришишни таъминлайди. Тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда малакали педагоглар томонидан кўрсатиладиган методик ёрдам талабаларда инглиз тилини пухта, самарали ўзлаштиришга бўлган

кизикишни ярада ривожлантиришга хизмат килади.

Тадқиқотчи М.У.Муродуллаева тарихий-бадий асарлар воситасида ОХТМ курсантларида ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантириш мисолида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бадий адабиётларни танлашнинг қуйидаги босқичларини белгилайди:

- 1-босқич: таххислаш;
- 2-босқич: адабиётлар рўйхатини тузиш;
- 3-босқич: адабиётларни танлаш (рўйхат асосида);
- 4-босқич: маънавий-маърифий тадбирлар режасини тузиш;
- 5-босқич: тегишли адабиётларни мутолаа қилиш;
- 6-босқич: маънавий-маърифий тадбир сценарийсини тайёрлаш;
- 7-босқич: маънавий-маърифий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- 8-босқич: маънавий-маърифий тадбир самарадорлигини рефлексив баҳолаш [1, 57-6.].

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили мисолида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишга қаратилган илмий-педагогик тадқиқотни олиб боришда таъсирчан восита бўлган бадий адабиётларни танлашда тадқиқотчи М.У.Муродуллаева томонидан белгиланган босқичлар асосида иш кўриш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Адабиётлар

1. Муродуллаева М.У. Тарихий-бадий асарлар воситасида ОХТМ курсантларида ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантириш тамойиллари (олий ҳарбий таълим муассасалари мисолида): пед.фанл. бўйича фалс.докт. (PhD) ... дис. – Т.: 2021. – 55-57-б.

2. Тернавская Е.В. Социально-коммуникативное развитие детей дошкольного возраста в процессе игровой деятельности // <https://www.xn--d1abkefqip0a2f.xn--p1ai/index.php/component/k2/item/2518--539>.

РЕЗЮМЕ. Талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигига эгаллиги улар томонидан инглиз тилини муваффақиятли ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, барча хорижий тиллар каби инглиз тили ҳам фаол ижтимоий-коммуникатив муносабатлар жараёнида самарали ўзлаштирилади. Мақолада инглиз тилини ўрганишда бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш масаласи ёритилган.

РЕЗЮМЕ. Социально-коммуникативная активность студентов важна для их успешного изучения английского языка. Ведь английский, как и все иностранные языки, эффективно осваивается в процессе активных социально-коммуникативных отношений. В статье рассматривается вопрос повышения социально-коммуникативной активности учащихся при изучении английского языка средствами художественной литературы.

SUMMARY. Students' social-communicative activity is important for their successful learning of English. After all, English, like all foreign languages, is effectively mastered in the process of active social-communicative relations. The article describes the issue of increasing social and communicative activity of students in learning English by means of fiction.

WEB-ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИгини ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНиятлари

М.Т.Мамбетниязов – катта ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: замонавий таълим тизими, дидактик имкониятлар, касбий тайёргарлик, бўлажак ўқитувчилар, интернет, Web-технологиялар, компьютер ва ахборот.

Ключевые слова: современная система образования, дидактические возможности, профессиональная подготовка, будущие учителя, Интернет, Web-технологии, компьютер и информация.

Key words: modern education system, didactic opportunities, professional training, future teachers, Internet, Web-technologies, computer and information.

Глобаллашув жараёнида таълимни ташкил этишда тезкорлик ва сифат кўрсаткичларига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ахборот оқими тобора шиддатли тус олаётган вазиятда педагогик олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни зарур билимлар билан қуроллантира олишга эришиш ҳар бир педагогнинг касбий компетентлигини белгиловчи асосий омиллардан бири саналади.

Интернет ва Web-технологияларнинг пайдо бўлиши таълим жараёнини ривожлантиришда янги имкониятларни берди. Web-технологиялар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш тизимининг дидактик имкониятларига: курс материалларини Web-ресурсларга жойлаштириш; бўлажак ўқитувчиларни онлайн рўйхатдан ўтказиш; курсни якунлаш, шу жумладан дастурий таъминот билан ишлаш ва ўқитувчи билан нодастурий алоқа; ўқув жараёнида ва курс охирида бўлажак ўқитувчиларни назоратдан ўтказиш киради [1].

Ўқув курси доирасида кейинги ҳамкорлик интернет

Бунда асосий эътибор талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш жараёнини инглиз тили негизида самарали ташкил этишда бир вақтнинг ўзида ижтимоий муносабатлар тўғрисида маълумот берадиган манба, бадий-ижодий маҳсулот, тарбиявий, шунингдек, инглиз тилини самарали ўрганишга хизмат қилувчи восита бўлган бадий адабиётларни танлашга қаратилди.

Шундай қилиб, талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигига эгаллиги улар томонидан инглиз тилини муваффақиятли ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, барча хорижий тиллар каби инглиз тили ҳам фаол ижтимоий-коммуникатив муносабатлар жараёнида самарали ўзлаштирилади. Шу сабабли ОХТМда талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш долзарб педагогик вазифалардан биридир. Бу жараёнда бадий адабиётлардан фойдаланиш талабаларни ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш билан бирга улар томонидан инглиз тилини самарали ўрганишга ёрдам беради. ОХТМда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда аниқ мақсаддан келиб чиққан ҳолда бадий адабиётларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнинг муваффақиятли кечиши бир қатор омиллар ҳамда бадий адабиётларни тўғри танлаш босқичларининг аниқлашига боғлиқ.

Адабиётлар

1. Муродуллаева М.У. Тарихий-бадий асарлар воситасида ОХТМ курсантларида ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантириш тамойиллари (олий ҳарбий таълим муассасалари мисолида): пед.фанл. бўйича фалс.докт. (PhD) ... дис. – Т.: 2021. – 55-57-б.

2. Тернавская Е.В. Социально-коммуникативное развитие детей дошкольного возраста в процессе игровой деятельности // <https://www.xn--d1abkefqip0a2f.xn--p1ai/index.php/component/k2/item/2518--539>.

РЕЗЮМЕ. Талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигига эгаллиги улар томонидан инглиз тилини муваффақиятли ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, барча хорижий тиллар каби инглиз тили ҳам фаол ижтимоий-коммуникатив муносабатлар жараёнида самарали ўзлаштирилади. Мақолада инглиз тилини ўрганишда бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш масаласи ёритилган.

РЕЗЮМЕ. Социально-коммуникативная активность студентов важна для их успешного изучения английского языка. Ведь английский, как и все иностранные языки, эффективно осваивается в процессе активных социально-коммуникативных отношений. В статье рассматривается вопрос повышения социально-коммуникативной активности учащихся при изучении английского языка средствами художественной литературы.

SUMMARY. Students' social-communicative activity is important for their successful learning of English. After all, English, like all foreign languages, is effectively mastered in the process of active social-communicative relations. The article describes the issue of increasing social and communicative activity of students in learning English by means of fiction.

WEB-ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИгини ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНиятлари

М.Т.Мамбетниязов – катта ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: замонавий таълим тизими, дидактик имкониятлар, касбий тайёргарлик, бўлажак ўқитувчилар, интернет, Web-технологиялар, компьютер ва ахборот.

Ключевые слова: современная система образования, дидактические возможности, профессиональная подготовка, будущие учителя, Интернет, Web-технологии, компьютер и информация.

Key words: modern education system, didactic opportunities, professional training, future teachers, Internet, Web-technologies, computer and information.

орқали амалга оширишда ахборотни тақдим этишнинг асосий усуллари: матн, графика, 3D графика, анимация, флеш анимация, аудио, видео, медиа.

Интернетда маълумотларни тақдим этишнинг энг умумий шаклда Web-таркибни бошқариш тизимларининг тузилиши қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Бундай технология уч босқичли мижоз-сервер архитектурасига асосланган. Ушбу архитектура маълумотларни қайта ишлаш жараёнини мижоз, дастур сервери ва маълумотлар омбори ўртасида тақсимлайди.

Онлайн (синхрон, режалаштирилган) маърузалар, семинарлар қуйидаги иш схемасини ўз ичига олади: белгиланган вақтга келиб бўлажак ўқитувчилар рўйхатдан ўтган Web-сайтга келишади, шундан сўнг дарс бошланади.

Офлайн дарслар (асенхрон, талаб бўйича) қуйидагича ўтказилади: бўлажак ўқитувчилар сайтга ўзлари учун қулай вақтга келишади ва олдиндан тайёрланган материаллардан фойдаланадилар: флеш-тақдимотлар, видеофильмлар, тайёрланган вазифаларни бажаради-

лар, ўқитувчиларга ижтимоий тармоқлар орқали ёки конференцияда, форумда саволлар беришлари мумкин [2].

Ўрганишни бошқариш тўплами: Ресурсларни бошқариш ва бўлажак ўқитувчилар томонидан ўқув дастурларининг бажарилишини кузатиш имконини беради.

Таркибни бошқариш тўплами: Интерактив контент яратиш, жойлаштириш ва бошқаришни таъминлайди.

Етуқлик тўплами: Бир қатор кўникмалар ва вазифаларни корпоратив стратегиялар ва мақсадлар билан боғлайди.

Хамкорлик тўплами: Ўқув ресурслари билан ўқув платформасини шакллантиради.

Хусусийлаштириш тўплами: Корпоратив таълим мазмунини «керакли вақтда керакли одамларга» етказиб беради.

Психология ва педагогика нуқтаи назаридан таълим жараёнини Web-технологиялар асосида ташкил этишнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар қиради:

- асинхрон ва аудиторияларнинг мослашувчанлиги;
- модуллиқ;
- оммавий белги;
- интерактив алоқа ва алоқа каналларининг ўзгарувчанлиги;
- билимнинг умумийлиги ва бўлажак ўқитувчиларнинг мустақиллигига йўналтирилганлиги, ўрганиш мотивациясига;
- интернетда таълим ресурсларидан кенг фойдаланиш;
- таълим жараёнининг самарадорлиги.

Натижада ўқитиш методлари ва шакллари, шунингдек, ўқитувчиларнинг вазифаларига, уларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар ўзгариб бормоқда [3].

Web-технологиялар асосида ўқув курсларнинг таркибий қисмларини таҳлил қилиб, тармоқ тизимининг тузилишини аниқлаш мумкин. Бу қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: курсларни яратишга асос бўлган дарсликларнинг электрон версиялари ҳамда анъанавий дарсликлар бўлажак ўқитувчиларнинг билим олишдаги мустақил фаолияти муаммоларини ҳал қилмайди. Ушбу дастурий маҳсулотлар фақат масофавий ўқитиш амалга ошириладиган виртуал ўқув муҳитини яратади. Аммо бу ерда тажрибасизлик, ўз-ўзини тарбиялаш кўникмаларининг етишмаслиги, иродавий ўзини ўзи бошқариш, гуруҳ муносабатининг таъсири ва бошқалар каби психологик муаммолар мавжуд. Шунинг учун масофавий ўқитиш дастурларини ишлаб чиқишда дарсларни пухта режалаштириш, шу жумладан уларнинг ҳар бирини ўқув мақсад ва вазифаларини белгилаш билан ташкил этиш муҳимдир. Бўлажак ўқитувчилар таклиф қилинадиган курсларнинг мақсадини тушунишлари керак. Бўлажак ўқитувчиларнинг идрок, хотира, фикрлаш, диққат, ёш хусусиятларининг психологик қонуниятларини ҳисобга олиш зарур.

Юқоридаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда Web-технологиялар асосида дидактик имкониятларининг афзалликлари, ютуқлари ва самарадорлиги тўғрисида хулоса қилишимиз мумкин. Бўлажак ўқитувчилар кўшимча таълимга эҳтиёж сезади, дидактик таъминотга, ўқув материаллари билан бевосита ўзларига мос режим ва ҳажмда ишлаш имкониятини қўлга киритадилар. Яхши натижа олиш бўлажак ўқитувчининг ўқишига боғлиқ. Назорат-диагностика вазифалари ва битирув ишларининг изчил бажарилиши, ўқитувчи-координатор томонидан қўллаб-қувватланиши билимларнинг тизимли ўзлаштирилишини таъминлайди.

Бу ҳолда Web-технологиялар асосида ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- умумий аҳолининг таълим олиш имконияти;
- таълим муассасасининг вақтини, ўқиш жойини ва турини танлашда мослашувчанлиги;
- бўлажак ўқитувчининг эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашувнинг мавжудлиги;
- тренингнинг очиклиги;
- ўқитиш ва касбий фаолиятни бирлаштириш;
- бўлажак ўқитувчилар ва ўқитувчилар учун ўз-ўзини англаш имконияти;
- махсус дастурлар ёрдамида амалга ошириладиган билимларни баҳолашнинг объективлиги;
- бўлажак ўқитувчиларнинг билим қобилиятларини такомиллаштириш, мустақиллик, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш.

Web-технологиялар асосида таълимнинг дидактик таъминотни жорий этиш билан биргаликда мутахассисларнинг сифат хусусиятлари ортиб боради, улар фақат ижобий хусусиятлар билан фарқ қилади - жамоада тез мослашиш, ўзига ишонч ва ўзини ўзи қадрлаш, ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиш қобилияти қиради.

Илмий адабиётлар таҳлилига кўра Web-технологияларнинг дидактик имконият самарадорлигининг аниқ белгиланган мезонлари мавжуд эмас, аммо баъзи манбаларни таҳлил қилгандан сўнг, улар қуйидагича бўлиши мумкин деган хулосага келдик: ўқитишнинг информацион мазмуни; ўқитишнинг мослашувчанлиги; ўқитиш тизимининг технологик ҳолати; бўлажак ўқитувчилар учун дастурларнинг мослашувчанлиги, масалан, алоҳида эҳтиёжлар учун; ўқитишнинг қулайлиги ва иқтисодий самарадорлиги, шу жумладан анъанавий таълимга нисбатан; мутахассисларни тайёрлашнинг якуний сифати. Умумий ишлаш баллари рўйхатдаги мезонларга мувофиқ баллар йиғиндиси сифатида олиниши мумкин [4].

Барча афзалликларга қарамай, Web-технологиялар асосида ўқитишнинг салбий томонларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки индивидуал камчиликларни бартараф этиш умуман тизимни такомиллаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, шунини таъкидлаш керакки, ўқитувчи ва бўлажак ўқитувчи ўртасида юзма-юз мулоқот мавжуд эмас, бу охир-оқибат ўқитишда ёндашувнинг ўзига хослигига таъсир қилади. Амалий машғулотларнинг йўқлиги ва доимий мониторингнинг йўқлиги ҳам салбий жиҳатларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Web-технологиялар асосида таълим самарадорлигига таъсир этувчи омиллар Web-технологиялар асосида таълим муаммосининг назарий жиҳатдан пастлигини ҳам кўрсатиш керак. Бу аниқ ўқув мақсадлари ва бўлажак ўқитувчининг ушбу тизимда ишлаши учун зарур бўлган дастлабки талабларнинг етишмаслигига таъсир қилади; билимларни бошқариш тизимининг заиф даражаси; Web-технологиялар асосида курслар мазмунига ва ўқув-услубий таъминотга талабларнинг етишмаслиги; ахборот йўналиши бўйича ўқув-услубий мажмуани ривожлантириш жараёнини тезкор тартибга солишда марказлаштирилган режалаштириш ва равшанликнинг йўқлиги; инновацион таълим технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг ўқув ва илмий-услубий фаолиятини рағбатлантиришнинг заиф иқтисодий механизми; Web-технологиялар асосида ўқитишнинг ўқув-услубий мажмуасининг таркиби ва мазмунини белгилайдиган меъёрий ҳужжатлар ва саноат стандартларининг ривожланмаган базаси; олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари таркибининг анъанавий ўқитиш технологияларига ва компьютерга мойиллиги [5].

Шундай қилиб, Web-технологиялар асосида ўқитишнинг асосий камчиликлари: бўлажак ўқитувчилар учун мустақил иш кўникмаларининг етишмаслиги ва натижада дарс вақтидан самарасиз фойдаланиш; норасмий (тез-тез уйда) муҳитда ўрганишга эътибор бермас-

лик, бўлажак ўқитувчилар эътиборини жалғатиши; Web-технологиялар асосида таълим тизимида юзага келиши мумкин бўлган техник муаммолар; ўқитувчидан тезкор маслаҳат олишнинг даврий қобилияти; катта ёшдаги кишиларга эътибор қаратиш, ўсмир ва ёшларга таълим беришда самарадорликнинг пастлиги (2-жадвал).

Жадвал 2. Web-технологиялар асосида таълимнинг дидактик афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлари	Камчиликлари
Ўқитишнинг қулайлиги ва мослашувчанлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг турли қатламларига ўргатиш қобилияти	Бўлажак ўқитувчилар ўртасида мустақил иш қобилиятининг йўқлиги туфайли самарадорликнинг пастлиги
Ўқишга индивидуал ёндашув, ўрганишнинг очиқлиги	Тўғридан-тўғри алоқа етишмаслиги, жонли мулоқот
Таълим ва касбий фаолиятни қамраб олиш, мартаба ўсиши	Таълим беришда самарадорликнинг пастлиги
Билим ва кўникмаларини баҳолашнинг объективлиги	Техник муаммолар, ахборотни бузиш
Ўз-ўзини англаши, билим кўникмаларини ривожлантириш, мотивациядан фойдаланиш	Норасмий шароитда ўрганишга эътибор бермаслик, жамоанинг етишмаслиги, ўқитувчи билан тушунмовчиликлар

Бундай камчиликларга Web-технологиялар асосида дидактик тизимида ишлаб чиқилган қатор муаммолар сабаб бўлмоқда: Web-технологиялар асосида ўқитиш учун аниқ психологик ва педагогик асос йўқлиги, фақат техник томонга йўналтирилганлиги, «Web-технологиялар асосида ўқитиш»ни психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш усулларининг етишмаслиги; ҳуқуқий муаммолар-масофадан ўқитиш учун меъёрий-ҳуқуқий базанинг ривожланмаганлиги, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг етарли эмаслиги; техник ва услубий муаммолар-турли хил усулларнинг мультимедиа воситалари: матн, чизмалар, анимация, товушлар, мусиқа, турли тиллар ёрдамида ахборотни идрок этиш ва ўзлаштиришнинг психологик қонуният-

ларини эътиборсиз қолдириш; услубий муаммолар, анъанавий ўқув материаллари, биринчи навбатда дарслик ва амалий қўлланмаларнинг электрон версияларини ишлаб чиқишнинг мураккаблиги.

Жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-маданий жараёнларнинг динамикаси таълим соҳасидаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Ахборот технологияларининг ривожланиши эса Web-технологиялар асосида ўқитиш ахборот ва компьютер технологиялари ёрдамида алоқа таъминланади [6].

Web-технологиялар асосида ўқитиш дунёда турли хил моделлар шаклида қўлланилади, аммо унинг асосий таркибий қисмлари виртуал ўқув материаллари ва коммуникациялар (мультимедиа материаллари, электрон дарсликлар, онлайн ва видеоконференциялар, Интернет ресурсларидан фойдаланиш ва бошқалар).

Демак, мустақил таълим методикасига асосланган Web-технологиялар асосида ўқитиш бир қатор афзаллик ва камчиликларга эга. Унинг ижобий томонлари орасида: мавжудлик, оммавий характер, таълимнинг очиқлиги, иш жойида ўқитиш имконияти, индивидуал ёндашув ва дарслар жадвалининг мослашувчанлиги, ўқув жараёнининг самарадорлиги, бўлажак ўқитувчининг ўзини ўзи англаши ва унинг билим қобилиятларини ривожлантириш имконияти.

Шу билан бирга, Web-технологиялар асосида ўқитиш бир қатор камчиликлар билан тавсифланади: бўлажак ўқитувчилар ўртасида мустақил иш қобилиятининг етишмаслиги, «жонли» мулоқотнинг етишмаслиги, жамоавий (айниқса асинхрон моделда), маълумотларнинг бузилиши эҳтимоли, ўқув жараёни иштирокчиларининг узоклиги сабабли тушунмовчиликлар туфайли паст самарадорлик. Умуман олганда, бир қатор ҳуқуқий, услубий ва психологик муаммоларга қарамай, Web-технологиялар асосида ўқитиш жуда самарали ва истиқболли. Мамлакатимизда уни янада ривожлантириш учун қуйидагилар зарур: услубий базани, Web-технологиялар асосида таълимнинг ташкилий ва бошқарув тузилмасини шакллантириш, норматив-ҳуқуқий аппаратни ишлаб чиқиш, анъанавий таълим тизими билан ҳамкорликда назарий, илмий ва психологик ёндашувларни ишлаб чиқиш, Web-технологиялар асосида таълимнинг моддий-техник базасини молиявий қўллаб-қувватлаш зарур.

Адабиётлар

1. Муслимов Н.А., Сайфуров Д.М., Усмонбоева М.Х., Тўраев А.Б./Web-технологиялар асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш. – Тошкент: 2015. 5-б.
2. Везиров Т.Т. Дидактические возможности Web-технологий в педагогической деятельности учителя информатики//Материалы региональной научной конференции «Актуальные проблемы преподавания математики и информатики в школе и вузе». -Каракаевск: КЧГУ, 2006. -С. 116-117.
3. Дидактические основы комплексного использования средств обучения у учебно-воспитательном процессе общеобразовательной школы // под ред. Полат Е.С. - М.: АПН СССР, 1991. –С.74.
4. Ниматуллаев М.М. Подготовка учителей информатики в педвузе к использованию Web-технологий в профессиональной деятельности: Дисс. к.п.н: 13.00.02. -М.: 2002. –С.434.
5. Mambetnizayov M.T. Possibilities of using web-technologies in the learning process/ Academia An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. Issue 5, May 2020. India. 737-740.
6. Maksetbay Torebekovich Mambetnizayov. (2021). Competence of computer science teachers in the use of Web technologies in their professional activities. Current Research Journal of Pedagogics (2767-3278), 2(05), 97-101.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Web-технологиялар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари ва бу борадаги муаммоларни ўрганиш масаласи ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ. В статье отражены дидактические возможности совершенствования профессиональной подготовки будущих учителей на основе Web-технологий и вопрос изучения проблем в связи с этим.

SUMMARY. The didactic possibilities of improving the professional training of future teachers based on Web-technologies and the issue of studying the problems in this regard are reflected in the article.

ТАҲЛИЛИЙ ФИКРЛАШ ВА МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Р.Р.Мамбеткаримов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: муаммоли таълим, муаммоли вазифа, интеллектуал, субъект, рухий ҳолат, технология, услуб, модел, фалсафа, жараён, ҳодиса.

Ключевые слова: проблемное обучение, проблемное задание, интеллектуал, предмет, состояние души, технология, метод, модель, философия, процесс, событие.

Key words: problem-based learning, problem-based task, intellectual, subject, state of mind, technology, method, model, philosophy, process, event.

Муаммоли таълимнинг асоси талабаларнинг ақлий фаолияти бўлиб, бу турдаги таълимни таҳлилий

фикрлашнинг турли жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш учун имкон қадар кўпроқ қўллаш

мумкинлигини таъкидлаш мумкин. Муаммони ўрганиш методологияси «муаммо», «муаммолик», «муаммоли вазият», «ўқув муаммоси», «проблемазация», «муаммоли вазифа» каби баъзи бир қатор тушунчаларга асосланган. Юқоридаги барча тушунчалар учун бошланғич атама «муаммо» - аниқ ёки яширин қарама-қаршилиқни ўз ичига олганлиги сабабли ҳал қилишни, изланишни талаб қиладиган савол ёки топшириқ. «Муаммолик» тушунчаси муаммоли ва ноаниқ хусусиятларни, сифатни акс эттиради ва аниқ ёки яширин шаклда ўқув мақсадларига эришиш жараёнида қийинчиликлар мавжудлигига далил сифатида кўзга ташланади. «Муаммолик»ни муайян муаммоли вазифада батафсил баён этилган таълим фаолиятидаги муаммоларни шакллантириш ва очиш жараёни деб тушуниш керак. Сўнги ўн йилликлар ичида жамиятдаги ўзгаришлар педагогика олий таълимини инсонпарварлаштириш, унинг компетентлик парадигмасига ўтиши учун асос бўлди. Ушбу ўтиш, бир томондан, янги педагогик технологияларни лойиҳалаштириш учун мақсадли жараёни белгилаш, ҳамда атрофимиздаги дунёни билишнинг юқори даражасини таъминлайди.

Мамлакатимизда ва бутун дунёдаги ижтимоий ўзгаришларнинг динамикаси, шунингдек, замонавий жамиятни ривожлантириш жараёнига инновацияларни кенг жорий этиш педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун профессионал лаёқатларни шакллантирилганлигига нисбатан янги талабларни белгилаб беради. Уларнинг фундаментал ва услубий тайёргарлиги, ривожланган самарали фикрлаш, таҳлилий фикрлашда кўникмалар ва юқори ахборот маданияти долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таҳлилий фикрлаш учун кенг қўлланиладиган ва энг кўп талаб қилинадиган педагогик технологиялардан бири муаммоли таълимдир. Олий таълим муассасалари ўқитувчилари таълим жараёнида муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш ва хусусан, гуманитар фанларни ўрганиш муҳимлигини тушунадилар [1:412]. Улар муаммоли таълим олиш учун махсус яратилган муаммоли вазиятларда назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида талабаларнинг таҳлилий фикрлашни ривожлантириш учун янги билимларга эга бўлишига асосланади.

Муаммоли таълим технологиясининг моҳияти ўқув жараёнини ташкил этишда олий таълим муассасалари талабаларида таҳлилий фикрлашни ривожлантириш учун маълумот тайёр шаклда берилмаслиги билан изоҳланади. Бунинг ўрнига, ўқитувчи махсус муаммоли вазиятни ташкил қилади, уларга маълум бир вазифани кўяди, бунинг учун талабалар муайян мустақил изланишни олиб бориш керак. Бундай изланиш фаолияти натижасида янги билим, қобилият ва кўникмалар ҳосил бўлиб, улар кўпроқ теранлик, мустақамлик, онглик билан ажралиб туради. Бундан ташқари, талабаларнинг билим олишга бўлган фаоллиги, қизиқувчанлик, билимдонлик, ижодий фикрлаш ва бошқа фикрлаш билан боғлиқ шахсий муҳим фазилатлари ҳам ривожланади.

Ҳозирги вақтда муаммоли таълим – бу ўқитувчи ўқув машғулотларида муаммоли вазиятларни яратадиган ва кейинчалик талабаларни уларни ҳал қилишида таҳлилий фикрлаш учун мустақил фаолиятни ташкил этадиган, натижада касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ижодий ўзлаштирилиши асосида таҳлилий фикрлашни ривожлантиришга олиб келадиган таълими ташкил этади.

Талабаларнинг таҳлилий фикрлашларини ривожлантириш тушунчаси доирасида олий таълим муассасаларининг талабаларини ўқитиш амалиётида уни амалга ошириш учун бир нечта турли ёндашувлар мавжуд.

Бир қатор олимларнинг фикрига кўра, муаммоли таълими ўрганиш бу ўқув вазифасини ташкил этиш, ундаги муаммони шакллантириш, талабаларга ушбу муаммони ечишда ёрдам бериш, олган билимларини текшириш ва мустақамлаш бўйича ҳаракатлар мажмуидир дея кўрсатиб ўтади [2:77]. Муаммоли таълимда талабалар турли даражадаги мураккабликдаги муаммоларни ҳал қилишда, ўзлари учун таҳлилий фикрлашда билим ва услубларни ўзлаштириб, ижодий қобилиятларини шакллантириши ва ривожлантиришига ишонади. Бинобарин, ўқитувчи томонидан амалда тадбиқ этилаётган қадриятли ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар энг долзарб ҳисобланади деб таъкидлаб айтишга бўлади.

Таълим жараёнида талабаларга мустақил фикрлашни талаб қиладиган мураккаб саволларни бериб, таҳлилий фикрлаш орқали янги билимларни олиш ғояси узок вақт давомида хориж дидактикаси ва фалсафасида илдиз отган ва Сократнинг фалсафий қарашларида, Ф.Аквинский, Ф.Бекон ва И.Кантнинг фикрлари мужассамланган асарларига бориб тақалади. Файласуфлар асарларида тайёр билимларни «ёдлаш»дан бош тортиш ғоясини ишлаб чиқдилар, улар субъектнинг билимларни ўрганишдаги фаоллиги тўғрисидаги қарашларга қарши турдилар. Бу XX аср бошларида дидактикада мустақил ёндашувларнинг шаклланишига ҳисса қўшди, масалан, лаборатория машғулоти услуби, табиатшунослиқни ўқитиш техникаси, шунингдек эвристик, экспериментал-эвристик, лаборатория-эвристик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кўпгина ўқитувчиларнинг фикрларига кўра, бу услублар тадқиқот таълимига асосланади. Улар унинг моҳиятини ўқувчиларнинг ақлий билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг ижодий қобилиятларини намоён этиш, шахснинг мотивацион қобилигига кучли таъсир кўрсатиш ва бу орқали таълим жараёнига қизиқишлари учун шарт-шароитларни яратишда кўрадилар.

XX асрда АҚШ илм фани доирасида муаммоли таълим бўйича иккита асосий ёндашув шаклланади. Биринчиси, прагматизм фалсафасининг асосчиси бўлган ўқитувчи ва психолог Д.Дьюи ғоялари бўлган. У ўзининг педагогик қарашларида эмпиризм асосчиси, инсон атрофдаги олам ҳақидаги маълумотларнинг асоси фақат билимни тасдиқловчи ёки рад этувчи унинг эмпирик фаолияти бўлиши мумкин деб ҳисоблаган Ф.Бекон нуқтаи назарини такрорлади. Д.Дьюи, шунингдек, амалий ҳаракатларсиз инсоннинг билимлари фақат тахминлар бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилди, яъни ўқув жараёни ўқув-амалий йўналишга эга бўлган талабаларнинг мустақил фаолиятига асосланган бўлиши керак. Унинг мактабида ўқув машғулоти ўқувчиларнинг амалий ўйин фаолиятига асосланган эди, аммо у яхлит концепцияни яратолмади ва муаммоли таълимнинг назарий асослари фақат ўтган асрнинг ўрталарида амалга оширилди.

Иккинчи ёндашув бихевиоризм тамойилларига асосланади – бу Америка психологиясидаги тенденция мураккаб психик жараёнларни, шу жумладан ўрганишни ҳам, рағбатга нисбатан ҳулқ-атвор реакциясига, яъни ташқи муҳитнинг организмга таъсирига боғлайди. Шу тариқа, америкалик педагог-назариячи Уилям Бертон, таълим бериш жараёнини инсоннинг аввалги тажрибасини янги рағбатга реакцияларнинг ўзгариши билан боғлиқ оддий ўзгариш сифатида тақдим этди. Шу билан бирга, У.Бертон назариянинг ўқув жараёнидаги ролига камроқ қиймат берилган, ташқи муҳитнинг ўқувчининг фикрлаш қобилиятига таъсири аҳамиясиз қолдирилган.

Муаммоли таълимнинг кўплаб замонавий хорижий олимлар тавсифи орқали берилган умумий

тушунчалари замирида америкалик ўқитувчи ва психолог, тахлилий фикрлаш соҳаси мутахассиси Ж.Брунернинг қарашлари ётади. У билим олиш учун ўқувчиларнинг ижодий фикрлашлари аҳамиятини таъкидлайди. Бунинг учун олинган янги билимларнинг ташкиллаштирилиши ва тузилишига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, янги назариялар аввалги назариялардаги камчиликлардан халос бўлиш учун Д.Дюи ва У.Бертоннинг қарашларини қайта кўриб чиқади. Масалан, замонавий хорижий олимлар муаммоли масалаларни ҳал қилишда ўқитувчининг роли муҳимлигига эътибор беришади ёки ўқувчиларнинг индивидуаллашган фаолиятдан фарқли ўлароқ, муаммоли вазиятни кўриб чиқишда жамоавий саъй-ҳаракатларни биринчи ўринга қўядилар.

Ҳозирги вақтда фалсафа ва педагогика бўйича инглиз тилидаги адабиётларда problem solving problem based learning, learning-by-discovery ва бошқалар ишлатилади. Бундай «муаммоли йўналтирилган таълим»нинг мақсади талабаларга фанларни ўрганишда мослашувчан билимларни, муаммоларни ҳал қилишнинг самарали кўникмаларини, ўз-ўзини бошқаришни ўрганишни, ички мотивацияни, шунингдек, таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш ва ўзаро мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали тахлилий фикрлашда ёрдам беришдир [3:234]. Шу нуқтаи назардан, муаммоли йўналтирилган таълим фаол таълимнинг бир тури сифатида қаралади.

Бундан ташқари, муаммоли ўрганиш, анъанавий билим олиш билан солиштирганда, бир қатор афзалликларга эга, айнан:

❖ *Мантиқий, ижодий, диалектик фикрлашга ёрдам беради;*

❖ *Ўқув материалларини янада аниқроқ қилади, объектив билимларни шахсий фикрлашда ишонилган нарсаларга айланишига ёрдам беради;*

❖ *Талабаларни ижобий рағбатлантиради, яъни уларни билим олишга қизиқтиради, тобора мураккаб мақсадларни белгилашда ифодаланган даъволарнинг даражасини оширади, интеллектуал мамнуниятни бошдан кечиртишга, ўз қобилиятлари ва имкониятларига ишонч туйғусини шакллантиришга ёрдам беради;*

❖ *«Анъанавий» йўл билан олинган билимларга нисбатан мустақкам билимларни шакллантиришга ёрдам беради.*

Билимнинг мустақкамлиги нафақат талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллигининг намоён бўлиши билан таъминланади, балки психологик сабабларга ҳам эга. Муаммони ҳал қилишда талаба тадқиқотчиликка киришади ва муайян интеллектуал ҳаракатларни амалга оширади. Муайян вақт давомида ҳал этилмаслиги ва шунинг учун ўрганиш жараёнига доимий қайтиш,

муаммони ҳал этишга қаратилган концентрация фақат тайёр билим ўзлаштирилувчи анъанавий таълим билан солиштирганда янада мустақкам билим, кўникма ва қобилиятларни шакллантиради.

Бироқ, муаммоли таълимда ижобий томонлардан ташқари, айрим камчиликларни ҳам таъкидлаш керак. Улардан энг муҳими, муаммоли вазифани ҳал қилишда, ўрганувчининг ўқув жараёнида қийинчиликларга дуч келиши, ўқув ҳолатини енгилуш учун кўпроқ вақт ва куч кераклиги, яъни тахлил қилиш, ўйлаш, ҳал қилиш учун анъанавий таълим шаклига нисбатан кўпроқ вақт талаб этилишидир.

Муаммоли таълимнинг бошқа муҳим камчиликлари ўқитувчининг юқори педагогик маҳоратига ва муаммоли вазифаларни ишлаб чиқиш учун қаттагина вақтга эга бўлишга бўлган талаблардир.

Муаммоли таълимда бир нечта мустақил босқичлар аниқланиши мумкин:

- ❖ муаммоли вазиятга кириш;
- ❖ тахлил қилиш билан муаммоли вазиятни ўрганиш;
- ❖ гипотезаларни олға суриш, уларнинг далиллари ва текшируви;
- ❖ муаммоли вазифани ҳал қилишнинг тўғрилигини яқуний назорат қилиш.

Шунга ўхшаш босқичлар умуман инсоннинг ақлий фаолиятида мавжуд бўлиб, фикрлаш даставвал одамда қийинчиликларни бошдан кечирадиган уни фақатгина уларнинг моҳиятини шакллантириш ва уларни енгилуш шароитларини англаш орқали енгилуш мумкин бўлган қандайдир муаммоли вазиятни ечишга асосланганлиги ҳақида мулоҳаза ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар қандай вазият ҳам муаммоли бўлавермаслигини таъкидлаш керак. Бунга у фақат субъект билан ўзаро алоқага киришиб, унинг онгида унинг билимлари, маънолари, мақсадларига мувофиқ равишда таъсирлашгач эришади.

Муаммоли вазиятда ҳар доим бундай номувофиқлик мавжудлигига кўпинча бу субъектнинг мақсадлари ва ҳаракат услублари билан боғлиқ. Вазият таркибидаги қарама-қаршиликлар унинг мураккаблиги туфайли кучайиши мумкин, чунки унда кўплаб элементлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари, этишмаслиги ёки аксинча, маълумотларнинг зичлиги, вазиятда юз берадиган ўзгаришларнинг динамикаси ва бошқалар мавжуд.

Умумлаштириб айтганда муаммоли характерни акс эттирувчи ушбу мураккаб вазиятлар барча ижтимоий жараёнларни, шу жумладан таълимни ҳам ўз ичига олади. Шунинг эса тутиш керакки, вазиятдаги ноаниқликнинг асоси унинг турли жиҳатлари ва турли хил комбинацияларида бўлиши мумкин, бу эса турли хил муаммоларни келтириб чиқаради ва бу ўта муҳимдир.

Адабиётлар

1. Анисимов, О. С. Основы методологического мышления. / О.С.Анисимов. – Москва : Внешторгизд., 1989. –С. 412.
2. Антонов, В. И. Управление информационными ресурсами как важнейший фактор стабильности развития военных вузов / В. И. Антонов, В. К. Золотухин, Д. Н. Воробьев. // Военная мысль. 2009. №7 – С. 77–84.
3. Cottrell, S. Critical Thinking Skills. Developing Effective Analysis and Argument / Cottrell Stella. ISBN-13: 978-1-4039-9685-5 – Palgrave Macmillan. Houndmills, Basingstoke, Hampshire, 2005. –Р. 234.
4. Большой энциклопедический словарь. -Москва: "Советская энциклопедия", 1993. – С.1632, 1064.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада тахлилий фикрлаш ва муаммоли таълимни ривожлантиришда замонавий таълим масалалари кенг тахлил қилинган ҳолда, тахлилий фикрлаш ва муаммоли таълим усулларининг ўзига хос томонлари, унинг асосий мезонлари кўрсатиб ҳар томонлама тахлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье всесторонне проанализированы современные образовательные проблемы развития аналитического мышления и проблемного обучения, показаны особенности методов аналитического мышления и проблемного обучения, его основные критерии.

SUMMARY. In this article, modern educational issues in the development of analytical thinking and problem-based education are comprehensively analyzed, showing the specific aspects of analytical thinking and problem-based education methods, and its main criteria.

XALQARO OLIMPIYA HARAKATINING RIVOJLANISH TARIXI

B.J.Mambetov – tarix fanlari nomzodi, dotsent

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti Nukus filiali

Tayanch so'zlar: xalqaro Olimpiya harakati, tarixiy davr, rivojlanish, pedagogika, musobaqa.

Ключевые слова: международное олимпийское движение, исторический период, развитие, педагогика, соревнование.

Key words: international Olympic movement, historical period, development, pedagogy, competition.

Dunyoda shunday e'tiqod tarqalganki, yangi davr olimpiya harakati Per de Kuberten (1863-1937) tashabbusi bilan paydo bo'lgan. Olimpiya o'yinlari tushunchasining o'zi olamga italiyalik Qayta Tiklanish davrining davlat vakili Mateo Palmeri (1405-1475) tomonidan qaytarilgan, uning asarlaridan birida antik dunyo g'oyalari ishora qilingan.

Tibbiyot va pedagogika nuqtayi nazaridan olimpiadalar bilan Ieronim Merkurialis o'zining "De arte gymnastica san'ati" asarida shug'ullangan. Qadimgi davr olimpiadalariga Peter Faber, 1592-yilda Parijda nashr etilgan, o'zining "Agonistikon" asarida ishora qilingan.

1516-yilda yurist Ioxanes Akvilla Baden shahrida "namunaviy olimpiya chiqishlarini" tashkil etgan. Ingliz dramaturgi Tomas Kid (1544-1590) teatrdagi olimpiadalar tarixidan sahnalar qo'ygan. Angliya qiroli prokurori Robert Dover (1575-1652) qiroli Yakov I qo'llab-quvvatlashi ostida 1604-yilda Bartone-na-Xese shahrida musobaqlar seriyasini tashkil etgan, ularni "Olimpiya o'yinlari" deb atagan. Musobaqlar "Muqaddas uchlik bayrami" munosabati bilan o'tkazilgan va ingliz xalqining Qadimgi an'analari bilan bog'liq edi. Musobaqlarda jinsiga va qaysi tabaqadan bo'lishiga qaramasdan barcha insonlar ishtirok etganlar. Musobaqlar chavandozlar, kurashchilar va atletlar musobaqlaridan tarkib topgan, oxirida esa ov qilish, raqslar bayrami va ho'kizni qovurish marosimi bilan tugatilgan. Ular Dover o'limidan ham keyin 100 yil davomida o'tkazilgan [15:93].

XXVIII asr o'rtasida olimlar Olimpiya shahrida qazilma ishlari o'tkazilishi haqida so'z ochgan edilar. 1723-yilda bu haqida fikrni fransiyalik olim Berano de Monfokon aytib o'tgan. 1766-yilda Olimpiyaga angliyalik Richard Chendler tashrif buyurdi, uning taxminicha, qachonlardir mashhur bo'lgan ushbu hududda katta xaram qoldiqlari bo'lgan. 1768-yilda nemis olimi Iogann Vinkelman Olimpiyaga tashrif buyurdi va qazilma ishlari loyihasini tayyorladi. Faqatgina 1829-yilda fransiya ekspeditsiyasi birinchi qazilma ishlarini o'tkazdi, ular natijasida bir nechta qimmatli yodgorliklar topilgan edi. Ularni Luvr muzeyiga jo'natdilar. Fransiyaliklar quvonib ketib, qazilma ishlarini davom etishni xohlar edilar, ammo bir qator sabablar tufayli buni amalga oshirmadilar.

O'tgan asrning 70- yillarida qazilma ishlarini amalga oshirishga nemis olimi Ernst Kursius urinib ko'rgan. Biroq uni Germaniya hukumati qo'llab-quvvatlamadi. Faqatgina bir necha yildan keyin 1875-yilning oktabr oyida qazilma ishlari boshlandi, ammo 1881-yilning bahorida yana to'xtatildi. Qazilma ishlari rahbari Berlin universitetining professori Ernst Kursius edi. Uning xizmatida 300 ta ishchi bor edi. Ishlar 6 yil davom etdi. Faqatgina muqaddas Altis binosi emas balki uning atrofidagi boshqa binolar qazib olindi, bu olimpiya rejasini tiklash imkonini berdi. Qazilma ishlari tufayli aniqlandiki, Altis hududi devor bilan o'ralgan, uning janubiy qismida Zevs xarami bo'lgan, shimol qismida esa – Gera xarami, ular o'rtasida esa – Agora markaziy maydoni bo'lgan.

Qazilmalar davomida katta miqdorda qimmatbaho buyumlar topildi. "Topilmalar boyligi haqida quyidagi raqamlar dalolat beradi: 130 ta haykal yoki marmar bareleflari, 13000 ta bronza buyumlari, 6000 ta tanga, 400 ta yozuvlar, 1000 ta sopol buyumlari, 40 ta yodgorliklar, ular ichida Nikiya Peoniy va Germes Praksitel haykallari, xaram binosining yahlit old qismlari kabi asarlar mavjud. Qazilmalar o'tkazilgan joyda, grek Andres Singros homiylikda muzey tiklandi va topilgan qadimgi buyumlar unga joylashtirildi" (V. Buzeskul, 1915).

Gera xaramining qoldiqlarida va boshqa joylarda bebaho haykallar topildi, bular – Afrodit kallas, olimpiya o'yinlari g'oliblarining bronzadan portretlari va boshqa qimmatbaho buyumlar.

Ernst Kursius o'limidan keyin 1896-yilda qazilma ishlari to'xtatildi. Ular 1937-yilda davom etildi. 1941-yilning aprel oyida Gretsiya nemis bosqinchilari tomonidan bosib olindi va 1942-yilda qazilma ishlari yana to'xtatildi. Faqat 10 yildan so'ng Emil Kuns rahbarligi ostida qazilma ishlarini tikladilar. 1952-yilning iyun oyida rekonstruksiya qilingan stadion ochildi.

1954-1955-yy. Qazilma ishlari vaqtida, Zevs Olimpiya haykalini yaratgan mashhur haykaltarosh – Fidiy ustaxonasi topildi. Mironning "Diskobol", Praksitelning "Germes chaqaloq Dionis bilan" kabi taniqli asarlari topildi.

Urushdan keyin topilgan barcha topilmalarni olimlar sinchikovlik bilan o'rganib chiqdilar. Faqatgina bronzadan yasalgan buyumlar 400 tadan ortiq edi. Bundan tashqari, katta miqdorda ko'tarish toshlari, juda ko'p asboblari va uch oyoqlar, keramika buyumlari, turli hil haykalchalar. Olimpiya shahrida qazilma ishlari hozirgi vaqtda ham davom etmoqda.

Olimpiya shahrida qazilma ishlari ta'siri ostida 1830-yildan boshlab Olimpiya o'yinlari o'tkazilishi haqida fikr yevropaliklar orasida faollashadi.

Shvetsiyada P.X.Ling shogirdlaridan biri gimnastlar namunali chiqishlari, ot musobaqlari va boshqa musobaqlar o'tkazilishini tashkil etadi, ularning dasturi qadimgi Olimpiya o'yinlaridan olingan "Olimpiya o'yinlari" deb nomlangan ko'rinishlardan iborat edi. Chiqishlar ikki yilda bir marta, Ramles deb nomlangan kurort joyida o'tkazilishi kerak edi. 1844-yilda Monrealda "Olimpiya o'yinlari" tashkil etiladi.

Afinada stadion qayta tiklandi va qirolning "Olimpiya farmonga" binoan stadionda yengil atletika bo'yicha musobaqlar va tasviriy san'at ko'rgazmasi tashkil etildi. 1889-yilgacha umuman 6 ta olimpiada o'tkazildi.

XIX asr oxirida xalqaro iqtisodiy va madaniy aloqalarning tez o'sishi sportda ham o'z aksini topdi. Birinchi xalqaro sport birlashmalari tashkil etildi, turli davlatlar sportchilari ishtirokida musobaqlar o'tkazilishi boshlandi. Sportning xalqaro sahnaga chiqishi bilan yirik majmualar musobaqlar o'tkazish va xalqaro sport harakati markazini tashkil etish zaruriyati paydo bo'ldi.

Sport hayotini uyg'unlashtirish va musobaqalarni boshqarish uchun quyidagilar zarur edi: xalqaro federatsiyalardan ustivor turadigan yagona tashkilot va barcha sport turlarini qamrab oladigan musobaqlar, ular doimiy takrorlanib turishi va ular davomida erishilgan natijalar qayd etilishi zarur edi [15:85].

Jismoniy madaniyat haqida ilm-fan yutuqlari va musobaqlar o'tkazilishining boshlanishi tufayli, XIX asrning oxirida Fransiya – xalqaro sport hayoti markaziga aylandi. 1880-yilda bir guruh liberal respublikachilar baron P'Er de Kuberten boshchiligidagi jismoniy tarbiya milliy ligasini ta'sis etadi.

Per de Kuberten shuni anglab tushganki, Fransiya jismoniy tarbiya tizimini, qarshilikka uchramasdan, ingliz namunasi bo'yicha qayta qurib bo'lmaydi, shuning uchun u o'z tarafdorlarini birlashtirish uchun 1887-yilda Jismoniy tarbiya targ'ibot qo'mitasini tashkil etadi. 1887-1890-yy. ushbu qo'mitaning roli olimpiya harakatining asoslarini yaratishdan iborat edi.

1889-yilda fransiya hukumati Per de Kubertenga jismoniy madaniyatning dolzarb muammolarini muhokama qilish uchun kongress tashkil etishni topshiradi. 1892-yilda u Sorbonnada o'tkazilgan Fransiyaning sport klublari majlisida Olimpiya qayta tiklanishi haqida ma'ruza o'qidi va Olimpiya o'yinlarini tiklashni taklif etdi. Ikki yildan keyin

1892-yilning iyun oyida, Parijda o'tkazilgan xalqaro anjuman-da Olimpiya o'yinlari qayta tiklanishi va ularni har to'rt yilda barcha dunyo xalqlari ishtirokida o'tkazilishi haqida qaror qabul qilindi. Anjuman ishtirokchilari havaskorlik tamoyili sidiq bo'lishga qasamyod qildilar va xalqlar olimpiya qo'mitasini tashkil etdilar. Birinchi olimpiada o'tkazish iltimosi bilan kongress ishtirokchilari qadimgi an'analari vorisi bo'lmish Gretsiyaga murojaat qildilar. Shunday qilib, olimpiya g'oyasining qayta tiklanishi aniq amalga oshirish davriga kirdi.

Umuman olganda, so'nggi yuz yil ichida olimpiya o'yinlarida 140 mingdan ziyod sportchi, jumladan, O'zbekistondan 227 nafar sportchi ishtirok etdi.

Bugungi kunda olimpiya o'yinlari dunyodagi eng yirik sport bayramiga aylandi. Ular o'z faoliyatini 1894-yilda qabul qilingan "Olimpiya Xartiyasi"ga, harakatning maqsadlari, mazmuni va xarakterini, shuningdek, olimpiya o'yinlarini nishonlash shartlarini belgilab beruvchi o'ziga xos nizomga tayanadi. Ushbu hujjatda olimpizmga aniq ta'rif berilgan:

Olimpizm - bu tana, iroda va ongning fazilatlarini ko'taradigan va muvozanatli bir butunlikka birlashtiruvchi hayot falsafasidir. Sportni madaniyat va ta'lim bilan uyg'unlashtirgan olimpizm sa'y-harakatlarning quvonchiga, yaxshi namunaning tarbiyaviy ahamiyatiga va umuminsoniy asosiy axloqiy tamoyillarga hurmatga asoslangan turmush tarzini yaratishga intiladi.

Olimpizmining maqsadi - inson qadr-qimmatini hurmat qilish

haqida qayg'uradigan tinch jamiyatni yaratishga hissa qo'shish uchun sportni hamma joyda insonning barkamol rivojlanishi xizmatiga qo'yishdir. Ushbu maqsadga erishish uchun olimpiya harakati - yakka o'zi yoki boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda va o'z imkoniyatlari doirasida - tinchlikni himoya qilishda ishtirok etadi [13:315].

100 yildan ortiq faoliyat ko'rsatgan davrda Olimpiya Xartiyasi chuqur o'zgarishlarga duch keldi: O'yinlarni o'tkazish qoidalari, XOQ funksiyalari, xalqaro sport federatsiyalarining o'yinlarida ishtirok etish xarakteri o'zgarmoqda.

O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasi 1992-yilning 21-yanvar kuni tashkil etilgan. 1993-yilning sentyabr oyida Xalqaro olimpiya qo'mitasining 101-Sessiyasida O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasi XOQ tomonidan rasman tan olingan va shundan so'ng tashkilot xalqaro maydonda faoliyat olib borish imkoniyatiga ega bo'lgan. Shu kundan e'tiboran, O'zbekiston muntazam ravishda yozgi va qishki Olimpiya o'yinlarida qatnashib kelmoqda.

O'zbekiston delegatsiyasi mustaqil jamoa sifatida birinchi marta 1994 yilda Norvegiyaning Lillixammer shahrida o'tkazilgan XVII qishki Olimpiya o'yinlarida ishtirok etgan va ilk urinish-dayoq hamyurtimiz Lina Cheryazova fristayl sport turi bo'yicha barcha raqiblarini ortda qoldirib, Olimpiya o'yinlarining oltin medaliga sazovor bo'lgan. Ushbu sovrin mustaqil O'zbekiston tarixidan Olimpiya o'yinlarining birinchi oltin medal sifatida joy olgan.

Oradan ikki yil o'tib sportchilarimiz yozgi Olimpiya o'yinlaridagi ishtiroklarini ham boshlab berishadi va 1996-yilda AQShning Atlanta shahrida tashkil etilgan XXVI yozgi Olimpiya o'yinlarida O'zbekiston delegatsiyasi endi ikkita medalga sazovor bo'ladi. Armen Bagdasarov dzyudo bo'yicha kumush, Karim To'laganov esa boks bo'yicha bronza medalini qo'lga kiritishadi.

O'zbekistonning sport sohasidagi islohotlari va bu boradagi tajribasi jahonda e'tirof etilib, O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga hamda Xalqaro olimpiya harakatiga qo'shgan ulkan hisssasi uchun 1996-yilda Xalqaro Olimpiya qo'mitasining oliy mukofoti – Olimpiya Oltin ordeni bilan taqdirlanadi.

O'zbekiston Birinchi Prezidentining tashabbusi bilan 1996-yilda Toshkent shahrida «Olimpiya shon-shuhrati» muzeyi tashkil etilib, uning ochilish marosimida Xalqaro Olimpiya qo'mitasining Prezidenti Xuan Antonio Samaranch ishtirok etadi. Umuman olganda, Samaranch Xalqaro Olimpiya qo'mitasiga rahbarlik qilgan paytda Toshkentga uch marotaba tashrif buyuradi. U dastlab Lillixammerdagi Olimpiya o'yinlaridan so'ng, keyinchalik poytaxtimizda

I Markaziy Osiyo o'yinlari o'tkazilishi munosabati bilan va nihoyat «Olimpiya shon-shuhrati» muzeyining tantanali ochilish marosimida ishtirok etish uchun mamlakatimizga yetib keladi.

O'zbekistonlik sportchilar navbatdagi Olimpiya o'yinlarida ham muvaffaqiyatli odimlashni davom ettirishadi. 2000-yilda Avstraliyaning Sidney shahrida bo'lib o'tgan XXVII yozgi Olimpiya o'yinlarida Andijon boks maktabi tarbiyalanuvchisi Muhammadqodir Abdullaev o'zbek yigitlari orasida birinchi bo'lib Olimpiya o'yinlari chempioni degan sharaflı nomga sazovor bo'ladi.

Shuningdek, erkin kurash bo'yicha bellashuvlarda Artur Taymazov kumush, Sergey Mixaylov va Rustam Saidovlar esa boks bo'yicha musobaqalarda terma jamoamiz xisobiga bronza medalini qo'shib qo'yishadi. O'zbekiston delegatsiyasi umumjamoa hisobida 199 ta davlat vakillari orasida 42-o'rinni egallaydi.

2004-yilda jahonning to'rt yillikdagi eng yirik sport festivali Olimpiya o'yinlari vatani sanalgan Gresianing Afina shahrida tashkil etiladi. Bu safar mamlakatimiz sportchilari bir yo'la ikkita oltin medalga ega chiqishadi. Erkin kurashda Artur Taymazov, yunon-rum kurashida Aleksandr Doktorishvili Olimpiya o'yinlari chempioni unvoniga sazovor bo'lgan bo'lsalar, Magomed Ibragimov erkin kurashda kumush medalini qo'lga kiritadi. O'tkirbek Xaydarov va Bahodir Sultonovlar esa boks bo'yicha bronza medalini bilan taqdirlanishadi.

Mamlakatimiz delegatsiyasi bu safar 202 ta davlat orasida 34-o'rinni band etadi. Hisob bo'yicha XXIX yozgi Olimpiya o'yinlari Xitoy poytaxti Pekin shahrida tashkil etiladi. Mazkur musobaqada o'zbekistonlik sportchilar tomonidan jami oltita medal qo'lga kiritiladi. Artur Taymazov o'z shaxsiy kolleksiyasiga Olimpiya o'yinlarining yana bir oltin medalini qo'shib qo'ygan bo'lsa, erkin kurashda Soslan Tigiev, dzyudoda esa Abdullo Tangriev kumush medal bilan taqdirlanishadi.

O'z navbatida yana bir dzyudochimiz Rishod Sobirov bronza medaliga sazovor bo'ladi. Quvonarli jihati, aynan Pekin Olimpi-

adasiga kelib gimnastikachilarimiz ham dastlabki medallarni qo'lga kiritishadi. Chunki, shu paytga qadar, asosan boks va sport kurashlari bo'yicha terma jamoamiz a'zolari Olimpiya o'yinlari medallariga ega chiqishgan bo'lishsa, bu safar Yekaterina Xil'ko trampolinida, Anton Fokin esa sport gimnastikasida bronza medaliga sazovor bo'lishadi. Delegatsiyamiz Pekin Olimpiadasini 202 davlat orasida 40-o'rinda yakunlaydi.

Yubiley - XXX yozgi Olimpiya o'yinlariga Buyuk Britaniya poytaxti London shahri mezbonlik qiladi. Mazkur musobaqada terma jamoamiz delegatsiyasi biroq kamtarroq natija qayd etib, bor yo'g'i uchta medal bilan qaytadi. Artur Taymazov uchinchi marta jahonning tengsiz polvoni ekanligini isbotlab, Olimpiya o'yinlarining uchinchi oltin medalini qo'lga kiritadi va ushbu natijasi evaziga xaqli ravishda dunyoning buyuk polvonlari orasidan joy oladi.

Dzyudochimiz Rishod Sobirov bu safar ham bronza medal bilan cheklanadi. Bokschimiz Abbos Atoevga ham Olimpiya o'yinlarining bronza medalini nasib etadi. O'zbekiston delegatsiyasi 204 davlat orasida umumjamoa hisobida 47-o'rinni egallaydi.

Aytish joizki, aynan London Olimpiadasidagi natijalar yurtimizda butun sport jamoatchiligi, olimpiya harakati ishtirokchilarini yangi g'alabalar sari chorladi. Chunki o'sha musobaqada delegatsiyamiz aslo o'ziga munosib bo'lmagan o'rinni egalagandi. Bo'lajak Olimpiya o'yinlariga munosib tayyorgarlik ko'rish yo'lida eng avvalo davlatimiz rahbarining «O'zbekiston sportchilarini 2016-yil Rio-de-Janeyro shahri (Braziliya)da o'tkaziladigan XXXI yozgi Olimpiya va XV Paralimpiya o'yinlariga munosib tayyorlash to'g'risida»gi qarori qabul qilinib, mamlakatimiz sportchilari uchun barcha zarur shart-sharoitlarni yaratish borasida aniq chora-tadbirlar ishlab chiqildi.

2013-yil 25-fevralda e'lon qilingan mazkur qaror yakunda juda katta ahamiyat kasb etdi va «Rio-2016» Olimpiadasining o'zbek sporti tarixiga oltin harflar bilan bitilishiga asosiy turtki bo'ldi desak mubolag'a bo'lmaydi. Braziliyadagi XXXI yozgi Olimpiya hamda XV Paralimpiya o'yinlarida o'zbekistonlik sportchilar qayd etgan natijalar butun dunyoni hayratga soldi.

Olimpiya o'yinlarida birinchi marta yurtimiz vakillari bir yo'la to'rtta oltin medalga sazovor bo'lishdi. Ilk bor O'zbekiston terma jamoasi tomonidan jami 13 ta medal qo'lga kiritildi. Birinchi marta og'ir atletikachimiz Ruslan Nuruddinov Olimpiya o'yinlarining oltin medalini qo'lga kiritish bilan birgalikda o'zbek sportchilari orasida ilk marotaba Olimpiya o'yinlarining rekordini yangiladi.

Shuningdek, birinchi marta boks bo'yicha terma jamoamiz umumjamoa hisobida birinchi o'rinni egalladi. Bokschilarimizdan Hasanboy Do'smatov, Shahobiddin Zoirov va Fazliddin G'oyibnazarov va aytib o'tganimizdek og'ir atletikachimiz Ruslan Nuruddinov Olimpiya o'yinlari chempionligini tantana qilishdi. Yana ikki nafar bokschimiz Shahram G'iyosov va Bektemir Meliq'ziev delegatsiyamiz hisobiga kumush medallarni qo'shib qo'yishdi. Charm qo'lqop ustalaridan shuningdek, Rustam To'laganov va Murodjon Ahmadaliev, dzyudochilarimiz Diyorbek O'rozboev va Rishod Sobirov, sport kurashlari vakillari Ixtiyor Navro'zov, Magomed Ibragimov va Elmurat Tasmuradovlar bronza medallari bilan taqdirlanishdi. O'zbekiston delegatsiyasi 207 davlat orasida 21-o'rinni egalladi.

XV Paralimpiya o'yinlarida yurtimiz sportchilari tomonidan qayd etilgan natijalar esa bu hayratni ikki hissa oshirdi. O'ttiz ikkita sportchi bilan ishtirok etgan delegatsiyamiz yakunda o'ttiz bitta medalni qo'lga kiritishi chindan ham butun dunyo sport jamoatchiligini lol qoldira oldi.

Albatta, bu natijalarga o'z o'zidan erishilgani yo'q. O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasi o'tgan qisqa vaqt ichida Xalqaro olimpiya qo'mitasi, Osiyo olimpiya kengashi, Milliy olimpiya qo'mitalari assosiasiyasi va qator xalqaro sport federatsiyalari hamda tashkilotlari bilan o'zaro aloqalarni yangi bosqichga olib chiqdi.

Birgina 2013-2016- yillarda mamlakatimizga Xalqaro Olimpiya qo'mitasi prezidenti Tomas Bax, Osiyo olimpiya kengashi prezidenti Shayx Ahmad al-Fahd al-Saboh, Osiyo Paralimpiya qo'mitasining rahbari Dato Abu Zaynal Abu Zarin, Xalqaro og'ir atletika federatsiyasi prezidenti Tomash Ayan, Xalqaro sport kurashlari uyushmasi prezidenti Nenad Lalovich, Xalqaro havaskor bokschilar federatsiyasi prezidenti Ching Ku Vu, Xalqaro qilichbozlik federatsiyasi prezidenti Alisher Usmanov hamda Xalqaro qilichbozlik federatsiyasi bosh kotibi Frederix Petrushka, Xalqaro futbol federatsiyalar Assotsiatsiyasining sobiq prezidenti Yo'zef Blatter, Butunjahon muaytay kengashi rahbari Chetta Tanajaro, Osiyo taekvondo ittifoqi prezidenti Kyu Sok Li, Xalqaro yengil atletika federatsiyasi vise-prezidenti Sergey Bubka, Xalqaro

gimnastika federatsiyasi rais o'rinbosari Irina Vinner kabi qator xalqaro sport tashkilotlarining rahbarlari tashrif buyurib, O'zbekistonda olimpiya harakatini rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan say-harakatlarga yuqori baho berdilar [14:65]

Poytaxtda O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasining yangi binosi qad rostladi. Bu yerda O'zbekiston sportchilarini buyurib, biologik xizmat va sport psixologiyasi bilan ta'minlash bo'yicha ixtisoslashtirilgan markaz tashkil etildi. Markazga eng zamonaviy tibbiy uskunalar o'rnatildi. Markaziy Osiyoda yagona sanalagan Respublika sport tibbiyoti ilmiy-amaliy markazining tashkil etilishi sportchilarimizni nufuzli musobaqalarga puxta tayyorlash, ularning bor imkoniyat va salohiyatlarini ochib berishga ko'maklashish masalasida juda katta turtki bo'ldi. Buni so'nggi natijalar ham ko'rsatib turibdi [1:68].

O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasining yangi binosiga tashrif buyurar ekan, Xalqaro olimpiya qo'mitasi prezidenti Tomas Bax "O'zbekiston Milliy Olimpiya qo'mitasining binosi dunyoda tengsiz, bunday sport saroyi men bilgan Milliy olimpiya qo'mitalari binolari orasida eng muhtashami" deya ta'rif berdi.

Shuningdek, Olimpiya va Paralimpiya o'yinlari dasturiga kiritilgan sport turlari bo'yicha O'zbekiston terma jamoasi a'zolari va murabbiylariga stipendiya to'lash tartibi to'g'risidagi nizom tasdiqlanib, xalqaro maydonlarda yurtimiz sharafiga munosib himoya qilayotgan sportchi va ularning ustozlari har oyda rag'batlantirib borilmoqda.

2013-yil 2-aprelda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasi huzuridagi O'zbekiston olimpiadachilarini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Fondning asosiy maqsadi etib O'zbekiston milliy va olimpiya terma jamoalarini, respublika sport federatsiyalarini va assosiasiyalarini xalqaro va respublika sport tadbirlariga tayyorgarlik ko'rishlari va ularda ishtirok etishlariga ko'maklashish va rag'batlantirish deb belgilandi. Sportimiz faxriylari, yurtimizda faoliyat ko'rsatayotgan terma jamoalar maslahatchi murabbiylarining oylik maoshlari ham hozirda aynan ushbu jamg'arma mablag'lari hisobidan qoplanmoqda.

Aslida chorak asr tarix oldida hech narsa emas. Ammo ortda

Adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyanob xalqimiz bilan birga quramiz. –Toshkent: "O'zbekiston", 2017.
2. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T.: "O'zbekiston" NMIU, 2016.
3. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq faravonligining garovi. –T.: "O'zbekiston" NMIU, 2016.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 3-iyundagi "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3031-son qarori.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-martdagi "Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5368-sonli farmoni.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-martdagi "O'zbekiston Respublikasi jismoniy tarbiya va sport vazirligini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-3583-sonli qarori.
7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 5-iyuldagi "O'zbekiston Respublikasi jismoniy tarbiya va sport vazirligi huzuridagi jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish jamg'armasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi 507-sonli qarori.
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Sog'lom avlod uchun» ordenini ta'sis qilish to'g'risidagi Farmoni, 1993, 4-mart.
9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Sog'lom avlod uchun» davlat dasturi, 1997.
10. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi»gi Qarori, 1999, 27-may.
11. O'zbekiston Respublikasi -Vazirlar Mahkamasining O'zbekistonda «Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasining faoliyatini tashkil etish to'g'risida»gi Qarori, 2002-yil 30-oktabr.
12. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Ommaviy sport targ'ibotini yanada kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarori, 2003-yil 4-noyabr.
13. Xalqaro Olimpiya qo'mitasining 100 yilligiga bag'ishlangan 1-Respublika ilmiy anjumani ma'ruzalar to'plami, O'zDJTI nashr.,1994.
14. Yaroskiy A., Poddubniy A., O'zbekistonning xalqaro sport aloqalari, -T.: «O'zbekiston», 1980.
15. Hamroqulov A.Q., Yunusov T.T. Olimpiya bilimlari asoslari, o'quv qo'llanma. -T.: «Sharq», 2002, 93-b.
16. XXI asr - Istiqbolimiz timsollari, -T.: 1991.

REZYUME Ushbu maqolada Xalqaro Olimpiya harakatining rivojlanish tarixi bayon etilgan bo'lib, unda Xalqaro Olimpiya harakatining har bir rivojlanish davri, unga turtki bo'luvchi omillar, shuningdek, erishilgan yutuqlar haqida so'z boradi.

РЕЗЮМЕ В данной статье описывается история развития Международного олимпийского движения, которая включает в себя каждый период развития Международного олимпийского движения, факторы, его побудившие, а также достижения.

SUMMARY This article illustrates the history of the development of the International Olympic movement, which informs about each period of development of the International Olympic movement, the factors that motivate it, as well as the achievements.

CULTURAL CHARACTERISTICS OF READING ACTIVITIES IN ELT

(on the example of course-book Teens' English 8)

Sh.Orazimbetov – Ph.D. student

Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz

Tayanch so'zlar: o'qish, motivatsiya, o'qish ko'nikmasi, kompetensiya, madaniyat, darslik.

Ключевые слова: чтение, мотивация, навыки чтения, компетенция, культура, учебник.

Key words: reading, motivation, reading skill, competence, culture, course-book.

Reading is widely recognized as one of the most significant second-language abilities because it allows language learners to acquire a wide range of lexical items, grammati-

cal structures, and additional schematic knowledge through reading. Despite the fact that being able to read fluently in a foreign language is usually regarded as one of the most

qolgan ana shu 25 yillik davr mobaynida yurtimizda sport taraqqiyoti va olimpizm g'oyalarini ilgari surish borasida qilingan ulkan hajmdagi ishlar bugun mustaqil diyorimizni qudratli sport mamlakatiga aylantira oldi. Ha, bugun O'zbekiston dunyo sport sahnasida o'z o'rniga, obro'siga ega mamlakatga aylandi. Endi jahonning mana-man degan polvonlari ham o'zbek sportchilari bilan hisoblashishga majbur, bizni tan olishdi, bizni xurmat qilishmoqda. Bizdan hayiqishmoqda. Endi shak-shubha yo'qki O'zbekiston terma jamoasi a'zolariga qarshi har qaysi mamlakat vakillari alohida tayyorgarlik ko'rishadi. Bunga ularni biz majbur etdik.

Yuqorida keltirilgan barcha amaliy ishlar bevosita shaxsan O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimovning umumiy rahbarligi ostida, shuningdek Prezident Shavkat Miromonovich Mirziyoyev boshchiligidagi bir qator Vazirlik hamda tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikda amalga oshirildi.

O'rta qolgan davr mobaynida Milliy olimpiya qo'mitasiga Obid Nazirov, Sobir Ro'ziev, Aziz Nosirov, Rustam Qurbonov, Malik Babaev va Mirabror Usmanovlar rahbarlik qilishdi. Qo'lga kiritilgan muvaffaqiyat va g'alabalarda ularning hissalariga katta. Ayniqsa so'nggi olimpiya sikli 2013-2016- yillarda yurtimizda olib borilgan ulkan hajmdagi ishlar, olimpiya sport turlariga mustahkam poydevor yaratilishi, moddiy-texnik bazalarini mustahkamlash va buning natijasi o'laroq Olimpiya hamda Paralimpiya o'yinlarida qo'lga kiritilgan yorqin va tarixiy g'alabalarda Mirabror Zufarovich Usmanovning hamda u bilan yelkama-elka xizmat qilgan Milliy olimpiya qo'mitasi mutaxassislarining xizmatlari beqiyosdir.

Xulosa o'rinda ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasi sporti tarixan qisqa davr ichida xalqaro maydonda obro' o'rttirishga ulgurdi, dunyoga nafaqat qadimiy madaniyat, buyuk mutafakkirlar, olimlar, shoir va sarkardalar tuhfa etgan yurt, balki xalqaro sport olamida ulkan muvaffaqiyatlarga erishgan davlat sifatida ham tanildi. Hozir bemalol aytishimiz mumkinki, O'zbekiston sport sohasida yirik davlatga aylanib, boshqa mamlakatlarga ko'plab yillar kerak bo'lgan yo'lni tarixan qisqa muddat ichida bosib o'tdi.

significant abilities a foreign language student can possess, teaching reading poses a number of pedagogical and logistical obstacles. Reading is a simultaneous internal process of understanding and perception of a written text that includes the interpretation of the text, which carries the subject, as well as linguistic and semantic understanding. The understanding of the text, in turn, is based on subject competence and language competence [8:112].

Traditionally, the purpose of learning to read in a language has been to have access to the literature written in that language. In language instruction, studying materials have historically been chosen from literary texts that characterize «higher» types of culture.

A text chosen for studying is anticipated to be authentic-made or authentic-like, not too hard for the learners, suitable for the teaching intention and usable in the sequence of activities, lending itself as a useful resource of information and ideas.

Reading activities are based on a number of techniques for teaching to read. Techniques for teaching to read include extracting (extracting information from the text in answer to questions or other elicitation tasks), cloze procedure (filling gaps in the text), sequencing text parts (restoring the logical order of the crippled text), matching (matching headlines and passages in the text), restoration of the text (restoring the text from bits and scraps), finding irrelevancies (finding and ticking off sentences, which are logically irrelevant in the text), fitting in sentences or passages (fitting in the sentences or passages in the points of the text, where they are logically appropriate), digest (summarizing the most essential information points from a number of texts), comment (reader's response on the text) [2:72].

There are so many challenges in teaching reading in EFL classroom in Nukus. Teaching reading a passage is considered the easiest of all the activities that a teacher does in a foreign language classroom. Generally, teachers come to class without any preparation and they give a long lecture on the content. They don't care if the text is appropriate for the learner or not. Furthermore, they attach little importance to language teaching, language learners and their interests.

We found following major issues and challenges related to teaching reading: Selecting appropriate text; No reading culture; Designing reading task; Lack of Schema activation. There are also some other connected concerns, such as a teacher's lack of awareness of the target culture, difficult vocabulary, an overemphasis on the bottom-up approach by the instructor, a student's lack of enthusiasm to read, a teacher's lack of preparation in teaching, and so on. All of these obstacles combine to make text reading difficult and dull for students.

Culture can be thought of as a "social heredity" passed down from generation to generation with the retention of a specific nation's experience, or as a manner of behavior that tends to separate people in different societies. Culture is neither a physiological or biological phenomena, rather it may be described as a social behavior model that a society follows. This is a remarkable occurrence of a vastly diverse human society that is constantly changing its paradigms to accommodate new generations. Culture encompasses a nation's beliefs, ideas, and information about its customs and social norms.

According to Moran, culture is "the great achievement of people as reflected in their history, social institutions, works of art, architecture, music and literature" [6:4].

According to Cambridge online dictionary, culture is the way of life, especially the general customs and beliefs, of a particular group of people at a particular time [5].

Valdes states [3]: "every language lesson is about something and that something is cultural."

To analyze school textbooks and the reading tasks in them we examined the coursebook "Teens' English 8" recommended to secondary school pupils:

"Teens' English 8" compiled by a team of authors Khan Svetlana, Kamalova Lyudmila, and Jorayev Lutfullo and published in "Toshkent", O'qituvchi publishing office, 2020, meets the requirements of the component of the State educational standard of primary, basic, and secondary general education in foreign languages.

The "Teens' English 8" coursebook includes a pupil's book, a workbook, CD content for work in the classroom and at home, and a home reading text. The course content is chosen in a qualitative manner, allowing students to apply it in producing their own expressions and comprehending various sorts of texts. It should be noted that students can work singly, in pairs, or in groups.

The learner completes activities from the section "Progress check" at the end of each module, allowing them to assess their language knowledge and skills.

The socio-cultural focus of the textbook "Teens' English 8" is reflected in the topic content. Communication through dialogue (instruction, admiration, gratitude). Furthermore, in today's society, Internet communications are relevant in terms of how useful / detrimental they are. It is worth noting that the textbook is also geared toward cultural growth. It can be seen in subjects such as painting and sculpture, music, cinema, the environment, science, classics of world literature, and the study of their works. The coursebook is structured so that the study of these themes takes place through the use of various types of media texts: advertising, Internet texts, journalistic texts, and so on, which are given in each section.

We worked with three questions that would help us explain the points:

Are the reading texts interesting? As our pupils are learners of secondary school, they are interested in internet, studying abroad, gadgets and social media. From this point of view the topics are a little bit interesting. There are interesting reading materials about Steve Jobs [7:22] and "Tips for children" [7:26] "A Carrot an Egg and the Coffee Beans" [7:28], "The Secret", "Jane Eyre" and some interesting pictures.

Are there various types of texts? In general, there are a lot of interesting and a range of texts but there are six units devoted to different cultural peculiarities.

Do the texts help to improve student's cultural peculiarities and world knowledge? Unit 1 "Public holidays and traditions". Lesson 3. "Old traditions in modern life" [7:6-11].

1b Work in pairs. Read and check your ideas.

1 What is a tradition? Probably, traditions are a way of defining who people are. Traditions are something that people keep doing for a long time and join different generations together. That's why traditions are very important in any country.

2 There are a lot of traditions in our everyday lives which we carry on in our country. We celebrate birthdays, holidays and traditional wedding ceremonies. The family meal is another tradition that we should try to keep up in our everyday lives. Family meals reflect country's culture and traditions. Besides, it is a good way to bring the family together and a good chance for parents and children to talk.

3 People all over the world traditionally celebrate such a common holiday as New Year. But of course, each country has its own national traditional holidays connected with its history. There are some old traditions in Uzbekistan which make us proud of our country. For example, hospitality and traditional respect for elders. Tea ceremony and sharing it with the guests takes place in our life as an element of hospitality.

4 Ceremonies of Uzbek people have formed over the centuries as a result of complex process of cultures and traditions of different nationalities. They are quite original, bright, and go back to the past. Many ceremonies are associated with the birth and upbringing of children, and wedding.

As a result of this lesson, the student develops creativity and encourage to praise their countries. Implementation of the goals and objectives set at the beginning of the lesson, contributes to the development of the worldview, increases the level of motivation and take information about other countries cultures.

As we can see this unit devoted to public holidays and traditions. There are four short texts related to four different traditions and we would like to add one text which is about Karakalpakstan. The reason is that, while reading this text, learners will be proud of his/her countries traditions at the same time learn their cultures through reading English texts

and pictures also will be attractive and encourage them to read the text.

Sample. *The Karakalpaks have unique customs and rules of behavior at family and community meals, which are strictly followed so far. Like most of the eastern nations, the Karakalpaks usually eat food sitting on the floor around a tablecloth or dastarkhan. Solid food is eaten with fingers, the broth is served separately in a bowl or cup. Hands are washed before the meal, the water pouring down. It is not supposed to shake the water off the hands after washing to avoid it spraying on the food. According to the custom, the eldest or the senior member of a family or guest starts to eat the first. When a visitor came to the house, he was served with sour milk or airan. The custom of drinking tea began to spread in Karakalpakstan, as well as throughout Central Asia, only by the beginning of the 19th century [1].*



Unit 9 "The Environment" [7:70-75]

3a Work in pairs. Read and match the titles to texts about bio-fuels. One title is extra.

- a) Reduce greenhouse gases b) Cheaper fuel c) Benefits for ecosystem
d) Benefits from plants e) Growing economy f) Environmentally friendly

Advantages of Biofuels

- 1) Biofuels can be used with all kinds of engines and in most conditions. This keeps the engine use longer and needs less care, which saves money. Moreover, they are becoming cheaper in the future.
- 2) Biofuels are made from many different sources, such as plants grown for the fuel, and waste from crops. Fossil fuels will end sometime in the near future. Waste from crops and plants are renewable and are not likely to run out soon. These crops can be planted again and again.
- 3) Fossil fuels produce greenhouse gases in the atmosphere. These greenhouse gases cause the planet to warm. The burning of coal and oil increases the temperature and causes global warming. To reduce greenhouse gases, people around the world are using biofuels. Scientists say that biofuels reduce greenhouse gases up to 65 percent.
- 4) Not every country has much oil. If a country starts using biofuels, this country will be able to develop its economy. More jobs will be created with a biofuel industry. It will keep economy strong.
- 5) Since biofuels are made of renewable resources, they are cleaner fuels. It means that they produce less dangerous waste and cause less pollution to the planet.

In this unit, all the given materials closely connected with global environmental problems. Here, pupils can be aware of some issues, such as sources of energy and natural disasters in Australia, China, East Africa and European countries.

This unit really shows the global problems. It will be good information for the students if we show them our problems along with the global ones, because if the students

read this problem from book it will help to stay close to our motherland. That is why we decided to include in this unit a text about the Aral Sea. A lot of work is currently being done for the Aral Sea. For example, our President has ordered the planting of saksaul, which will help prevent dust and air pollution. That is why it would be great if we could include our own problems along with such global problems. Read the read about the Aral Sea.

Sample. The Aral Sea

The Aral Sea is one of the most ancient lakes on Earth, with a history of 3,500 years. It was also the fourth largest lake in the world until the late 1950s.

It is dying now. The sea has dropped by 16 metres and the water has become too salty. There are now three million hectares of land which were once covered by water. The climate has been affected and changed this land into desert.



The Amu Darya and Syr Darya rivers feed the Aral Sea. They travel through Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Uzbekistan and Turkmenistan. In the 1920s new irrigation technologies were introduced and larger-scale cotton cultivation was begun.

Water from the rivers was diverted for agricultural and population needs. Until the 1950s, between 50 and 60 cubic kilometres of water reached the Aral Sea each year. Since the 1960s the Aral Sea has lost almost 75 per cent of its volume, and has shrunk to 50 per cent of its size. In some dry years in the 1980s no water flowed into the sea at all. The water has become over-salty and lost most of its natural plant and animal life. The low quality of water has caused many diseases [4].

Our goal is not only to teach students a different culture, but also to teach our own culture (Karakalpak culture) in parallel. Therefore, when we analyzed the textbook, we focused on the extent to which the selected teaching materials affect and develop the student's culture, the aspects of learning another language, culture, while preserving our national identity.

If we make changes to the reading texts as we recommended, we think that pupils will not only get acquainted with foreign culture, but also re-learn their national traditions and culture by reading English texts.

References

1. advantour.com/uzbekistan/karakalpakstan/traditions.htm.
2. Agzamova D.B. English teaching methodology. –T.: «Barkamol fayz mediya», 2016.
3. Baker. W. Should culture be an overt component of EFL instruction outside of English speaking countries? The thai context. Asian EFL Journal. 5(4). Asian EFL Journal Press. 2003.
4. catchenglish.ru/teksty/teksty-dlya-8-go-klassa/the-aral-sea.html.
5. dictionary.cambridge.org/us/dictionary/english/culture.
6. Moran P. R. Teaching culture: Perspectives in practice. Boston: Heinle & Heinle. 2001.
7. Xan S., Kamalova L., Jo'rayev L. Teens' English 8. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinf uchun darslik. –Toshkent: "O'qituvchi" NMIU, 2020.
8. Блохина С.А. Использование метода денотатного анализа иноязычного текста при обучении чтению в школе. ИЯШ, 2010, №3.

REZYUME. Maqola "Teens' English 8" darsligidagi o'qish mashqlaridagi madaniy xususiyatlarni tahlil qilishga bag'ishlangan. Lingvistik va madaniy tahlil bizga o'smirlik davrida o'quvchilarning o'qish motivatsiyasidagi muammolariga ba'zi echimlarni topishga imkon beradi. Muallif o'qish ko'nikmalarini rivojlantirish bo'yicha tavsiyalar keltiradi.

PEZIOME. Статья посвящена анализу культурологических особенностей в упражнениях по чтению в учебнике «Английский язык для подростков 8». Лингвокультурологический анализ позволяет найти некоторые решения в мотивации чтения учащихся в подростковом возрасте. Автором представлены рекомендации по развитию навыков чтения.

SUMMARY. The article is devoted to the analysis of cultural characteristics in the reading exercises in the textbook "Teens' English 8". Linguistic and cultural analysis makes it possible to find some solutions in the motivation of reading students in adolescence. The author presents recommendations for the development of reading skills.

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА GEOGEBRA ДАСТУРИ ВОСИТАСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

Б.Б.Пренов – физика-математика фанлари доктори, доцент
К.Е.Нурмаханов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: электрон таълим муҳити, GeoGebra дастури, ўқитувчи, восита, функция.

Ключевые слова: электронная обучающая среда, программа GeoGebra, преподаватель, инструмент, функция.

Key words: e-learning environment, GeoGebra software, teacher, tool, function.

Халқаро таълим амалиётида электрон ўқитишнинг интеграциялашувига шароит ҳозирлаган жиҳат жаҳоннинг етакчи университетларининг электрон ўқитиш технологияларидан фойдаланиш ва очиқ электрон курсларни яратишга асосий эътибор қаратилган [1].

Ахборот технологиялари соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб, тақомиллашиб бораётган бугунги кунда таълимни ахборот таълим муҳити асосида ташкил этиш, унинг мазмунини таълим олувчилар онгига тўлақонли сингдириш долзарб муаммо сифатида кўтарилмоқда [2].

Жамият ва таълимни ахборотлаштиришнинг замонавий даври бугунги кунда муҳокама қилинган барча лойиҳаларнинг мазмуни, математик таълимни ривожлантириш концепциясидан далолат берувчи математикани ўқитиш методикасини янгилаш ва тақомиллаштириш зарурлигини белгилайди. Бу эҳтиёж динамик геометрия тизимлари (DGS) тобора кўпроқ қўлланилаётган геометрияни ўқитиш методикасига нисбатан айниқса муҳимдир: Cabri Geometre, математик конструктор, GeoGebra, Crocodile, Cinderella, GeoNext, Geometr's Sketch Pad [3] ва бошқалар.

Республикамызда таълим жараёнини модернизациялаш мақсадида Италия, Корея, Хитой, Япония, Хиндистон, Россия мамлакатларининг нуфузли олий таълим муассасалари филиаллари, қўшма факультетлар, қўшма таълим марказлари ташкил қилинмоқда, уларнинг моддий техник базаси яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада тақомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” [4] устувор вазифа сифатида белгиланган.

Фан-техника тараққий этиб, жамият ахборотларга тобора бойиб бораётган, педагогика, методика фанлари ривожланаётган бир даврда ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил равишда тинмай ишлаши, малакасини мунтазам ошириб бориши, ижодкор бўлиши талаб қилинади.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг касб маҳоратини, умумий билим савиясини узлуксиз тақомиллаштириш учун керакли шароит яратиш талаб қилинади.

Маълумки, педагогика олий таълим муассасаларида электрон таълим муҳитини ташкил этиш, ўқитувчилар тайёрлаш муаммоси бўйича ҳам бир қатор олимлар илмий тадқиқот иши олиб борганлар.

Бугунги кунда ахборот-таълим муҳити орқали таълим бериш Америка, Германия, Буюк Британия, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Россия давлатларида кенг тарқалган бўлиб, XXI аср охирида ахборот-таълим муҳити орқали таълим бериш, бутун дунёни қамраб олиши кутилмоқда. Бу борада АКШнинг Пенсилвания давлат университети масофавий таълим маркази (worldcampus.psu.edu), Калифорния виртуал университети (cvc.edu), Вашингтон очиқ университети (gwu.edu), Ғарбий губернаторлари университети (umuc.edu), Миннесота виртуал университети (careerwise.mnscu.edu), Флорида масофавий таълим университети (fcd.ufl.edu)лар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда [5].

Ушбу мақолада электрон таълим муҳитида geogebra дастури воситасида ўқитиш методикасини

тақомиллаштириш, электрон таълим муҳитида GeoGebra дастурининг ривожлантирувчи-таълимий имкониятлари ўрганилган.

Ўрганишлар натижасида GeoGebra дастурининг қатор имкониятлари аниқланди. GeoGebra дастури - бу турли ўқув муассасалари учун ишлаб чиқилган математик дастур. GeoGebra дастури геометрик шакллар, алгебраик ифодалар, жадваллар, графикалар, статистика ва арифметикалар билан ишлаш учун кенг имкониятларни тақдим этади. Қулайлик учун барча функциялар битта пакетга киритилган. Шунингдек, турли хил функциялар билан ишлаш учун воситалар мавжуд, масалан, графикалар, илдизлар, интеграллар ва бошқалар. GeoGebra дастуридаги геометрик жисмлар нукталар ёрдамида ҳосил бўлади. Уларнинг ҳар бирига маълум параметрлар тайинланиши мумкин, улар орқали чиқиқ қилинади. Тайёр рақамлар ёрдамида сиз турли хил манипуляцияларни бажаришингиз мумкин, масалан, бурчакларни белгилаб, чиқиқлар узунлигини ва бурчакларнинг кесишишини ўлчашингиз мумкин. Улар орқали сиз ҳам бўлимларни ётқизишингиз мумкин. GeoGebra дастури айти пайтда тақомиллаштирилмоқда [6].

Олий таълимда электрон дастурлардан фойдаланиш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот ишларидан баъзиларининг таҳлилини келтириб ўтамыз.

Масалан, “NanoCAD”, “Discreet 3DS Max”, “Animation Master” дастурларидан фойдаланиш имкониятлари З.Расулованинг тадқиқот ишида ўрганилган [7].

Дастур бўйича изланишларда шакллар юзини ҳисоблашда GeoGebra дастури имкониятларидан фойдаланиш [8], математика ўқитишда инновацион усуллар [9] сифатида ўрганилган.

Бугунги фан, техника ва иқтисодиёт тобора ривожланиб бораётган даврда чуқур билимга эга бўлган, ўзига хос ижодкор ўқитувчилар талаб этилмоқда [10]. Бу талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлашдан асосий мақсад таълимда узвийликни ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишдан иборат.

Бугунги кунда педагог кадрларни тайёрлашнинг мазмуни ва технологиясини тақомиллаштириш амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан ҳисобланади. Хусусан, математика йўналиши борасида ўқитувчилар тайёрлаш тизимини ривожлантирувчи таълим имкониятлари асосида ташкил этиш, фан бўйича чуқур ва мустақкам билим бера оладиган, педагогик технологияларни қўллай оладиган кадрларни етиштириш механизмини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу талабларни эътиборга олган ҳолда, юқори савиядаги педагог кадрларга бўлган талабни ҳисобга олиб, олий таълим муассасаларида ўқитишнинг бакалавр ва магистратура босқичлари жорий қилинди. Олий таълимдаги бу босқичларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзининг мазмуни, дастурдаги асосий фанларнинг ҳажми, ўқув жараёнини ташкил қилиш форма ва усуллари билан фарқ қилади.

Жорий қилинаётган янги ўқув режаларида барча фан ўқитувчиларини маънавий маърифий, назарий методик тайёргарлигини янада ривожлантириш назарда тутилади. Бу мақсадни амалга оширишга талабаларни тарбиявий ишларни олиб боришда зарур бўлган

психологик педагогик интизомини, педагогик махоратини янада чуқурлаштириш, уларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш, касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Маълумки ўқув режаларида фан ўқитувчиларини тайёрлашда қуйидаги асосий мақсадлар назарда тутилган: педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-бошқарув. Бу мақсадларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиши билан бирга, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган жиҳати - етук мутахассис тайёрлашдир.

Педагогика олий таълим муассасаларидаги тажрибалар ва ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, олий таълим муассасасини тамомлаган ёш ўқитувчилар фан бўйича чуқур билим эгаллаган бўлсалар-да, лекин уларнинг ҳаммасининг ҳам касбий махоратлари юқори эмаслиги кўзга ташланмоқда. Бу камчиликлар маълум даражада бўлажак ўқитувчининг методик тайёргарлигига боғлиқдир.

Динамик аналитик геометрия тизимларида ишлаш асосларини бўлажак математика ўқитувчиларига ўргатишнинг аҳамияти жуда муҳимдир. GeoGebra дастурини олий таълим муассасаларида ўқиш жараёнида ўзлаштирган математика ўқитувчилари деярли ҳар доим ундан кейинги ўқув фаолиятларида фойдаланадилар ҳамда дастурнинг умумий ўрта таълим олий таълимларида ҳамкасбларига тавсия этадиган асосий кадрлар бўлиб етишадилар [11].

Бўлажак математика ўқитувчиларини ўқитиш учун GeoGebra дастуридан фойдаланишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат [11]:

- GeoGebra дастурида тайёрланган таркатма материалларни етказиб бериш;

- GeoGebra дастурида тайёрланган статик чизма экранда намоиш қилиш [11];

- экранда динамик чизмани намоиш қилиш (айланиш билан, 2D ва 3D орасида ўтиш билан, алоҳида нуқталар ўрнини ўзгартириш ва бошқалар.) [11];

- GeoGebra дастурида ўқитувчи томонидан реал вақт режимида чизилган расмни босқичма-босқич қуриш (ёки мустақил ўрганиш учун чизиш жараёнининг видеосини яратиш) [11];

- ўқитувчи GeoGebra дастурида файлни қандай тузиш ҳақида кўрсатмалар беради – дастур интерфейсини ва унда ишлаш усуллари ўзлаштириш учун ҳам, теоремаларни исботлаш ёки муаммоларни ҳал қилиш усуллари кўриб чиқиш учун мустақил равишда бажариш ва ўзгаришларни амалга ошириш учун ҳам [11];

- масалаларни ечишда талабалар томонидан чизмаларни мустақил равишда ва тасвирловчи

иллюстрацияларни бажариш (бу ерда бир нечта типик сценарийларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) иллюстратив конструкциялар; б) далилларни топиш учун график эксперимент; в) муаммонинг турли ечимлари сонини тадқиқ қилиш; г) аналитик тузилган ҳисоб натижаларини сонли текшириш) [11];

- GeoGebra дастурида ишлаш бўйича амалиётлар ўтказиш;

- ўқитувчи томонидан GeoGebra апплетлари шаклида тест топшириқларини амалга ошириш (GeoGebra дастури лойиҳаси веб-сайтидаги мисоллар базасида бундай вазифалар жуда кўп) [11];

- GeoGebra дастури сайтида кўриб чиқиладиган муаммога мос чизмалар ва моделлар учун мисоллар маълумотлар базасида қидириш, уларни таҳлил қилиш ҳамда қайта кўриб чиқиш (анимация ва бошқалар) [11].

Бўлажак ўқитувчига электрон таълим муҳитида GeoGebra дастурининг ривожлантирувчи-таълимий имкониятлари алгебрага оид ва геометрик масалаларни узлуксиз моделлаштириш, тенгламага киритилган параметрларнинг ўзгариши ва бевосита чизмаларни намоиш етишнинг 3D таъсири анимациясини киритиш тушунчаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Геометрик тушунчалар бошланғич аудиторияларданок киритилиб, кейинчалик улар мукаммаллаштириб борилади. Геометрик фигураларни тасвирлай билиш, улардаги катталиклар орасидаги боғланишларни кўра олиш

Умумий компетенциялар:

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай олиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши.

Касбий компетенциялар:

- ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши ва бошқалар [12].

Таълим жараёнини замонавийлаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини оширишга, унинг янги услублар ва янги педагогик технологияларни қўллай олишга бўлган талабларини янада оширади [13, 14]. Бу эса олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда янги, янада унумли усуллардан фойдаланишни, хусусан талабаларнинг геометрик тайёргарлигини мазмун ва тузилиши жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Адабиётлар

1. Коньшева А.В. Электронная дидактическая среда как фактор совершенствования математической и естественнонаучной подготовки инженерно-технических кадров в вузе : диссертация ... кандидата педагогических наук: 13.00.08. –Киров: 2015. – С.240.
2. Алламбергенова М.Х. Информатикадан интерактив ўқув мажмуалар яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш // Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2012. 117-б.
3. Iji C.O., Abakra B.O., Age T.J. Effect of Geometer's Sketch Pad on Senior Secondary School Students' Interest and Achievement in Geometry in Gboko Metropolis. IJRR. International Journal of Research and Review (www.ijrrjournal) Vol.5; Issue: 4; April 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 20 апрель.
5. Мирсанов У.М. Аниқ фанлардан электрон ахборот-таълим ресурсларини таълим жараёнига жорий этишда хорижий давлатларнинг тажрибаси // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент: 2017. № 5. 237-240-б.
6. Жураева Н.В., Холдорова Ф.М. Планиметрияни GeoGebra дастури асосида ўрганиш. Academic Research in Educational Sciences. VOLUME 2 | CSPI Conference 3 | 2021.
7. Расулова З. Талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш (технологик таълим йўналиши мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Бухоро: 2021. 56-б.
8. Холмирзаева, Л. Шакллар юзларини ҳисоблашда GeoGebra дастури имкониятларидан фойдаланиш. Журнал математики и информатики, 2021. №1(3). извлечено от <https://matinfo.ispi.uz/index.php/matinfo/article/view/2625>.

9. Акбаров С. ва бошқалар. Математик таълим: ўқитишда инновацион усуллар. Academic research in educational sciences volume 2 / ISSUE 7 / 2021. ISSN: 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-103-111

10. Егупова М.В. Методическая система подготовки учителя к практико-ориентированному обучению математике в школе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук / Московский педагогический государственный университет. – Москва: 2015.

11. Овсянникова Т.Л. Использование программы GeoGebra при обучении геометрии будущих учителей математики. Мир педагогики и психологии. 2018. № 11 (28). -С. 92-99.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “14” августдаги 418-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

13. Mamajonova Z.M. Problems of developing motivational abilities of future teachers in the process of person-centered education. East European Scientific Journal. 2020. № 3-2 (55). -С. 68-70.

14. Каржанов А.Р. Использование инновационных технологий в образовательно-воспитательном процессе. Наука и образование сегодня. 2016. № 9 (10). -С. 34-35.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада таълим жараёнида замонавийлаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини оширишга, унинг янги услублар ва янги педагогик технологияларни қўллаш олишга бўлган талабларини янада ошириш кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается модернизация образовательного процесса, повышение профессиональной подготовки будущих учителей, их требования к использованию новых методов и новых педагогических технологий.

SUMMARY. This article considers the modernization of the educational process, increasing the professional training of future teachers, and their requirements to use new methods and new pedagogical technologies.

ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ СТРУКТУРАСИДА ПЕДАГОГИК АРТИСТИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ

Б.А.Пиримбетов - 1-босқич мақсадли таянч докторанти

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

- malakaviy amaliyotni yuqori saviyada o'tkazish va tanlangan obyektlarda bitiruv malakaviy ishlarni tajriba sinovdan to'loqanli bajarilishiga erishish orqali malakali pedagoglar tayyorlash [2:10].

Bo'lajak fizika o'qituvchilari kelgusida hayoti davomida shaxsiy, ijtimoiy, iqtisodiy va kasbiy munosabatlarga kirishishi, jamiyatda o'z o'rnini egallashi, mazkur jarayonida duch keladigan muammolarning yechimini hal etishi, eng muhimi o'z sohasi, kasbi bo'yicha raqobatbardosh bo'lishi uchun zarur bo'lgan tayanch kompetentsiyalarga ega bo'lishi lozim.

Kasbiy kompetentlikka mutaxassis tomonidan kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nika va malakalarining egallanishi va amalda yuqori darajada qo'llay olinishidir.

Kasbiy kompetentlik mutaxassis tomonidan alohida bilim, malakalarining egallanishinigina emas, balki har bir mustaqil yo'nalish bo'yicha integrativ bilimlar va hara-

katlarning o'zlashtirilishini ham nazarda tutadi, shuningdek, kompetentsiya mutaxassislik bilimlarni doimo boyitib borish, yangi axborotlarni o'rganish, muhim ijtimoiy talablarni anglay olish, yangi ma'lumotlarni izlab topish, ularni qayta ishlash va o'z faoliyatida qo'llay bilishni taqozo etadi [3:4].

Jahonning rivojlangan mamlakatlarining ta'lim tizimidagi ilg'or tajribalarini o'rganish uzluksiz fizika ta'lim jarayoniga kompetensiyaviy yondashuvni tatbiq etish zarurligini ko'rsatadi.

Tadqiqotlarimiz shuni ko'rsatadi, bo'lajak fizika o'qituvchilari metodik kompetentligida ko'zga tashlanadigan muammolarning yuzaga kelishiga ko'pgina omillar sabab bo'lmoqda:

- bilimlarning izchil ravishda boyitib borilmasligi, yangi axborotlarni o'rganishning sustligi;

- Internet tizimidagi mutaxassislik bilimlarni boyitib borishda yetarlicha foydalanmaslik;

- darslikdagi ma'lumotlar bilan chegaralanib qolish;

- fandagi yangi ma'lumotlarni izlab topish va ularni qayta ishlash;

- laboratoriya va amaliy mashg'ulotlarning o'tkazilishiga e'tibor bermaslik;

- axborot-kommunikatsion texnologiyalardan uyg'un ravishda foydalanmaslik;

- fizikadan masalalar yechish ko'nikmalari yetarlicha takomillashmaganligini ta'kidlash joiz.

Ta'lim jarayoniga fizikadan kompetensiyaviy yondashuvni tatbiq etish orqali quyidagi vazifalarni amalga oshirish lozim:

- davlatimizning kelgusida jamiyat, fan, ishlab chiqarish va shaxsni mustaqil hayotdagi muammolarni hal etishga qodir yoshlarga bo'lgan ijtimoiy ehtiyojni qondirish maqsadida bo'lajak fizika o'qituvchilarining o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini yangi kutilmagan vaziyatlarda ijodiy qo'llashga o'rgatish;

- fizika ta'lim mazmunini muammoli o'quv vaziyatlarini yaratish orqali o'rganish asosida bo'lajak fizika o'qituvchilarining fan asoslarini o'rganishga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish, qiziqishlarini rivojlantirish, shaxsiy sifatlarini tarkib toptirish;

- bo'lajak fizika o'qituvchilarining o'quv-bilish faoliyatini aniq fizik obyektlarga qaratish va mavjud muammolarni hal etishga o'rgatish orqali davlat ta'lim standarti bilan me'yorlangan bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish barobarida bo'lajak fizika o'qituvchilari tomonidan ijodiy faoliyat tajribalarining egallanishiga erishish;

- bo'lajak fizika o'qituvchilarini aniq amaliy faoliyatga tayyorgarligini orttirish orqali kasbga, ijodiy faoliyat tajribalarini rivojlantirish natijasida fan yo'nalishiga yo'llash;

- fizikadan o'zlashtirilgan ilmiy-nazariy bilimlarni aniq va jarayonli muammoli vaziyatlarda amaliyotda qo'llash orqali bo'lajak fizika o'qituvchilarini mustaqil hayotga tayyorlash imkoniyati mavjud.

Inson tarbiyasi va uni tashkil etish muammoli kishilik jamiyat taraqqiyotining barcha bosqichlarida mutafakkirlar, pedagog, psixolog, fiziolog olimlarning diqqat markazida bo'lib kelgan. Tarbiyaning ustuvorligi, birinchi navbatda, Sharq mutafakkirlari tomonidan yaratilgan ta'limiy, axloqiy asarlar misolida yoritilganini ko'rish mumkin. Qomusiy olimlardan Muhammad al-Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Mahmud Koshg'ariy, Yusuf xos Hojib, Ahmad Yugnakiy, Alisher Navoiy, Zahriddin Muhammad Bobur, Abdulla Avloniy va boshqalarning komil inson tarbiyasi va uning mohiyati haqidagi qarashlari hozir ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Muhammad al-Xorazmiy o'zining ta'lim-tarbiyaga oid qarashlarida insonning oliy maqsadga erishishi, adolatli jamoa qurishi uchun milliy urf-odatlar, an'analar, qadriyatlar vositasida tafakkurni shakllantirish, mantiqiy fikrlashni rivojlantirish lozim degan qoidani olg'a suradi.

Abu Nasr Forobiy o'z asarlarida ta'lim-tarbiya, rag'bat, tanbeh, ishonirish, majburlash, bax, bilim, malaka va qunikma kabi pedagogik tushunchalarga ta'rif beradi. Farabiya ko'ra, o'qitish bu nafaqat intellektual rivojlanish, balki umumiy ma'naviy rivojlanish, jumladan, axloqiy rivojlanish uchun ham asosdir.

Bo'lajak fizika o'qituvchisi kommunikativ kompetensiyani tarkib toptirishni nazarda tutgan holda fizika darslarida ta'lim oluvchilarning kelgusida jamiyatda muloqatga kirishishi uchun zarur bo'ladigan og'zaki va yozma nutqni mukammal o'zlashtirishi, o'z fikrini aniq va tushunarli bayon etish, darslik va qo'shimcha adabiyotlardagi matn asosida mantiqiy ketma-ketlikda savollar tuzish, savollarga yozma va og'zaki javob yozish, o'z o'rtoqlari va ustozlari bilan muloqatda muomala madaniyati meyorlariga amal qilish, kichik guruhlarda ishlash jarayonida guruh a'zolarining fikrini hurmat qilgan holda o'z fikrini bayon eta olish, jamoaviy hamkorlikda ishlay olish, o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalariga asoslangan holda o'z fikrini himoya qilish va ishonira olish, darslarda tashkil etiladigan o'quv bahslar va turli ziddiyatli vaziyatlarda o'z ehtirolarini boshqarish, muammo va kelishmovchiliklarni hal etishda zarur bo'lgan qarorlarni qabul qila olish, o'z ona tili bilan bir qatorda horijiy tillarni o'zlashtirishga zamin yaratish lozim.

Bo'lajak fizika o'qituvchilarida axborot bilan ishlash kompetensiyasini tarkib toptirish maqsadida mavzuga oid o'quv va videofil'mlardan foydalanishi, qo'shimcha adabiyotlar va Internet saytlaridan ma'lumotlarni saralash, shu asosda referat, ma'ruza va taqdimot materiallarini tayyorlash yuzasidan topshiriqlarni berish orqali ularning ilmiy dunyoqarashini kengaytirishi uchun dars, darsdan tashqari ishlari va ekskursiyalardan samarali va o'z o'rni foydalanish zarur.

Bo'lajak fizika o'qituvchisining shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish kompetensiyasini tarkib toptirish maqsadida mustaqil ishlar va ta'limga e'tibor qaratish, ta'lim oluvchilarning o'z-o'zini baholash uchun mavzular bo'yicha standart va nostandart test topshiriqlar bazasini yaratishni, ta'lim oluvchilar bilan o'tkaziladigan ma'naviyat daqiqalarida jismoniy, ma'naviy, ruhiy va intellektual kamolotga erishishga yo'naltirish talab etiladi.

Bo'lajak fizika o'qituvchilarida ijtimoiy faol fuqoralik kompetensiyani tarkib toptirishda umumiy va nazariy fizika, fizika va astronomiya o'qitish metodikasi, fizikani o'qitish texnologiyalari va loyihalash, astronomiya kursi va fizikadan masalalar yechish darslarida va mustaqil darslar muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur jarayonda bo'lajak fizika o'qituvchilarini tabiiy va jamiyatda bo'layotgan voqea, Vatan ravnaqiga qissa qo'shish, jamiyat va oila ma'naviyatlariga xizmat qilish, insonlarga mehr muruvvat ko'rsatish, saxovatli bo'lishga undash zarur.

Bo'lajak fizika o'qituvchilarida umummadaniy kompetensiyalarni rivojlantirish uchun ongi va qalbiga milliy va

umuminsoniy qadriyatlarini singdirish orqali estetik tarbiyaga e'tibor qaratish lozim.

Bo'lajak fizika o'qituvchilarida matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish hamda foydalanish kompetensiyasini tarkib toptirishda mustaqil va ijodiy fikr yuritish ko'nikmalarini rivojlantirish maqsadida hisoblashga doir fizik masalalar, nostandart o'quv topshiriqlari bilan ishlashni yo'lga qo'yish lozim [4:16].

Ushbu kompetensiyalarning barchasini ta'minlanishi bo'lajak fizika o'qituvchilarining pedagogik faoliyatini tashkil etish, metodik o'z-o'zini rivojlantirishga nisbatan mas'uliyatni yanada oshirishga xizmat qiladi. Pirovard natijada yuqori malakali kadrlarni tayyorlash va salohiyatini oshirishga erishiladi.

Bo'lajak fizika o'qituvchilarining metodik kompetentligini rivojlantirish jarayonlarida natijaviylikni ta'minlash uchun quyidagi shartlarning bajarilishi shart deb hisoblaymiz:

- bo'lajak fizika o'qituvchilarning bilimi, ko'nikma va malakasi haqidagi fikrlariga ilmiy yondashish;
- bo'lajak fizika o'qituvchilarida metodik kompetentlikni rivojlantirish uchun zaruriy va qulay shart-sharoitlar yaratuvchi ijodiy muhitni vujudga keltirish;
- metodik kompetentlikni rivojlantirish jarayonlarining o'zaro bog'liqligi va aloqadorligini inobatga olish;
- bo'lajak fizika o'qituvchilarida metodik kompetentlikni rivojlantirish jarayonlariga murakkab innovatsion pedagogik tizim sifatida yondashish;
- metodik kompetentlikni rivojlantirish jarayonlarida bo'lajak fizika o'qituvchilarida o'z faoliyati samaradorligini o'rganish, tahlil qilish va ob'ektiv baholash (pedagogik amaliyotda) ko'nikmalarini shakllantiruvchi refleksiv yondashuvni joriy etish;
- metodik kompetentlikni rivojlantirish jarayonlarida shaxsga yo'naltirilgan ta'sirni ahamiyatini va o'ziga xos xususiyatlarini inobatga olish.

Mazkur belgilangan shartlarga va yuqorida keltirilgan ma'lumotlarga asoslanib aytishimiz mumkinki, bo'lajak fizika o'qituvchilarida metodik kompetentlikning rivojlantirish dinamikasi yoki ijobiy muvaffaqiyatga intilishi shakllanganlik darajasi bo'yicha baholash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

XULOSALAR. Xulosa qilib aytganda, bo'lajak fizika o'qituvchilarida tayanch, umumiy va fanga doir xususiy kompetensiyalarni tarkib toptirish muammosi metodik pedagogik kompetensiyalariga aniqlik kiritish va pedagogik kadrlarni tayyorlash jarayonida kompetensiyaviy yondashuv talablari asosida o'quv kurslarining mazmunini yangilash, shu asosda o'qitishni tashkil etish va boshqarish davr talabi sanaladi. Bu esa o'z navbatida, oliy ta'lim muassasalarida ta'lim va tarbiya jarayonining sifatli tashkil etilishini, malakali kadrlar tayyorlashda yuksak samaradorlikka erishishni kafolatlaydi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7- fevraldagi PF-4947-sonli «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»ni Farmoni. –T.: «Adolat». 2017. 25-b.
2. Sharipov Sh.S. Aniq va tabiiy fanlarni o'qitishning zamonaviy metodologiyasi: muammo va yechimlar mavzusidagi anjuman materiallari. –T.: 2016. 10-b.
3. Muslimov N va boshqalar. Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari. –T.: «SANO-STANDART». 2015. 4-5 b.
4. Tolipova J.O Aniq va tabiiy fanlarni o'qitishning zamonaviy metodologiyasi: muammo va yechimlar mavzusidagi anjuman materiallari. –T.: 2016. 18-b.

REZYUME. Pedagogika oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini tizimli tashkil etish - bo'lajak fizika o'qituvchilarining metodik kompetentligini oshirishga, bilim, ko'nikma va malakalari yuqori, mehnat bozoridagi kuchli raqobatga bardoshli kadrlarni tayyorlashda muhim o'rin tutadi. Ushbu maqolada malakali kadrlar tayyorlashda yuksak samaradorlikka erishish uchun ta'lim va tarbiya jarayonini sifatli tashkil etilishning dolzarb masalalari keltirilgan.

РЕЗЮМЕ. Системная организация учебного процесса в педагогических вузах - играет значительную роль в повышении методической компетентности будущих учителей физики, подготовке высококвалифицированных, высоко конкурентных кадров на рынке труда. В данной статье представлены актуальные вопросы качественной организации учебно-воспитательного процесса для достижения высокой эффективности в подготовке квалифицированных кадров.

SUMMARY. The systematic organization of the educational process in pedagogical universities plays a significant role in improving the methodological competence of future physics teachers, training highly qualified, highly competitive personnel in the labor market. This article presents topical issues of high-quality organization of the educational process to achieve high efficiency in the training of qualified personnel.

BASLAWISH KLAS OQIWSHILARIN XALIQ AWIZEKI DORETPELERI TIYKARINDA TARBIALAWDIN AHMIYETI

G.J.Berdibaeva – student

Z.J.Berdibaeva – student

Ajinivaz atundaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch soʻzlar: xalq ogʻzaki ijodi, maʼdaniv meros, alla, tez avtish, toʻbushmoqlar, bolalar qoʻshiqqlari, ertaklar, tarbiya.

Ключевые слова: фольклор, культурное наследие, колыбельные песни, скороговорки, загадки, детские песенки, сказки, воспитания.

Key words: folklore, cultural heritage, lullabies, tongue twisters, riddles, children's songs, fairy tales, education.

Qaraqalpaq xalqınıń bay mádeniy hám ruwxıy miyraslarınıń bir tarawın xalıq awızeki kórkem ádebiyatı bolǵan folklorlıq shıǵarmalar tutadı. Folklorlıq dóretpeler áyyemgi dáwirlerden baslap búgingi kúnge shekem xalıqtıń ruwxıyatın bayıtıp, kóp qırılı tárbıyalıq xarakterı menen xalıq ishinde jasap kiyatır. Xalıq kúndelikli turmısında tájriybeden túygenlerin atadan-balaǵa, áwladtan-áwladqa miyras etiw arqalı búgingi kúnde de paydalanbaqta. Folklorlıq dóretpelerdiń boyına jámlengen tárbıya negizlerinde salt- dástúr, milliy ózinshelik, insanıy kóz – qarasar, bizdi qorshap turǵan dúnya haqqındaǵı filosofiyalıq táliymatlar jatır.

Qaraqalpaq xalıq awızeki kórkem ádebiyatı ishinde balalarǵa arnalǵan folklorlıq dóretpelerdiń bir neshe túrleri bar. Bizden buringi dáwirlerde jasaǵan ata – babalarımız bala tárbıyasınıń qıyın, mashaqatlı, quramalı táreplerin esapqa alǵan halda olardı basqıshpa-basqısh, izbe-izlik penen dóretken hám tárbıya barısında paydalanıp kelgen.

Shańaraqta bala dúnyaǵa keliwden, onı besik jırları arqalı ruwxıyatına tásir etiwshi jaǵımlı ana hawazı arqalı jasap atırǵan ortalıǵına, shańaraqlıq jaǵdaydan jámiyetlik jámaátlikke, kishkene bir aǵza ekenligin uǵındırıwshi tárbıyanıń dáslepki basqıshları beriledi. Bala hár kúni, hár sapar ana háyiwın esitiw arqalı tınısh-qáterjam uyqılaydı. Hátteki anası bala besikte gezinde-aq onıń belgili azamat, eli-xalqına qálewli perzent bolıwın tilep háyiwıleydi:

Meniń balam baldaydı,
Besikke sadaq baylaydı,
El shetine jaw kelse,
Dúrkiretip aydaydı [1]

Xalıq awızeki kórkem dóretpelerinde tárbıya tiykarları besikten baslanadı. Jaqsı ideya, jaqsı niyet penen baslanǵan tárbıyanıń nátiyjeleri de kútilgen dárejede unamlı bolıp shıǵadı. Shańaraqta jańa tili shıǵıp kiyatırǵan balalardıń durıs, anıq etip sóylewın qalıplestiriwde de úlken tapqırılıq penen jańıltashlardı oylap tapqan. Kópshilik jaǵdayda balalardıń tili “r”, “s”, “q”, “g” hám basqa da biraz seslerdi aytqanda tuwrı ayıp qalıplesip kete bermeydi. Usınday jaǵdaylardı esapqa alǵan halda ata-babalarımız “jańıltashlardı” oylap tapqan. Máselen:

1. Meniń atam ertek aytar,
Arasında jıl qaytarar,
Qartaysa da dım jas ele,
Qartaysa da tez qaytarar.
2. Apam meniń kóylegime,
Jańa jaǵa saldı,
Jańa jaǵanı,
Jańa saldı.
3. Jol shetinde ana garga,
Ana garga, ala garga,
Ala garganın arasında,
Ana garga, bala garga.
4. Bizin kóshe, sizin kóshe,
Bizin kóshede kóp shóje,
Sizin kóshede kóp shóje,
Bári de kóp shóje,
Kóp shóje, kóp shóje [2]

Keltirilgen misallardaǵı jańıltash úlgeri balalardıń oy-órisin, túsinip qabıllawların esapqa alǵan halda ayırım seslerdi qaytalap shınıǵıwǵa arnalǵan. Baslawish klass oqıwshılarınıń da mektep jasına keliwine qaramastan, tillerinde ayırım seslerdi aytıwda irkiliw, nadurıs aytıw boladı. Sonıń ushın da baslawish klass oqıwshılarında

jańıltashlardı úyretiw arqalı tárbıyalaw oǵada zárúr. Jańıltashlar balalardıń tek ǵana tilin jatlıqtırıp qoymaydı, onda balanıń kóz qarasarın qalıplestiriwshi belgili bir kishkene syujet bar, poeziyalıq irǵaqlarǵa qurılǵan uyqash qosıq qatarların qaytalaw arqalı yadı rawajlanadı, sóylew mádeniyatı qalıplesip baradı. Jańıltashlardıń bala tárbıyasında ornı girewli bolıp, búgingi kúnge shekem pedagogikalıq tárbıya qurallarınıń eń aktiv bir túri sıpatında jasap keledi.

Jumbaqlar da xalıq folklorındaǵı basqa janr túrleri sıyaqlı áyyemgi zamanlardan berli xalıq danalıǵınan dóregen. Sırlı uǵımlar arqalı balalar turmıstı, álemdi, ortalıqtaǵı dúnya qubılıslarınıń payda bolıwın oylaydı, pikir júritedi. Jumbaqlardıń balalar ushın dóretilgenleri olardıń talaplarına saykes dúzilip keledi.

Jumbaq-degen sóz birikken eki sózden quralıp, “jum”- jasırıw, “baq”- qara degen mánini anlatıp, jumılǵan, jasırılǵan zatqa qara, usını tap degendi bildiredi [3] dep kórsetiledi. Baslawish klass oqıwshılarına jumbaqlardı úyretiw arqalı olardıń oy-órisin rawajlandıramız. Jumbaqtıń juwabin tabıw ushın balalar menen az da bolsa hár qıylı zattı, jerdi, aspanı, ósimlikler hám haywanatlar dúnyasın, úy – xojalıq zatların, adamdı ayılǵan jumbaqtıń mazmunındaǵı túsiniklerge, uǵımlarǵa salıstırıp, pikirín, aqıl-oyın, túsinigin keńeytip baradı. Máselen:

1. Aq sandıǵım ashıldı,
Ishinen gúmis shashıldı. (Quyash)
2. Bir aǵashta on eki putaq,
Hár putaqta otız japıraq,
Japıraqtıń bir jaǵı qara,
Bir jaǵı aq. (Jıl, 12 ay, 30 kún hám tún)
3. Jabiqtı jartı nan. (Ay) hám t.b.

Jumbaqlardı úyretiw arqalı balalardıń tereń aqıl-oylı, pikirli etip tárbıyalawǵa boladı.

Balalarǵa arnalǵan qosıqlarda da belgili dárejede didaktikalıq kóz-qarasar orın alǵan. Balalar qosıqları-xalıq qosıqlarınıń ajırılmas bir bólegi bolıp, balalardıń oy-órisine, ruwxıyatınıń rawajlanıwına úlken tásir etetuǵın milliy mádeniyattıń bir túri. Balalar qosıqları-balalardıń ózleriniń atqarıwı menen de balalar ushın oǵada qızıqlı. Balalar qosıqları balalardıń dúnya tanımına, sezimtalılıǵına, pikirlewlerine, oy-órisine ıqshamlastırılǵan, gózzal, kishi syujetli, tili ápiwayı eki, tórt qatarlı, uyqas formasına qurıladı. Balalar qosıqlarınıń derlik kópshiligi ózine tán muzikalıq irǵaǵı, xoreografiyalıq hám dramatikalıq háreketleri menen birge atqarıladı. Máselen: “Há tıyeler, tıyeler” qosıǵında balalardıń dúnya tanımın rawajlandırıwǵa baǵdarlanǵan ideyalar berilgenin kóriwimizge boladı:

1. Há tıyeler, tıyeler
Duzın qayda tıyeler?- degen kirisiwdegi eki qatar dıqqattı jámlewge qaratılǵan. Qosıqta mal sharwashılıǵı, balıqshılıq, diyqansılıq, qusshılıq kásipleri menen shuǵıllanǵan biziń xalıqımızdıń sociallıq turmısına baylanış túsinikler qamılǵan. Qosıqtıń tiykarǵı mazmunında balalardı miynet tárbıyasına tárbıyalaw kózde tutılǵan.
2. Balqan tawdıń basında,
Balıq oynar tusında,
Jemisim jerge tógildi,
Juwsanın qoyǵa berdim,
Qoshaytayın qonaqqa berdim,
Qonaq qamshısın berdi,

Qamshisin kólge tasladim,
Kól súyirigin berdi,
Súyirigin gázga berdim,
Gáz máyegin berdi. [1]

Túye kúsh-kólik súpátında saparda júretuǵınlıǵı názerde tutılıp, túyege múráját etilip soraw beriw arqalı qurılǵan qosıqtıń qurılısı, balannıń dıqqatın birden ózine tartadı. Qosıq juwaplar beriw menen dawam ettiriledi. Uzaqtan, Balqan tawdıń basınan dúz alıp keliw, ol jerde kólde balıq bar ekenligi, jemisler tógilip pisip atırǵanlıǵın, qoy-qozılardı jaqsılıp baǵıw kerekligin, sonda kerekli zatları ala alatıǵanlıǵın, qamshı alǵanın, olardı da kerekli, mıtájlikte paydalana bilseń máyek jeyseń degen ápiwayı kúndelikli turmıstı bayan etiw arqalı balalardı miynet etiwge tárbiyalaydı. Baslawish klaslarda folklorlıq dóretpelerdiń bul úlgeri berilip barılsa, tálimniń talaplarına muwapıq keledi.

Zamanagóy pedagogikanıń hár qıyılı tálim-tárbiya qırları folklorıdagi ápiwayı bir erteklerdiń ornın basa almaytuǵınıń

búgingi kúnge shekemgi ertek janrıńın balalar turmısınan keń orın alıp keliwi ayqın misal.

Baslawish klaslarda oqıwshılarga erteklerdi oqıtıw júdá áhmiyetli. Sebebi erteklerde dúnyanı tanıwga oqıwshılardıń qızıǵıwshıǵın oyatatuǵın ǵayrı tábiyǵıy, sıyqırlı kúshler, ájayıbatlar, batırlar, sulıwlar haqqındaǵı waqıyalar sheber sáwlelendiriledi.

Erték-qaharmanınıń basına túsken mashqalanı sheshiwde báhama sıyqırlı kúshler járdemge keledi. Qaharmandı olar sınaydı. Jolında ushırasqan, járdemge mıtáj qus, haywan, adam – ulıwma tirishilik iyelerine shın kewilden járdem qolın sozıp, insaniylik etse, olarğa ǵayrı tábiyǵıy, sıyqırlı kúshler járdem beredi. Bunıday erteklerdi oqıp, tıńlap, kórip otırǵan balada insaniylik sezim-tuyǵıların rawajlandırıwǵa bolǵan ishki keshirmeleri payda boladı. Ertékler insan ómirin- turmısın hár tárepleme keń túrde qamtıp alǵan. Biz balalardıń jas ózgesheliklerine qaray otırıp, balalar ushın kishi syujetli erteklerdi tańlap úyretiwimiz maqul keledi.

Адебиётлар

1. Qaraqalpaq folklorı. Kóp tomliq. V tom. Qaraqalpaq xalıq qosıqları hám salt jırları. –Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 1980. 256-b.
2. Dala jazıwlarınan
3. Maqsetov Q. Qaraqalpaq folkloristikası. –Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 1998. 319-b.
4. Maqsetov Q. Folklor hám ádebiyat. –Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 1976.

РЕЗЮМЕ. Maqola boshlang'ich sinf o'quvchilarini xalq og'zaki ijodi asosida tarbiyalashning ahamiyatini ochib berishga yo'naltirilgan. Shu bilan birga, boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun qulay bo'lgan xalq og'zaki ijodi namunalariga to'xtalgan. Beshik kuylar, tez aytish, topishmoqlarning tarbiyaviy ta'siri ochib berilgan.

РЕЗЮМЕ. Статья направлена на раскрытие важности воспитания учащихся начальных классов на основе фольклора. При этом затронуты примеры народного творчества, удобные для учащихся начальных классов. Выявлен воспитательный эффект колыбельных песен, скороговорок, загадок.

SUMMARY. The article is aimed at revealing the importance of educating elementary school students on the basis of folklore. At the same time, examples of folk art, which are convenient for elementary school students, have been touched upon. The educational effect has been revealed of with the help of the lullabies, quick sayings, and riddles.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ АКМЕОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

А.Даукеева – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бўлажак ўқитувчи, шахс, акмеология, компетенция, назарий ва амалий тайёргарлик.

Ключевые слова: будущий учитель, личность, акмеология, компетенция, теоретическая и практическая подготовка.

Key words: future teacher's, acmeological, competence, theoretical and practical training.

Шахснинг ривожланиши фаолият жараёнида юзага келади. Бўлажак ўқитувчининг профессионалиги олинган билимларни мустақил равишда умумлаштириш ва тизимлаштириш қобилиятига асосланган педагогик, психологик, тадқиқот компетенциясини бирлаштиради. Педагогик фаолият педагогик ва махсус билимларнинг бутун мажмуасини, вазифининг ўзаро боғлиқлиги ва уни ҳал қилиш воситаларини синтез қилади. Бўлажак ўқитувчи фаолиятининг ўзига хослиги, унинг серкирралиги талабадан касбий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда кўп машаққатли ишларни талаб қилади, бу жараён муваффақиятли бўлиши учун касбга барқарор туртки берилиши керак.

Маълумки, шахс фаолияти унинг моҳиятини ривожлантиради ва намоён этади. Шахс унда шаклланади, ижодий хусусиятлар ва фазилатларни эгаллайди ва шу билан бирга фаолиятнинг ўзига ўзгартирувчи таъсир кўрсатади [1:304]. Аммо ҳар қандай фаолиятнинг бошида инсонни ҳаракатга ундовчи сабаблар бўлиши керак. Мавзу англамаган экан, унинг учун асосий мақсад ва ниятлар шаклланмаса, у бу фаолиятни амалга ошира олмайди. Ҳаракат фаолиятнинг табиатига таъсир қилади: у энергия, ҳаракат ўлчови, виждонлилик даражаси, натижага бўлган ҳаракат даражаси, субъектнинг психологик ҳолатини аниқлайди. Бинобарин, фаолиятнинг самарадорлиги шахснинг қайси кадриятларни рағбатлантиришига, унинг ишининг мотивациясига боғлиқдир. Фаолият мотиви эҳтиёжнинг ташқи ифодаси бўлиб, ўз навбатида, у фаолиятнинг бошланғич механизми ҳисобланади [2:308]. Шунинг учун акмеологик компетенцияни касбий фаолиятга йўналтириш бўлажак ўқитувчини ушбу фаолиятни

такмиллаштиришга ундовчи механизмлардан биридир.

А.К.Маркованинг фикрига кўра, мойилликлар, мотивлар, мақсадлар, маъноларнинг нисбати инсоннинг маълум бир касбий йўналишини – касбни эгаллаш, махсус таълим олиш, унда муваффақиятга эришиш, маълум бир ижтимоий макве ва ҳоказоларни яратида [3:308]. Бизнинг фикримизча, бу бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентликка эришишга интилишини таъминлайдиган касбга қаратилган.

А.А.Деркачининг фикрича, фақатгина танланган фаолият билан шуғулланадиган одамда ҳақиқий профессионализм вужудга келмайди. Юкори профессионализм гарчи маълум бир фаолият шароитида ривожланган инсоннинг махсус қобилиятлари, шунингдек, тегишли билим ва кўникмаларисиз ривожланмаса ҳам, бу мумкин эмас, аммо бунга эришиш учун энг муҳим шарт бу – шахснинг умумий қобилиятларини кучли ривожлантириш ва умумий ўзгаришларни яратишдир. Инсоний кадриятлар шахснинг ахлокий тарбиясини англатади. Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетенцияси назарий ва амалий тайёргарликнинг бирлиги ва бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятни профессионал тарзда амалга ошириш қобилияти сифатида белгиланади. Ушбу концепция профессионал муаммоларни ҳал қилиш жараёнида мутахассис фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган касбий кўникмаларнинг комбинацияси орқали аниқланади. Юкорида айтилганларга асосланиб, акмеологик компетенциянинг қуйидаги элементларини фарқлашимиз мумкин:

- ўқитиладиган фан соҳасидаги махсус ва касбий компетенция;

- талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш усуллари соҳасидаги услубий компетенция;

- алоқа соҳасидаги психологик қобилият;

- интроспекция соҳасидаги отопсихологик қобилият.

Фаолиятнинг аксиологик механизми алоҳида аҳамиятга эга. Фаолиятни тартибга солувчи сифатида кадриятлар муаммоси субъект–объект муносабатлари сифатида аксиологик муносабатларнинг методологик мазмунини узоқ вақт сақлаб қолди. Бундан ташқари, ушбу субъект баҳоси уларнинг ташқи воқелигига – жамият дунёсига, идеал дунёга (шу жумладан, унда ифодаланган кадриятларга) эътибор бериш нуктаи назаридан кўриб чиқилган.

Субъектив кадриятлар концепциясидан шахсий кадриятлар концепциясига ўтиш нафақат ташқи, балки унинг ички дунёси билан ҳам фаол боғлиқ бўлган мавзунини, уларнинг ролини очиқ беради. Шахсий кадриятларни шакллантириш хабардорлик жараёнларининг динамикаси ва когнитив-шахсий ҳаракатларнинг семантик доирасига ўтиш билан боғлиқ, деб таъкидлаш мумкин. Ушбу шаклланиш камида иккита таркибий қисмни ўз ичига олади: шахсий маъноларнинг ўзи ва шахсий кадриятларнинг шаклланиши. Фақат касбий фаолият субъект учун шахсий маънога эга бўлганда, унинг аҳамиятини англаб етгандан кейингина у муваффақиятли тақомиллашади.

Сўнгги ўн йилликларда фаолиятнинг умумий тузилишида мотивациянинг ўрни А.Н.Леонтьев, А.В.Запорожец, Л.И.Божович, Б.В.Зейгарник, Д.Н.Узнадзе, О.С.Гребенюк, В.И.Ковалев, В.Э.Мильман, А.Маслоу, Г.Оллпорт, К.Роджерс ва бошқалар томонидан фаол ўрганилган.

Фаолият мотивациянинг процессуал ва дискрет томонлари бирлиги ва зиддиятини кўрсатади. Фаолият йўналиши ва моҳияти мотивацион соҳада ўзгаришларни олдиндан белгилаши мумкин. Педагогик аспектда ҳаракат орқали мотивацияни шакллантиришга қандай таъсир қилиш мумкинлигини кузатиш муҳимдир.

Талаба баъзи бир фанга бўлган эҳтиёжни англаши лозим (билимда, ҳаракатнинг янги усуллари). У ушбу предметни касби учун, ҳозирги пайтда ёки келажакда керак бўлганидек тақдим қилиши керак. Олинган маълумотлар натижасида унинг эҳтиёжини қондиришга қодир объект унинг онгида акс этади – унинг эҳтиёжи ҳақидаги билим пайдо бўлади. Ўқитувчи талабанинг диққатини предметнинг эҳтиёжига йўналтириши керак: талаба ўзи учун муҳим бўлган маълумотни олади ва унинг асосида эҳтиёж актуаллашади. Бунинг асосини биз И.П.Павловнинг таъбиотларида топамиз. Унинг фикрича, тананинг аҳамиятлилиги омилига оид қоидаларнинг психологлар томонидан ишлаб чиқилишини рағбатлантирадиган ҳаётий эмас, балки бирор-бир оғохлантирувчи восита ўртасидаги алоқани ўрнатиш, деб таъкидлайди. Шунинг учун ўқитувчи иш бошлашдан олдин талабаларга бўлажак фаолиятининг маъносини очиқ бериши, олинган билим, кўникма ва бажарадиган ишларнинг назарий, амалий ва ижтимоий аҳамиятини аниқлаши керак.

Ташқи сабаблар, яъни ўқитувчи томонидан яратилган шарт-шароитлар эҳтиёжни рўёбга чиқаради, одамни муайян ҳаракатларни бажаришга ундайди, аммо талабанинг ўзи ҳам ҳаракат қилишга қарор қилади. Субъектив позицияда содир бўлади, яъни шахснинг субъектив позицияси акмеологик компетенция механизмларидан биридир.

Фаолият предмети бўйича шахснинг шаклланиши нафақат унинг ижтимоий-тарихий шакллари ўзлаштириш жараёнида, балки фаолиятни ташкил қилиш ва унинг фаолиятида ҳам содир бўлади. Бирор шахс сифатида унинг фаолиятини ташкил этиш уни

сафарбар қилиш, фаолият талаблари билан мувофиқлаштириш, бошқа одамларнинг фаолиятига аралашishi билан боғлиқ. Ушбу лаҳзалар фаолиятни тартибга солишнинг шахсий усулини, уни амалга ошириш учун зарур бўлган психологик фазилатларни очиқ беради.

Фаолият доирасига киритиш субъектдан бутун фаолият даври учун кучларни ҳисоблашни, айниқса, қутилмаган қийинчиликлар, ҳодисалар ва ҳ.к.ни талаб қилади. Биринчи босқичда стрессни талаб қиладиган фаолият турлари мавжуд, бошқалари охириги босқичларда, баъзилари эса қутилмаган ва аниқланмаган вақтда максимал фаолликни талаб қилади. Маълумки, ҳар бир шахснинг психикаси индивидуал вақт хусусиятларига эга (ақлий жараёнларнинг тезлиги, вақт кетма-кетлигини ўзгартириш, ҳаракатпассивлик ва бошқалар). Шахснинг фаолиятини ташкил қилиш унинг психикасининг вақтинчалик параметрларига таянишни ўз ичига олади. Вақт ўтиши билан уларнинг фаолияти оптималлашади.

Яхши ташкил этилган фаолият максимал тежамкорлик жараёни ва шаклини аниқлашга имкон беради, қайта тақсимлашда вақтни тежашга олиб келади. Ҳатто оддий фаолият, агар бу субъектнинг ўзи томонидан ташкиллаштирилмаган бўлса, одамнинг ҳаддан ташқари куч сарф қилишига сабаб бўлади, тўпланиб, чарчоқ ва ғазабга айланади. Фаолиятни ташкил қилиш, ҳатто қийинчиликлар юзага келса ҳам, субъектга ўзининг асосий йўналишини бажаришга ёрдам беради. Бир томондан фаолият воқеалари, талаблари, вазибалари ва шахсий имкониятлари, қобилиятлари, иккинчи томондан, ўз-ўзини тартибга солиш механизми бу каби ташкилотнинг асосий функционал механизми ҳисобланади. Ўз-ўзини тартибга солиш туфайли салбий ҳолатлар (чарчоқ, стресс) орттириб олинади, энг юқори ақлий ҳаракатлар асосий фаолият давларига тўғри келади, фаолият мотивацион ёки ихтиёрий механизмлар билан қувватланади. Кўриниб турибдики, мотивацион фаолият, яъни субъектга қизиқиш, ижобий ҳистуйғуларни келтириб чиқаради, қониқиш ҳиссини туғдиради. Касбий фаолиятдан қониқиш даъволар даражаси, мотивлар табиати ва профессионал фаолият муваффақиятларининг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади. Агар қониқиш нафақат индивидуал натижа билан, балки қўшма касбий фаолиятда иштирок этиш, ижтимоий қўшилиш, бошқа одамлар билан мулоқот натижасида юзага келса, мамнуният ошиши мумкин. Ўзини тасдиқлаш истаги инсоннинг туғма ҳисси ҳисобланади. Бу шахсни ривожлантиришнинг табиий механизми. Энг яхшиси, бу механизм психология фани томонидан идентификация ва изоляция ғоясида ишлаб чиқилган.

Ўқитувчининг шахсий касбий фаолияти унга турли касбий фаолиятларни самарали бажариш, ўқувчиларни ўқитиш ва ривожлантириш технологиясини хилма-хил ва жуда муваффақиятли ўзлаштиришга имкон беради. Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчи учун ҳал қилувчи омиллар қуйидагилардир: очиклик, ҳамдардлик, ижодкорлик, ғайрат, ўзини тутати билиш, мақсадга эришишдаги қатъиятлилиқ, профессионал меҳнатсеварлик, касбга интилиш, касбий бурч ҳисси, инсонийлик, адолат, педагогик ҳушмуомалалик, ақлий барқарорлик ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган фазилатлар касбий аҳамиятга эга бўлиб, уларни ривожлантирмасдан ҳақиқий мутахассис бўлиб етишиб бўлмайди. Бирок, бу профессионал шухратпарастлик, касбий бурч ва масъулият ҳисси профессионал зинапоёга кўтарилишни рағбатлантирадиган механизмлардир.

Биз ушбу ишни ўрганиш натижалари билан асослаймиз. Ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 80 фоизга яқини юқори касбий даражага эга

эканликларини таъкидладилар. Ҳар қандай киши ўз фаолияти соҳасида компетенцияли мутахассис сифатида танилишга интилади. Унинг ички максаси, ўзидан ошиб кетиш истаги: “мен” бугунги кунда “мен”дан яхшироқ бўлган профессионал – кечаги мутахассис. Бу ҳар доим профессионализм поғонасини янги, янада юқори поғонага кўтарадиган одамни астойдил касбга интилувчи меҳнаткаш қилади.

Олимнинг фикрига кўра, ҳар бир шахснинг ўзини ўзи намоён қилиши ноёб ва ажралмасдир. Буни ривожланиш мотиви билан боғлаган ҳолда А.Маслоу шундай таърифлайди: “Ўз-ўзини англаш, маълум даражада, кам сонли одамларда учрайди. Шунга қарамай, у кўпчиликда умид, интилиш, диққатни жалб қилиш шаклида, жуда орзу қилинган, аммо ҳали эришилмаган нарсада мавжуд. Ўз-ўзини англашнинг кадриятлари ҳатто ўзлаштирилмасдан ҳам аслида мавжуд. Инсон айни пайтда ўзи ва у бўлишга интиладиган нарса. Борлиқ психологияси муаммосини ўрганиб, А.Маслоу ўзини ўзи фаоллаштиришни шахснинг ривожланиши сифатида белгилайди. Ўз-ўзини фаоллаштириш потенциалнинг ҳақиқий томонга ўтиш жараёни билан белгиланиб, бир томондан, ички томондан ўсиш, бошқа томондан, инсоннинг ташқи дунё билан ўзаро таъсири англашилади. Шахснинг ижтимоий фаолиятида акс эттирилган ички жараён

ташқи жараён сифатида ишлайди. Шундай қилиб, ўзини ўзи фаоллаштириш ҳар доим қасддан амалга оширилади, бу уни турли муносабатлар, шу жумладан, фаолиятга бўлган муносабатларда (бизнинг вазиятда, педагогик) кўриб чиқишга имкон беради. Шу муносабат билан бўлажак ўқитувчи таълим жараёни ва ундан кейин касбий фаолиятида етарлича фаоллик намоён этиши учун ўзининг профессионал аҳамиятли шахсий хусусиятларини англаши керак. Ўз-ўзини синаб кўриш ўз-ўзидан ва бошқариладиган жараён сифатида амалга оширилиши мумкинлиги сабабли ўқувчиларга бу жараённи қандай бошқариш кераклиги ҳақида билим бериш, ўз-ўзини англаш орқали ўзини намоён қилиши лозимлигини ўқитиш керак. Бошқарув фаолиятга асосланган ёндашувдан фойдаланади, чунки унинг барча таркибий қисмлари мавжуд, жумладан: мақсад (профессионал ўзини ўзи ривожлантириш); мотивлар (ўқув ва касбий фаолиятда муваффақиятга эришиш); мақсадга эришиш усуллари (ўқитиш); натижалар (профессионал ўзини ўзи ривожлантириш тажрибасига эга бўлиш).

Шундай қилиб, касбий ўзини ўзи фаоллаштириш бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенциясининг механизми бўлиб, унинг ўз профессионал хусусиятларини тан олиш, ўқитиш жараёнида ва кейинги касбий фаолиятида фаол намоён бўлишга қаратилган.

Адабиётлар

1. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. - Москва: «Просвещение», 1977. –С.304.
2. Маркова А.К. Психология профессионализма. - Москва: 1996. –С.308.
3. Деркач А.А. Акмеология: личностное и профессиональное развитие человека: Методолого-прикладные основы акмеологического исследования. Кн1. –Москва: 2000. –С. 392.
4. Стог Л.И. Осознание студентами педагогического вуза и учителями своего профессионального долга //Формирование личности специалиста в вузе. – Грозный: 1989. –С. 165.
5. Айвазян С.А., Мхитарян В.С. Прикладная статистика в задачах и упражнениях. -Москва: ЮНИТИ, 1998. –С.270.

РЕЗЮМЕ. Бўлажак ўқитувчи шахсини ривожлантиришнинг акмеологик компетенцияси назарий ва амалий тайёргарликнинг бирлиги ва касбий фаолиятни профессионал тарзда амалга ошириш қобилияти сифатида белгиланади.

РЕЗЮМЕ. Акмеологическая компетентность развития будущего учителя определяется как единство теоретической и практической подготовки и умение профессионально осуществлять профессиональную деятельность.

SUMMARY. Acmeological competence of the future teacher's development is defined as the unity of theoretical and practical training and the ability to professionally carry out professional activities.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Б.Қ.Еримбетов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, таълим, тизим, нодавлат таълим муассасалари, эркин иқтисодиёт, демократик жамият.

Ключевые слова: физическое воспитание, спорт, образование, система, негосударственные образовательные учреждения, свободная экономика, демократическое общество.

Key words: physical education, sports, education, system, non-governmental educational institutions, free economy, democratic society.

Мамлакатимизда охириги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Натижада, мазкур соҳаларнинг илғор тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда бир қатор янги ихтисосликлар шакллантирилиб, кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилмоқда. Эндиликда малакали кадрларни тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Замонавий спорт юксак ижтимоий-маданий мақом ва улкан гуманистик салоҳиятга эга, турли ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажаришга қодир, жумладан, халқаро майдонда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган фаолиятдир. Маълумки, ҳар бир давлатнинг спорт ҳаракатини ташкил этишнинг ўзига хос йўллари мавжуд бўлиб, улар, асосан тарихий анъаналар, маданий кадриятлар, сиёсий режим, демографик шароит, иқтисодий тараққиёт, фан ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ.

Шунинг учун ҳам, спортчиларнинг жаҳон сахнасида эришган ютуқлари мамлакат тараққиёти даражаси ва умуман, миллат барқарорлигининг кўрсаткичи, деб айтса бўлади.

Бу эса жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш кераклигини кўрсатади:

1. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Ўтган асрнинг охирига келиб, Хитой дунёда энг кўп профессионал спортчилар мамлаката бўлиб келган ва мамлакатнинг бугунги кундаги муваффақияти спортни оммалаштириш бўйича кўп йиллик мақсадли тарғиб қилиш сиёсати натижасидир. Шунингдек, юқорида айтиб ўтилганидек, давлат спортни ривожлантиришга катта маблағ сарфлайди. Ва, тажрибаларнинг кўрсатишича, мусобақаларга энг самарали тайёргарлик давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

2. Ривожланган спорт инфратузилмаси. Ривожланган давлатларда турли ёзги спорт турлари бўйича шуғулланиш учун спорт мажмуалари мавжуд. Ҳар қуни ҳовлилардаги турли спорт воситалари билан жиҳозланган спорт майдонларида шуғулланаётган ёшларни мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир богда, майдонда, ҳовлида кўплаб зарур спорт анжомлари мавжуд. Ривожланган давлатларда муҳим ўрин чўзилиш машқлари (бадантарбия)га асосий эътибор қаратилади.

3. Спортчиларнинг психологик (рухий) тайёргарлиги. Тренерлар ўз шогирдларининг психологик тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратишади ва унинг савияси деярли барча мусобақаларда, ҳатто энг кичик беллашувларда ҳам юқори ўрин тутати. Айнан спортчиларнинг психологик (рухий) ва жисмоний тайёргарлигининг барқарорлиги мусобақаларда ғолиб бўлиш имкониятини оширади.

4. Малакали, билимдон тренер-мутахассисларнинг кўплиги. Албатта, ривожланган давлатларда тренерларининг малакаси жуда юқори.

Бу эса талабалар спортини ривожлантириш, улар оарсидан малакли мутахассислар тайёрлаш ишларини янада ривожлантириб бориш заруриятини кўрсатади.

Талаба спортчилар ўқув-машқ жараёнини учта йирик босқичга (бошланғич тайёргарлик, дастлабки базавий тайёргарлик, ихтисослаштирилган базавий тайёргарлик) ажратар экан, уларни кўрсатилган ҳар бир босқич бўйича машғулотларнинг асосий машқларини тизимли равишда баён этади:

1. Бошланғич тайёргарлик босқичида:

- шуғулланаётганларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш;
- ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик;
- жисмоний ривожланишдаги камчиликларни бартараф этиш;
- турли срдмачи ва махсус-тайёргарлик машқлари техникасига ўргатиш;
- танланган спорт турининг техникасига бошланғич ўқитиш.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун турли жабҳадаги восита ва услублар, шу жумладан бошқа спорт турларининг машқлари, ҳаракатли ўйинлар, эстафеталар қўлланилади. Бу эса машғулотларнинг ўйин услубини кенг қўллаш имконини беради. Ҳаракатланиш техникасига бошланғич ўқитиш жабҳасида кўп турдаги тайёрлов машқларини эгаллаш талаб этилади, фақат техникани барқарорлаштиришга уринишлар бундан мустасно.

2. Дастлабки базавий тайёргарлик босқичида:

- шуғулланаётганлар организмнинг жисмоний имкониятларини ҳар томонлама ривожлантириш;
- талаба спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш;

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни”. 29-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни”. 37-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024-йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига спортчиларимизни комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ- 5281-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 июлдаги “Нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-302-сонли қарори.
6. Andriamampianina, P., Moussa, A.S. The Training of Physical-Education Teachers in France and China: A Comparative Analysis of Curricula and Attitudes. *Int Rev Educ* 51, 23–34 (2005).
7. Бубка С.Н., Булатова М.М., Есентаев Т.К. Менеджмент подготовки спортсменов к Олимпийским играм. -М.: Спорт, 2019.
8. Губа В.П. Теория и методика современных спортивных исследований: монография. -М.: Спорт, 2016. –С. 232.
9. Долгова Д.А. Спорт как инструмент укрепления авторитета КНР на международной арене//Актуальные проблемы современных международных отношений. 2017. № 9. -С.98-106.
10. Мартыненко С.Е., Трусова А.А., Черняев М.С. Пинг-понговая дипломатия: влияние на установление китаяско-американских отношений. // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2019 Vol. 19 №. 1. -С.139-147.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда малакали мутахассислар тайёрлаш зарурияти ҳамда мазкур жараёнда спорт таълим муассасаларининг роли таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется необходимость подготовки квалифицированных специалистов в области физической культуры и спорта, а также роль спортивных образовательных учреждений в этом процессе.

SUMMARY. This article analyzes the need to train qualified specialists in the field of physical culture and sports, as well as the role of sports educational institutions in this process.

• жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарликдаги камчиликларни бартараф этиш;

• ихтисослаштирилган спорт хусусиятига мувофиқ келувчи, турли хил ҳаракатланиш кўникмаларини эгаллаш учун ҳаракатланиш салоҳиятини ташкил этиш;

• талаба спортчиларда кўп йиллик спорт тайёргарлигига мақсадли йўналтирилган мустаҳкам кизикишнинг шакллантирилиши.

Санаб ўтилган вазифалар унча катта бўлмаган ҳажмдаги ихтисос-лаштирилган машқлар билан, ҳар томонлама тайёргарлик йўли орқали ҳал этилади.

3. Ихтисослаштирилган базавий тайёргарлик босқичида:

• талаба спортчи организмнинг функционал салоҳиятини ошириш;

• ихтисослаштирилган тайёргарлик воситалари ҳажмининг кўпайти-рилиши;

• спортнинг танланган ва турдош турларидаги машқлар техникасини такомиллаштириш.

Талаба спортчилар малакали мутахассислар сифатида шаклланиши спорт-таълим муассасаридаги ишларни ривожланишига таъсир кўрсатади. Спорт-таълим муассасалари орқали қуйидаги йўналишларини ривожлантириш ўз самарасини беради:

- жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга ижобий таъсир қилади. Давлат томонидан берилган имтиёзлар ҳисобига спорт машғулотларини қизиқарли ва мазмунли ташкил қилиш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини инобатга олган ҳолда спорт тўғаракларини ташкил қилиш имкониятини беради. Бу эса ёшларни спортга жалб қилиш имкониятини янада оширади;

- Спорт-таълим муассасаларининг ташкил қилиниши таълим муассаслари ўртасида рақобатни ривожлантириб, мутахассисларнинг ўз устида ишлаш, таълим беришда сифатга устуворлик бериш позициясининг шаклланишига олиб келади;

- Спорт-таълим муассасаларидаги мутахассисларнинг ўқувчи-спортчиларга бўлган муносабатининг ўзгаришига олиб келади. Спортчи-ўқувчиларга бўлган ёндашув, яъни “даромад ва шухрат” келтириш эмас, балки ҳамкорликда меҳнат қилиш орқали муваффақиятга эришиш ва бу жараёнда ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш сифатида ёндашувни шакллантиради.

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОСИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

(инглиз адабиёти доирасида)

С.А.Ескараева – катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: таълим, ижодий фикрлаш, топшириқлар, малака ва куникма, маданият, адабиёт.**Ключевые слова:** образование, творческое мышление, задания, навыки и знания, культура, литература.**Key words:** education, creative thinking, tasks, skills and knowledge, culture, literature.

Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммоси ҳозирги даврда ижтимоий тараккиётнинг замонавий тенденцияларига ва педагогика фанининг илғор ғояларига жавоб беради.

Муаммо долзарб бўлиб, у жамият ва давлат томонидан таълим тизимига берилган ижтимоий буюртма сифатида қаралади.

Ўзбекистонда талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммоси, шу жумладан инглиз тили дарсларида ҳам қўйилган ва унинг илмий тадқиқотлари ва амалий ечимини топиш жараёнлари кузатилмоқда. Хусусан, бизнинг ҳам тадқиқот ва педагогик амалиётимизда инглиз тили дарсларида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг долзарблиги шубҳасиздир, у долзарб илмий ва педагогик қизиқиш ва амалий аҳамиятга эга. Давлат таълим сиёсатида чет тилларни, хусусан инглиз тилини ўргатишнинг нуфузи алоҳида таъкидланади. Касбий компетенцияни, юқори касбий педагогик ва ихтисослаштирилган тайёргарликни шакллантиришни мустақамлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон Фармони «Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да қуйидаги стратегик мақсадлар белгиланган: олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш.

Чет тили умумтаълим фани сифатида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини тарбиялаш ва ривожлантириш салоҳиятига эга бўлган чет тили уни ўрганишнинг амалий мақсадини амалга ошириш жараёнида, яъни талаба чет тилидаги коммуникатив ва когнитив фаолият (тинглаш, гапириш, ўқиш, ёзиш) жараёнидагина амалга ошириши мумкин агар умумий таълим уфқларини кенгайтириб борса, фикрлаш, хотира, ҳис-туйғу ва ҳиссиётларни ривожлантирса; агар чет тилидаги мулоқот жараёнида шахснинг ижтимоий ва кадрият фазилатлари: дунёқараши, ахлоқий кадриятлар ва эътиқодлар, характер хусусиятлари шаклланса.

Аввало, чет тили дунёга қўшимча «ойна» бўлиб, у умумий таълим учун зарур бўлган ҳаёт, илм-фан, санъатнинг турли соҳаларида билимларни егаллашга, турли ижтимоий соҳаларда фаолиятни амалга оширишга ёрдам берадиган воситадир. Чет тили дарсларида талабалар бошқа ўқув фанлари: ижтимоий фанлар, адабиёт, мусиқа, тарих, география, тасвирий санъат ва бошқалар бўйича олган қўллаб билим ва ғояларни чуқурлаштирадиган ва кенгайтирадиган.

Ва шу нуктаи назардан, чет тили курсида фанлараро алоқаларга эътибор қаратиш, улардан янада кенгрок фойдаланиш муҳимдир. Бу борада замонавий ҳаёт, тарих саҳифалари ва умуман, ўрганилаётган тил мамлакатлари маданияти билан танишиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, талабалар тарихийлик принципи, ҳодисаларни баҳолашга диалектик-материал-

листик ёндашув, ижодий фикрлашни ривожлантириш тўғрисида тушунчаларини чуқурлаштирадиган.

Ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини англаш, шахснинг ўз-ўзини англашини ривожлантириш атроф-муҳитни ва шахснинг ўзини ўзгартиришга қаратилган фаолиятида юз беради. Ушбу тушунчалар замонавий фанда қабул қилинган ва бизнинг тадқиқотларимизнинг асоси ҳисобланади. Биз ўрганиб чиққан ижодий фаолият талабаларга ўз индивидуаллигини намоён қилиш учун юқори имкониятлар беради. Ушбу фаолиятда талабаларнинг бевосита, фаол иштироки, шахснинг ижодий салоҳиятини комплекс ривожлантириш ва шакллантиришда катта истикболларни очиб беради.

Ижодкорлик ва ижодий фикрлаш XX асрнинг бошидан бошлаб Э.де Боно, Дж.Гилфорд, Е. П.Торренс ишларида ўрганилган, уларда муаммога назарий ёндашувлар очиб берилган ва уни ҳал қилиш йўллари ва шартлари таклиф қилинган. Д.Б.Богоявленская, В.Н.Дружинин, А.М.Матюшкин, А.Я.Пономарев ва бошқа бир қатор олимлар рус педагогикасида ижодий фикрлаш муаммоси устида ишладилар.

Республикамиз олимларидан Г.Ибрагимов, Г.Эргашева, Г.Норматова, Ф.Ходжиева ўқувчи-ёшларда ижодий мустақил фикрлашни шакллантириш масалаларини тадқиқ этишган.

Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ижодий фикрлашни ва айниқса қуйидаги таркибий қисмларни ривожлантиришга асосланган:

* Аналитик компонентлар - мос равишда концептуал ва мантикий фикрлаш-изчиллик, ҳаракатчанлик, селективлик, ассоциативлик, ақл, фарқлаш қобилияти ва бошқалар;

* Эмоционал компонентлар (эмоционал-хаёлий фикрлаш): тасвирларнинг ёркинлиги, воқеалар, фактлар, ҳодисаларни эмоционал баҳолаш ва бошқалар.

* Ижодий компонентлар (визуал ва самарали фикрлаш): оқилона ечимларни излаш, ностандарт (индивидуалликнинг намоён бўлиши, ўзига хослик, стереотипларни енгиб ўтиш), натижани олдиндан билиш қобилияти, фаолиятдаги енг яхши билим ва кўникмаларни синтез қилиш истаги, мумкин бўлган вариантлардан энг мақбул ечимни танлаш ва танловнинг тўғрилигини оқлаш қобилияти.

Бунда услубий-педагогик, ижтимоий-маданий - ва педагогик, шу жумладан касбий ва илмий (таркибий-таркиб, услубий, амалий, шунингдек коммуникатив) билимлар мажмуаси зарур. Ва табиийки, - юқори ижодий фикрлашнинг мавжудлиги.

Талабалар шахсининг ижодий қобилиятининг намоён бўлишини инглиз тили дарсларида матн билан ишлаш мисолида ишни ташкил этишда кузатиш мумкин. Матн ёки унинг кичик бир бўлаги бўлган ҳар қандай асар бадий баён талабалар томонидан эшитиш ёки кўргазмалар қабул қилинишидан бошланади. Ва бу босқичда талабаларни ушбу матннинг бадий тасвирлари тизимига киритишга ёрдам берадиган бундай муаммоли вазиятларни яратиш муҳимдир. Матнни идрок этиш жараёни ва ўқилган нарсалар устида ишлаш турли топшириқ-саволлар ёрдамида ташкил этилади.

Бадий маданиятнинг жаҳон хазинасидан, инглиз адабиёти асарини ўқиш – идрок этиш – таҳлил қилиш бўйича амалий дарс – бадий маданиятнинг жаҳон хазинасидан (ишлаб чиқилган алгоритм бўйича), бу ҳам талабалардан тегишли ижодий маҳоратга эга бўлишни

талаб қилади.

Масалан, инглиз адабиёти дурдоналаридан нашрий ва драматик асарларни таҳлилий ўрганиш алгоритми.

Ушбу кўрсатмаларга мувофик:

мавзу, ғоя, сюжет, мазмун, унинг қурилиши;

асосий белгилар, уларнинг хусусиятлари;

ҳикоячи (лар);

ғоя, унинг ошкор этилиши; бадиий жиҳатдан ифодали воситалар, уларнинг мақсади;

сюжет мавзусини, ғоясини, қаҳрамонларнинг харакавларини тушуниш;

асосий хулоса (асарнинг ғоявий-бадиий мазмуни).

Ёки, масалан, талабаларнинг адабий қаҳрамонлар билан "учрашуви" каби кизиқарли воқеаларни ташкил этиш: Робинзон Крузо, Оливер Твист, Гулливер. Ва ҳатто – «Ҳазиналар ороли» га саёҳат ва бошқалар.

Англиянинг бадиий маданияти ва адабиёти, айниқса, ижтимоий – маданий контекстда талабалар билан суҳбат нафақат ушбу тилга фаол қизиқиш, балки бутун дунё бўйлаб тан олинган ушбу тилни муваффақиятли ўқитиш омилidir.

Инглиз адабиётига: шоирларга, ёзувчиларга, драматургияга бағишланган мини-тадбир ва бошқалар.

Қўлланиладиган метод ва усуллар:

мотив, мотивация;

керакли билимлар ҳақида умумий маълумот, қисқача маълумот;

инглиз адабиётига мурожаат қилиш жараёнида ва-зифаларнинг таърифи ва спецификацияси;

ўқиш, ҳикоя, режа шаклида тақдимот; таҳлил; ғоявий-семантик, бадиий-таҳлилий; инглиз адабиётининг таникли асарларини таҳлил қилишда эстетик жиҳат; «инглиз адабиёти» асарларини таҳлил қилишда алгоритмик (йўналтирилган) ёндашув.

Амалдаги бошқа усуллар: тушунтириш, такрорлаш, ўқиш (такрорлаш билан); идрок-таҳлил-синтез; диалог, мунозара, мини-мунозара; таклиф; инглиз адабиётини ўзлаштиришга ижодий ёндашув, ўз фикри, этикоди, асосли хулосалари, инглиз шоирлари ва ёзувчиларининг асарларини мустақил ўқиш;

талабаларнинг инглиз тилига таржимаси билан тематик матн тузиш учун берилган сўзлар ва тушунчалардан фойдаланиши;

Шуни таъкидлаш керакки, таклиф этилаётган педагогик тизимда унинг иштирокчилари – ўқитувчи ва талабалар аниқ ҳаракат қилишади. Ўқитувчининг талабаларга булган педагогик мақсадли таъсири, унинг шахсий ва касбий фазилатларини, шу жумладан ўзига хос пропилларини такомиллаштириш аниқ кўринади.

Педагогик тизимда нафақат мақсадли, процессуал-педагогик, технологик таркибий қисмлар, балки талабалар билан ишлашнинг турли шакллари ва турлари, шу жумладан интеллектуал ва ижодий қисмлар ҳам кўриб чиқилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон Фармони «Ўзбекистон олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси».

2. Абдимуратова Н.П. Формирование социально-культурной компетенции будущего учителя английского языка. –Н.: 2017.

3. Ибрагимова Г. Ўқувчи-ёшларда ижодий мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш. 2019.

РЕЗЮМЕ. Мақолада чет тили дарсларида талаба ёшларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш масалаларининг аҳамияти кўриб чиқилди. Талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган, уларнинг мустақил фикрлашига имкон берувчи метод ва усуллар таснифи келтирилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассмотрена важность развития творческого мышления учащихся на занятиях по иностранному языку. Дана классификация методов и приёмов, направленных на развитие творческой активности учащихся, позволяющих им самостоятельно мыслить.

SUMMARY. The article considers the importance of developing students' creative thinking in foreign language classes. The classification of methods and techniques aimed at developing the creative activity of students, allowing them to think independently, is given.

ТАБЛИЦЫ КАК СПОСОБ ГРАФИЧЕСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ МАТЕРИАЛА

Э.Н.Ешнйзова – кандидат филологических наук

М.М.Турсынова – ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: таянч технологиялари, жадваллар, схемалар, тузилма, ижодкорлик.

Ключевые слова: опорные технологии, таблицы, схемы, структура, творчество.

Key words: supporting technologies, tables, diagrams, structure, creativity.

Применение таблиц, схем, конспектов, иллюстративных картинок в качестве опор на занятиях русского языка и литературы для объяснения и закрепления нового материала, для систематизации и обобщения, организации самостоятельной работы обучающихся очень эффективны.

Таблицы позволяют группировать теоретический материал в определенные блоки, обобщать материал, двигаясь от абстрактного к конкретному, сопоставляя сходные понятия, а не изучая их изолированно. Такой подход соответствует современным психологическим рекомендациям, получившим подтверждение в методической системе В.Ф.Шаталова, Л.В.Занкова, В.В.Давыдова и др. Использование опорных конспектов предполагает активную мыслительную деятельность

студентов в процессе обучения: они должны, воспринимая информацию, соотнести ее с ранее усвоенной, выделить главное. Известный историк Л.Н.Гумилев писал: «Схема - целенаправленное обобщение материала: она позволяет обозреть суть предмета исследования, отбросить затемняющие мелочи. Схему усвоить легко – значит, остаются силы на то, чтобы продвигнуться дальше, то есть поставить гипотезы и организовать их проверку. Схема – это скелет работы, без которого она превращается в медузу...»[3:52].

При изучении творчества М.Лермонтова можно использовать такие таблицы, которые позволяют большой теоретический материал обобщить и систематизировать. Например:

Основные этапы жизненного и творческого пути М.Ю.Лермонтова (1814-1841)

Период	Хронологические рамки	Особенности формирования художественной системы
Ранний период творчества (годы учения: Московский университетский благородный пансион, Московский университет, Школа гвардейских подпрапорщиков и кавалерийских юнкеров)	1828-1831	Романтизм байронического типа
Творчество переходного периода (начало офицерской службы в Петербурге, первая ссылка на Кавказ)	1832-1836	Формирование переходного типа романтизма
Позднее творчество (в Петербурге между двумя ссылками, вторая ссылка на Кавказ, служба в действующей армии, участие в военных операциях, последняя дуэль)	1837-1841	Наращение реалистических тенденций, усиление психологизма

Таблицы как графические органайзеры теоретического материала содержат знаки, рисунки, ключевые слова, короткие фразы и т. п. Как известно, память у человека бывает зрительная, слуховая и двигательная. Уровень усвоения нового материала повышается, если в процессе обучения задействованы они все. При объяснении преподавателем нового материала с подключением опорного конспекта у студентов работают зрительная и слуховая память, причем запоминание идет не механическое, а смысловое. При воспроизведении студентом усвоенного материала с подключением опорного конспекта работает еще и двигательная, моторная, память. При разработке опорного конспекта необходимо: правильно отобрать материал, разобраться во внутривидовых и межвидовых связях темы; выделить основные понятия, отбросив второстепенное.

Кроме этого, можем привести примеры из опыта нашей работы, когда изучается творчество любого художника слова можно составить таблицу, которую самостоятельно составляют студенты, разделить художественные произведения по различным категориям. Например, из лекционного материала выписать названия художественных произведений М.Ю.Лермонтова, разделить их по категориям. «Категориальная таблица» приобретает следующую форму.

Стихотворения	Поэмы	Романы	Драмы
«Пусть я кого-нибудь люблю...» (1831)	«Черкесы» (1828)	«Вадим» (1832-1834)	«Маскарад» (1837)
«Весна» (1830)	«Кавказский пленник» 1828)	«Княгиня Лиговская» (1836-1837)	«Два брата» (1836)
«Смерть поэта» (1837)	«Демон» (1829-1839)	«Герой нашего времени» (1838-1840)	
«Песня про царя Ивана Васильевича, молодого опричника и удалого купца Калашникова» (1837)	«Хаджи Абрек» (1833-1834)		
	«Мцыри» (1838-1839)		

Во время первого лекционного занятия студентами составляется категориальная таблица, это только первоначальная работа, которая может быть продолжена во время следующих лекционных и семинарских занятий, т.е., по мере изучения творчества М.Ю.Лермонтова будет дополнена данная таблица.

Тематика и проблематика творчества М.Ю.Лермонтова [5:10]

Тема	Интерпретация	Примеры
Тема судьбы поэта, предназначения поэта и поэзия	С точки зрения Лермонтова, поэт-пророк, но за свой пророческий дар он неизбежно платит страданиями, удел поэта в современном мире – это удел изгоя. Но истинный поэт должен быть верен своему пророческому предназначению и в любых условиях призывать человека и мир к совершенствованию.	Нет я не Байрон, я другой...», «Не думай, чтоб я был достоин сожаленья», «Поэт», «Пророк», «Не смейся над моей пророческой тоскою», «Журналист, читатель и писатель» и др.
Тема любви	Потенциально, с точки зрения Лермонтова, любовь способна привести гармонию в жизнь человека, но в реальности любовь всегда оборачивается трагедией	Циклы к Е.Сушковой, к Н.Ивановой, стихотворения «Молитва», «Отчего», «Нет, не тебя так пылко я люблю», «Благодарность» др.
Тема одиночества	Одиночество, по Лермонтову, удел всякой мыслящей личности. Чувство одиночества-доминантная черта мироощущения человека эпохи 30-х гг. XIX века	Стихотворения «И скучно и грустно», «На севере диком стоит одиноко», «Листок», «Выхожу один я на дорогу» др.
Тема современности	Решается через противопоставление человека и общества, которое не позволяет человеку раскрыть свою индивидуальность, неизбежно приводит человека к жизненному тупику	Стихотворения «Как часто пеструю толпою окружен», «Дума», роман «Герой нашего времени»
Тема родины, исторического прошлого России	Обращение к той теме свидетельствует о демократизации взглядов Лермонтова, который подчеркивает свою любовь к народу, веру в его потенциальные возможности и неприятие существующих социально-политических отношений в русском обществе.	Стихотворения «Родина», «Прощай, немытая Россия», «Бородино», поэма «Песня про купца Калашникова» др.

Таким образом, опорный конспект представляет собой свернутое знание, готовое развернуться в объемное. Использование опорных конспектов повышает качество усвоения информации, позволяет развивать и творческие способности студентов и формирует у них основы критического мышления.

Литература

1. Лермонтов М.Ю. Сочинения в 4-х томах. -М.: 1986.
2. Лермонтовская энциклопедия. -М.: 1981.
3. Произведения русских писателей 19-20 вв., -М.: 1992.
4. Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. –Ташкент: 2016.
5. Алламуратова Г., Алламуратова А. Структурно-логические схемы на занятиях по литературе. –Нукус: 2016.

РЕЗЮМЕ. Маколада материални график ташкил этиш ва таянч технологияларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются вопросы графической организации материала, применение опорных технологий в процессе обучения.

SUMMARY. The article deals with the issues of graphic organization of the material, the use of support technologies in the learning process.

ZAMONAVIY TA'LIM JARAYONIDA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANIB FAZOVIIY TASAVVURNI RIVOJLANTIRISH

(chizma geometriya va muhandislik grafikasi fani misolida)

M.K.Xalimov – dotsent

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Tayanch soʻzlari: bilim, koʻnikma, malaka, fazoviy tasavvur, pedagogika, didaktik oʻyinlar, qobiliyat, savodxonlik, faollik.

Ключевые слова: знания, навыки, квалификация, пространственное воображение, педагогика, дидактическая игра, способности, грамотность, активности.

Key words: knowledge, skills, qualifications, spatial imagination, pedagogy, didactic play, abilities, literacy, activity.

Ma'lumki, talabalarga chizma geometriya va muhandislik grafikasi fanidan dars beradigan o'qituvchilar ishini osonlashtirish, talabalarning darslardagi faolligini oshirish hamda fazoviy tasavvurini oshirish maqsadida didaktik o'yinlardan foydalanadilar. Chunki metodika va pedagogik psixologiyada o'quv ishlarining eng yaxshi usullarini tanlashga, ta'lim jarayonida talabalar bilish faoliyatini kuchaytiradigan omillardan foydalanishga katta ahamiyat berilmoqda. Darsda talabalar faoliyatining ixlam-xilligini ta'minlash ko'p o'quv predmetlari qatori chizma geometriya va muhandislik grafikasi fanini o'qitish metodikasining ham diqqat markazidagi vazifalardan biri bo'lib qoldi. Talabalar tomonidan bajariladigan grafik ishlarining o'ziga xos xususiyati, o'qishga doir bilim, ko'nikma, malakalar va tasavvur hajmi hamda texnikada taalluqli tizimlashtirilgan bilimlar bilan xarakterlanadi.

Kuzatishlardan ma'lum bo'lishicha, talabalar chizma geometriya va muhandislik grafikasining grafika sohasiga jiddiy qarab, chizmani o'qishga, ya'ni fazoviy tasavvurlarini rivojlanishga kam e'tibor bermoqdalar. Shunga ko'ra, chizma geometriya va muhandislik grafikasi darslarining to'rtinchi qismi grafik ishlarni bajarish bilan o'tib ketmoqdi. Fazoviy tasavvur tasvirlanayotgan obyekt, chizma, buyum, detal va boshqalarni shakli, hajmi, ko'rinishi, vaziyati, uning xarakteristikasi haqida to'liq tushunchaga ega bo'lishdir. Fazoviy tasavvur deganda chizilayotgan chizma, detal va boshqalarning inson tasavvuri, xayolida ko'z oldiga keltira olishi hamda uni chizma qog'oziga tushira olishi tushuniladi.

Psixologik tadqiqotlardan ayonki, hadeb bir xil ishini bajarish insonning miyasiga salbiy ta'sir qiladi va charchashni keltirib chiqaradi. V.V.Stepakova o'quvchilarning bir darsdagi ish qobiliyatlarini tekshirib, ular dastlabki 10-15 daqiqada 10 ta so'zdan 9 tasini eslab qolishini, ya'ni 90% o'zlashtirishini, keyingi 5 daqiqada yangi bilimlar o'lganligini va eski bilimlar bilan ishlashni navbatdagi 20-25 daqiqada 10 ta so'zdan 6 tasini esda saqlashni ya'ni 60% o'zlashtirishni aniqlagan. Ana shu tadqiqot natijalariga ko'ra chizma geometriya va muhandislik grafikasi fanida didaktik o'yinlarni darsning 15-20 daqiqasidan keyin 5-6 daqiqa talabalarning ishini almashtirish va faolligini o'tilayotgan mavzuga qaratish maqsadida o'tkazish mumkin. Bu didaktik o'yinlar bir mavzudan ikkinchi mavzuga, bitta grafik tushunchadan ikkinchisiga o'tishda «ko'pri» vazifasini bajarishi lozim. Didaktik o'yin - bu o'quv faoliyatining bir turi bo'lib, uning natijasida o'zaro qiziqish va o'yin-kulgi muhitida talabaning shaxsiyatini o'rganish, rivojlantirish va tarbiyalash amalga oshiriladi.

Didaktik o'yinlarni tuzishda har bir darsni muayyan bo'laklarga ajratib, o'zlashtirilishi shart bo'lgan tushuncha va ko'nikmalarni belgilab chiqish, so'ngra dars bosqichlariga tegishli o'yinni oldindan rejalashtirib qo'yish va u darsning umumiy yo'nalishiga uyg'unlashib ketishi kerak. Shundagina o'yinlar bolalarning grafik savodxonligiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

O'yin faoliyatning bir turi bo'lib, ijtimoiy tajribalarni o'zlashtirish va bunyod etishga, o'z xatti-harakatlarini takomillashtirishga qaratilgan bo'ladi. O'yinlarning maqsadi, vazifasi va qo'llanilishi har xil va rang-barangdir. O'yin ijtimoiy tajribalarni o'zlashtirish va qayta yaratishga yo'nalgan vaziyatlarda, faoliyat turi sifatida belgilanadi va unda shaxsning o'z xulqini boshqarishi shakllanadi va

takomillashadi. D.N.Uznadzening ta'rificha, o'yin shaxsga xos bo'lgan ichki psixik (ruhiy) xulqi shaklidir. L.S.Vigodskiy o'yinni bolaning ichki ijtimoiy dunyosi, ijtimoiy buyurtmalarni o'zlashtirish vositasi sifatida ta'riflaydi. A.N.Leontev o'yinga shaxsning xayolotdagi amalga oshirib bo'lmaydigan qiziqishlari (manfaatlari)ni xayolan amalga oshirishdagi erkinligi sifatida qaraydi. Amerikalik faylasuf, psixolog va pedagog Jon Dyui 1885 yil Chikago shahrida amaliy mashg'ulotlar asosiy xususiyatlari hisoblangan "faoliyat orqali o'qitish" konsepsiyasiga asoslangan eksperimental maktabga asos soldi. Bu tizimning asosiy tamoyillari quyidagilardir:

- o'quvchilar qiziqishini e'tiborga olish;
- faoliyat orqali o'qish (fikir va harakat ta'limi);
- bilish va bilim – qiyinchiliklarini yengish natijasida;
- erkin ijodiy ish va hamkorlik.

Shu asnoda muallif o'quvchini qiziqishi, harakati, erkin ijodiy ish bajarish orqali dars mashg'ulotlarini o'zlashtirishlari mumkinligini e'tiborga olgan.

Bu borada grafika fanlaridan professorlar E.Ro'ziyev, T.Rixsiyoyev, universitet fahriy professori I.Rahmonov, dotsentlar M.Sh.Isayeva, A.Abdurahmonov, A.Ashirboyev, katta o'qituvchilar L.A.Kuzina, Z.Mirzaliyev va boshqalar ko'pgina izlanishlar olib borganlar. Lekin birinchilardan bo'lib dotsent I.Rahmonov muallifligidagi "Chizmachilikdan didaktik o'yinlar" nomli kitobida ta'lim jarayonida foydalanishga mo'ljallangan didaktik o'yinlarni keltirib o'tgan. Bu kitob hanuzgacha o'z qimmatini yo'qotmagan va pedagogika ta'lim muassasalarida tadbiq qilinib kelinmoqda.

Chizmachilik bu texnologiya (texnika) tilidir. Qadimgi yunonlar "techné" so'zini odamlarning mahorati va mahoratini tasvirlash uchun ishlatishgan, bugungi kunda bu tushuncha inson ijodiy faoliyatining butun bir sohasiga aylandi. Zamonaviy texnologiyani o'zlashtirish uchun grafik tasvirlar yordamida fikrlarni to'g'ri va aniq ifodalash va aksincha, boshqa odamlarning chizmalarini tushunish kerak [2:192].

Bunday bilim, ko'nikma va malakalarni egallashning yo'llaridan biri «Chizma geometriya va muhandislik grafikasi» fanini o'rganishdir. Ushbu fan bo'yicha grafik bilim va ko'nikmalarni shakllantirish natijalarini tekshirish o'quv jarayonining majburiy tarkibiy qismidir. Chizma geometriya va muhandislik grafikasi fanini mavzuning o'zi buyum yoki detallarning nafaqat fazoviy qurishni, fazoviy tasavvurni, balki katta e'tiborni, aniqlikni ham talab qiladi. Talabaning faoliyatini yaxshilash, uning psixologik xolatini yaxshilash maqsadida chizma geometriya va muhandislik grafikasi darslariga o'yin daqiqalarini kiritish tavsiya etiladi. O'yin nafaqat talabani psixologik xolatini yaxshilash usuli, balki ular uchun atrofdagi dunyoni bilishning asosiy usullaridan biridir.

Ma'lumki o'yinda talaba aqliy faoliyatdan zavqlanadi, o'yin intizomiga rioya qilishni o'rganadi, musobaqalarda qatnashish tajribasini oladi. Bu esa uning kognitiv qiziqishini rivojlantirishning muhim shartidir. O'yinlar, oson, oddiy hamda soddaligiga qaramay, muammoli vaziyatlarni yaratish uchun zamin bo'lib xizmat qiladi. Faol izlanish, taxminlar, mulohaza yuritish, ularni saralash, to'g'ri qaror qabul qilish va boshqalar talabani jamoa bilan ishlashga, o'z fikrini ayta olishga, yakkalanib qolmaslikka olib keladi. O'qituvchi esa bu o'yinlarni loyihalashda yoki ularni tashkil etishda qo'yiladigan pedagogik talablarni

yodda tutish zarur. O'yin ijobiy his-tuyg'ularni uyg'otishi, raqobatbardosh bo'lishi, o'yin maqsadiga erishish mumkin bo'lishi, talabalarning yosh xususiyatlarini ham hisobga olish kerak. O'yin boshqa sinov ishiga aylanmasligi uchun uni hissiy "intriga" bilan birga olib borish kerak, masalan o'yin targ'ibot-tashviqot, ijodiy qidiruv vazifalari va boshqalar.

Dars samaradorligini oshirishda tarbiyaviy ishning zamonaviy shakllaridan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Ilgari chizma geometriya va muhandislik grafikasi darslarida didaktik o'yinlardan foydalanilgan. Ammo hozirda o'tmishning eng yaxshi an'analarini saqlab, zamon bilan hamnafas bo'ladigan o'yinlarning yangi shakllarini topish muhim. Shunday qilib, hozirgi vaqtda televizorda ko'plab mashhur va qiziqarli dastur-o'yinlar mavjud bo'lib, ularning g'oyalari asosida rasm yoki chizma chizishda ham, darsdan tashqari mashg'ulotlarda ham qo'llanilishi mumkin. Ushbu maqsadlarda nafaqat o'yinlar, balki kompyuter o'yinlarining elementlarini ham moslashtirilishi mumkin. Bunday o'xshatishlar, albatta talabalarda qiziqish uyg'otadi.



Ko'pgina didaktik o'yinlar, ko'ngilochar vazifalar va nostandart mashqlar chizma chizish kursini o'rganish jarayonida talabalarning bilim faolligini oshirishga qaratilgan. Odatda, didaktik o'yinlar darsda 5 daqiqadan ko'p bo'lmagan vaqtni oladi va ular boshida o'tilgan mavzuni takrorlash uchun yoki oxirida yangi materialni mustahkamlash uchun o'tkaziladi. Ammo didaktik o'yinlarni darsning o'rtasida talabalarning diqqatini faollashtirish uchun ishlatish mumkin. Didaktik o'yinlar bir qator belgilarga ko'ra tasniflanadi:

- *vaqt (o'yin davomiyligi);*
- *tashkiliy shakllar (individual, guruh, jamoa);*
- *o'yin aksessuarlarining mavjudligi (kartalar, geometrik jismlar, o'yin maydoni, chiplar va boshqalar);*
- *fan sohasi (qaysi mavzu asosida vazifalar tanlangan);*
- *pedagogik jarayonning tabiati (mantiqiy, o'quv, intellektual, ko'ngilochar va boshqalar).*

Ushbu maqolada taklif etilgan didaktik o'yinlar barcha sanab o'tilgan talablarga javob beradi, shu jumladan ular "Chizma geometriya va muhandislik grafikasi" dasturi asosida tuzilganligi, didaktik, rivojlantiruvchi va tarbiyaviy vazifalarni hal qiladigan nazorat o'yinlarini o'z ichiga oladi. Quyida, eng qiziqarli va istiqbolli sifatida quyidagi didaktik o'yinlar ko'rib chiqamiz. Ko'rinishlarni chizish, loto o'yini, auktsion o'yini va b..


Ko'rinishlarni chizish. Kuzatishlarga ko'ra, bu o'yin davomida talabalar ko'plab chizma ishlarini bajarishda to'xtashadi (turli hisob-kitoblarga ko'ra, bu dars vaqtining o'rtacha to'rtinchi qismini oladi), ular chizmani o'qishni mashq qilishni davom ettiradilar.

Ushbu didaktik o'yindan, masalan, "Modelning yaqqol tasviri bo'yicha uchta ko'rinishini bajarish" mavzusini o'rganishda foydalanish mumkin. Bunda talabaga modelning yaqqol tasviri beriladi, o'yin shartiga ko'ra berilgan modelning uchta va oltita ko'rinishi bajariladi. Lekin shu bilan birga ushbu o'yinni tatbiq qilishdan avval mavzu doirasida keng ma'lumotlar berishi kerak.




Shu bilan birga modelning aksonometrik proyeksiyasi ham bajariladi. Bunday o'yinning soddalashtirilgan shaklda o'tkazishi mumkin. Bu talabalarni fanga qiziqtiradi va ular chizma chizish darslarini intizlik bilan kutishadi. Shu bilan birga ularidan yaxshigina fazoviy tasavvur talab qiladi.

Lotto o'yini. Bu o'yin taniqli bolalar o'yini bilan bir xil tarzda o'ynaladi, unda taxmin qilingan modellarning ko'rinishlari yaqqol tasvirlarning chizmalari bilan almashtiriladi. Bunday holda, o'yin ishtirokchisi yaqqol tasvir asosida modelni uchta ko'rinishini bajaradi, mos ravishda keyingi bosqichda modelning uchta ko'rinishi asosida yaqqol tasvirini bajaradilar, Ushbu loto butun guruh talabalari o'ynashi uchun qulay va shu bilan birga talabalar o'yinga qiziqish bilan qatnashadilar. Chizma geometriya va muhandislik grafikasi darslarida talabalar yoki talabalardan iborat jamoalar o'rtasida darsdan tashqari musobaqa sifatida o'tkazish mumkin. Loto chizmasiga misol:



Modelni yaqqol tasviri asosida uning uchta ko'rinishini bajarish



Modelni uchta ko'rinishi asosida uning yaqqol tasvirini bajarish

Auktsion o'yini. Bu o'yin o'zi uchun gapiradi. O'ynaladigan narsa o'rniga, o'yin ishtirokchisi boshqa chizilgan savolni so'raydi va buning uchun to'langan pul miqdori o'rniga ko'tarilgan qo'ldagi o'yinchilardan javob olinadi. To'g'ri javob uchun ball beriladi. Agar hech kim to'g'ri javobni aytmasa, auktsion bolg'asini 3 marta urishdan keyin savol o'chiriladi. O'yin oxirida eng ko'p ball olgan talaba g'alaba qozonadi.

Auktsioni uchun savollar namunalarini:

- *Chizmachilik darslarida kerakli chizma asboblari sanab bering;*
- *Grafik tasvir turlarini ayting;*
- *Aksonometrik proyeksiya turlarini ayting;*
- *Eskiz va texnik rasm farqini ayting;*

➤ Yig'ish chizmasini tuzish yoki o'qish deganda nimani tushunasiz;

➤ Ajraluvchi va ajralmas birikmalarga ta'rif bering;

➤ Chizmachilik va texnik bilan bog'liq boshqa masalalar va ijodkorlik.

O'quv ishlarida turli xil o'yinlardan foydalangan holda shuni yodda tutish kerakki, har qanday o'yin, birinchi navbatda, darsning asosiy vazifasini (masalan, bilimlarni mustahkamlash) yoki darsdan tashqari mashg'ulotlarni (masalan, grafik vazifalarni bajarish va tekshirish kunlari) hal qilishga hissa qo'shishi kerak. Ta'lim jarayonida didaktik o'yinlardan tizimli va maqsadli foydalanish o'quv motivatsiyasini, demak, chizma geometriya va muhandislik grafikasi darslarida talabalarining olgan bilim sifatini

oshiradi, fanning xususiyatidan kelib chiqib fazoviy tasavvurni rivojlantiradi. O'yinlar darslarni yanada qiziqarli qiladi, talabalarni lug'atlar va mutaxassislikka oid maxsus adabiyotlarni o'rganishga o'rgatadi. Albatta, har xil o'yinlarning tarbiyaviy ahamiyatini oshirib yubormaslik kerak, chunki ular tizimli bilim, qobiliyat, ko'nikmalar manbai bo'la olmaydi va boshqa o'quv shakllari bilan birgalikda ishlatilishi kerak.

O'yin talaba hayotida katta ahamiyatga ega bo'lganligi sababli, nafaqat umumta'lim maktabining o'rta sinf o'quvchilari orasida, balki oliy ta'lim muassasalari talabalarining ham o'yinga bo'lgan ehtiyoji susaymaydi va shuning uchun o'quv jarayonida yoshni hisobga olgan holda didaktik o'yinlardan foydalanish tavsiya etiladi.

Adabiyotlar

1. Рахмонов И. Чизмачиликдан дидактик ўйинлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
2. Воротников И.А. Занимательное черчение. Пособие для учащихся. Изд. 3-е, доп. и перераб. -М.: «Просвещение», 1977. – С. 192.
3. Стефанцев С.Г. По двум заданным найти третью (дидактическая игра). // Школа и производство. 1988, № 2. – С.51-52.
4. Степакова В.В. и др. Карточки-задания по черчению: 7 кл.: Пособие для учителя. - М.: «Просвещение», 1999. –С. 160.
5. Халимов М. Фазовий тасаввурлаш ва мантикий фикрлаш қобилятини ўстиришининг тезкор усули. Республика Илмий амалий анжуман материаллари тўплами., – Т.: 2005.
6. Хасанбоев Ж. ва б. Педагогика назарияси (Дидактика). -Т.: Фан ва технологиялар. 2011.
7. Shah M.B; Rana B.C. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, -India: 2011.
8. Xalimov M. Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati. Myalim ham uzluksiz bilimdir. – Nukus: 2021, 3/2. 133-136- b.

РЕЗЮМЕ. Mazkur maqolada zamonaviy ta'lim jarayonida didaktik o'yinlardan foydalanib fazoviy tasavvurni rivojlantirish bo'yicha metodik tavsiyalar yoritilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье даны методические рекомендации по развитию пространственного воображения с помощью дидактических игр в современном образовании.

SUMMARY. The article provides guidelines for the development of spatial imagination with the help of didactic games in modern education.

TALABALAR JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

A.T.Xasanov – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

A.M.Azimov – kata o'qituvchi

Farg'ona davlat universiteti

Tayanch so'zlar: harakat tayyorgarligi, yuklamalar hajmi, jismoniy sifatlar, kasbiy-amaliy jismoniy tayyorgarlik, davlat ta'lim standartlari, testlar majmuasi, fakultativ mashg'ulotlar.

Ключевые слова: двигательная подготовленность, объем нагрузок, физические качества, профессионально-прикладная физическая подготовка, государственные образовательные стандарты, комплекс тестов, факультативные занятия.

Key words: motor fitness, volume of loads, physical qualities, professional and applied physical training, state educational standards, a set of tests, optional classes.

Hozirgi kunda vatanimizda aholini barcha qatlamlarini jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanishga jalb qilish maqsadida qator farmon va qarorlar chiqarildi. Bular jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchilar sonini oshirishga yo'naltirilgan bo'lib, “Mamlakatda yuksak madaniyatga ega bo'lgan har tomonlama yetuk hamda jismonan sog'lom insonni shakllantirish maqsadida aholining jismoniy tarbiya va sport sohasida malaka va bilimlarini o'rnatishga qaratilgan ustuvor yo'nalishlarni belgilash” asosiy vazifalardan biridir [1].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmonida jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanish hamda sog'lom turmush tarzi bo'yicha hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish orqali har bir fuqaroda kasallikka qarshi kuchli immun tizimi paydo bo'lishini ta'minlash zarurligi ta'kidlangan va barcha muassasalarda jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanish uchun zamonaviy moddiy texnika bazasini shakllantirish belgilangan. Unda, ayniqsa, yurish, yugurish bilan muntazam shug'ullanish zarurligi ko'rsatib o'tilgan [2].

Hozirgi vaqtda kasbiy mehnatning turli sohalarida bir necha ming kasblar, o'n minglab mutaxassisliklar mavjud. Ularning asosiy farqlari predmetning xususiyatlari, texnologiyalari va aniq mehnatning tashqi sharoitlari bilan belgilanadi va mehnat faoliyati spetsifikasi bilan ko'rinadi. Bularga harakatlar, operatsiyalar (jumladan, ta'sir qilishi

bo'yicha sensor va intellektual, informatsiyani qayta ishlash, qarorlar qabul qilish va mehnat predmetiga amaliy ta'sir qilish uchun harakat) kiradi. Bularning barchasiga kasbiy mehnatning u yoki bu turida mehnat qilayotgan odamlarning funksional imkoniyatlari, jismoniy va boshqa sifatlariga turlicha talablar qo'yiladi [3,4,5].

Universitetda tahsil oluvchi talabalarning harakat tayyorgarligini pedagogik tadqiq qilish natijalarini tahlil qila turib, ularning jismoniy tayyorgarliklari darajasi past ekanligi aniqlandi. Bu kasbiy-amaliy jismoniy tayyorgarlik bo'yicha dasturdagi materialning muvaffaqiyatli o'zlashtirilishiga ta'sir qiladi [6,7,8].

Pedagogik tajriba kasbiy-amaliy jismoniy tayyorgarlikka urg'u bergan holda jismoniy tarbiya o'quv jarayonini takomillashtirishni nazarda tutgan edi. Bunday tayyorgarlik talabalarga davlat standartlari dastur materialida ko'zda tutilgan jismoniy yuklamalar hajmini muvaffaqiyatli bajarish imkonini beradi.

Tajribani tashkil etish nazorat va tajriba guruhlarini ishtirokida qiyosiy pedagogik tadqiqotlar sxemasi bo'yicha amalga oshirildi. Bu erda tajriba guruhida mashg'ulotlar biz tomonimizdan maxsus ishlab chiqilgan dastur asosida o'tkazildi. Nazorat guruhida mashg'ulotlar umumiy qabul qilingan metodika bo'yicha o'tkazildi. Pedagogik tajriba Farg'ona davlat universitetida bir o'quv yili davomida o'tkazilib, tanlab olingan talabalar ishtirok etishdi.

Bu yerda olingan ma'lumotlar asosida talabalarning kasbiy-amaliy harakat tayyorgarligini yanada takomillashtirishga yo'naltirilgan metodik tavsiyalarni ishlab chiqish ko'zda tutilgan edi.

Talabalarning jismoniy tayyorgarliklarini baholash bo'yicha tanlab olingan testlar majmuasiga yigitlar uchun "Alpomish" va qizlar uchun "Barchinoy" sinov me'yorlaridan tanlab olindi.

Jismoniy tayyorgarlik testlari majmuasiga quyidagilar kiritildi: 100 m.ga yugurish, 3000 m., 2000m kross, turgan joyidan uzunlikka sakrash, granata uloqtirish, 6 min. davomida yugurish.

Barcha olingan tajriba ma'lumotlari matematik statistika metodi yordamida ishlab chiqildi va 1 - 4 - jadvallarda keltirildi.

Tezkorlik jismoniy sifati uchun yigitlarga mo'ljallangan 100 m.ga yugurish natijalari 1 kursda o'rtacha 15.9 sek.ni tashkil qilgan bo'lsa, 2 kursda 15.7 sek.ni, 3 kursda esa 16.2 sek.ni, 4 kursga borib esa o'rtacha 16.4 sek.ni tashkil qilgan.

Chidamlilik jismoniy sifati aniqlash uchun salomatlik me'yorlarida berilgan 3000 m.ga yugurish natijalari 1 kursda 13.80,00 sek.ni, 2 kursda 13.60,00 sek.ni, 3 kursda 13.80,00 sek.ni, 4 kursda esa 14.10,00 sek.ni tashkil qildi.

Harakat koordinatsiyasi uchun mo'ljallangan turgan joyidan uzunlikka sakrash testi natijalari 1 kursda 198.5 sm.ni, 2 kursda

204.4 sm.ni, 3 kursda 200.5 sm.ni, 4 kursda esa 200.4 sm.ni tashkil qildi.

Kuch jismoniy sifati aniqlash uchun belgilangan granata uloqtirish testi natijalari 1 kursda 31.2 m.ni, 2 kursda 33 m.ni, 3 kursda 34.4 m.ni, 4 kursda esa 34.8 m.ni tashkil qilganligini ko'rishimiz mumkin.

Tezkorlik, chidamlilik va kuch sifatlarini tekshirish maqsadida 6 daq. Davomida yurish-yugurish testi natijalari ham 1 kursda 1440 m.ni, 2 kursda 1420 m.ni, 3 kursda 1400 m.ni, 4 kursda esa 1440 m.ni tashkil qilib, "Alpomish" me'yorlariga solishtirganda natijalar pastligini kuzatishimiz mumkin.

Qizlar uchun belgilangan "Barchinoy" testi me'yorlari bilan natijalarni solishtirishda ham xuddi shu holat takrorlandi.

Jadvallarda berilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, tajribadan oldingi barcha ko'rsatkichlar bo'yicha 4 kursgacha natijalarni pasayish tendensiyasi kuzatilgan. Bunga sabab hozirgi kunda nomutaxassis yo'nalishlar talabalari uchun faqat 1 kursda 1 semestr davomida jismoniy tarbiya va sport fanini o'qitilishini yetarli emasligida deb aytishimiz mumkin.

1-jadval. Talabalar jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlarining "Alpomish" testi me'yoriy talablari bilan qiyosiy tavsifi (yigitlar) (eksperimentdan keyin)

№	Ko'rsatkichlar	«Alpomish»		I bosqich (n=25)			II bosqich (n=25)			III bosqich (n=25)			IV bosqich (n=25)		
		sinov	nishon	natija		v (%)	natija		v (%)	natija		v (%)	natija		v (%)
				$\bar{x}$	σ		$\bar{x}$	σ		$\bar{x}$	σ		$\bar{x}$	σ	
1.	100 m.ga yugurish, sek.	14,0	13,5	13,8	0,2	1,4	13,7	0,35	2,5	13,8	0,33	2,4	13,9	0,53	3,8
2.	3000 m.ga kross, min.	12.20,0	12.00,0	12.30,00	0,3	2,5	12.52,00	0,4	3,2	12.50,00	0,33	3,1	12.72,00	0,34	2,6
3.	Turgan joyidan uzunlikka sakrash, sm.	220	240	229	7,74	3,4	230,8	5,8	2,5	232,7	6,8	2,9	234,4	6,1	2,6
4.	Granata uloqtirish, m. 700 g	36	40	41,3	2,45	5,9	40,4	3,5	8,8	41,7	2,5	5,9	41,2	2,7	6,7
5.	6 daq. davomida yurish-yugurish	1500	1600	1590	60,3	3,8	1570	39,4	2,5	1580	50,3	3,2	1580	68,9	4,3

2-jadval. Talabalar jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlarining "Barchinoy" testi me'yoriy talablari bilan qiyosiy tavsifi (qizlar) (eksperimentdan keyin)

№	Ko'rsatkichlar	«Barchinoy»		I bosqich (n=25)			II bosqich (n=25)			III bosqich (n=25)			IV bosqich (n=25)		
		sinov	nishon	natija		v (%)	natija		v (%)	natija		v (%)	natija		v (%)
				$\bar{x}$	σ		$\bar{x}$	σ		$\bar{x}$	σ		$\bar{x}$	σ	
1.	100 m.ga yugurish, sek.	17,5	17	16,9	0,3	1,8	17,08	0,2	1,2	17,2	0,37	2,1	17,1	0,35	2,1
2.	2000 m.ga kross, min. daq. soniya	13.30,0	12.30,0	12.49,00	0,34	2,8	12.47,00	0,4	3,22	12.30,00	0,25	2,08	12.40,00	0,36	2,9
3.	Turgan joyidan uzunlikka sakrash, sm.	160	180	176,3	9,5	5,4	179,2	4,4	2,5	180	3,9	2,2	181	3,2	1,8
4.	Granata uloqtirish, m. 500 g	18	22	20,7	1,9	9,1	20,8	2,04	9,8	21,8	2,1	9,7	22,3	1,7	7,5
5.	6 daq. davomida yurish-yugurish, m	1250	1350	1350,2	13,9	1,03	1330,3	24,7	1,8	1337,6	35,5	2,6	1342,2	17,5	1,3

Biz o'zimiz tomonimizdan taklif qilingan 4 yillik o'qish yillari davomida 4 soatlik jismoniy tarbiyadan fakultativ mashg'ulotlarni o'tkazish va har semestrda ushbu fan bo'yicha sinov me'yorlarini topshirilishini tajribada tekshirdik. Bu jarayonda vrach - pedagogik nazorati ham yo'lga qo'yildi. Mashg'ulotlarni 2 soati majburiy o'qituvchi tomonidan beriladigan turli mashqlar asosida, qolgan ikki soati esa talabalarning qiziqishlari bo'yicha tanlangan sport turidan mashg'ulotlar o'tkazish asosida tashkil qilindi.

Tajriba guruhlariga 25 nafardan jismoniy tayyorgarligi bir xil bo'lgan talabalar tanlab olindi va ular yuqorida berilgan testlar asosida tekshirildi.

Tajribalar oxirida olingan natijalar ko'rsatdiki, biz tomonimizdan taklif qilingan jismoniy tarbiya dasturining joriy

qilinishi samarali ekanligi isbotlandi (natijalar 2 va 4 - jadvallarda berilgan).

Jismoniy tayyorgarlik testlari majmuasiga kiritilgan 100 m.ga yugurish, 3000 m., 2000m kross, turgan joyidan uzunlikka sakrash, granata uloqtirish, 6 min. davomida yugurish sinovlari bo'yicha ko'rsatkichlar sezilarli darajada yaxshilandi.

Buni yigitlar misolida ko'radigan bo'lsak, 100 m.ga yugurish natijalari 1 kursda o'rtacha 13.8 sek.ni tashkil qilgan bo'lsa, 2 kursda 13.7 sek.ni, 3 kursda esa 13.8 sek.ni, 4 kursga borib esa o'rtacha 13.8 sek.ni tashkil qilgan.

3000 m.ga yugurish natijalari 1 kursda 12.30,00 sek.ni, 2 kursda 12.52,00 sek.ni, 3 kursda 12.50,00 sek.ni, 4 kursda esa 12.72,00 sek.ni tashkil qildi.

Harakat koordinatsiyasi uchun mo'ljallangan turgan joyidan uzunlikka sakrash testi natijalari 1 kursda 229 sm.ni, 2 kursda 230.8 sm.ni, 3 kursda 232.7 sm.ni, 4 kursda esa 234.4 sm.ni tashkil qildi.

Kuch jismoniy sifatini aniqlash uchun belgilangan granata uloqtirish testi natijalari 1 kursda 41.3 m.ni, 2 kursda 40.4 m.ni, 3 kursda 41.7 m.ni, 4 kursda esa 41.2 m.ni tashkil qilganligini ko'rishimiz mumkin.

Tezkorlik, chidamlilik va kuch sifatlarini tekshirish maqsadida 6 daq. Davomida yurish-yugurish testi natijalari ham 1 kursda 1590 m.ni, 2 kursda 1570 m.ni, 3 kursda 1580 m.ni, 4 kursda esa 1580 m.ni tashkil qilib, "Alpomish" me'yorlariga solishtirganda natijalar pastligini kuzatishimiz mumkin.

Tajriba oxirida barcha tajriba guruhlarida talabalarida chidamlilik, kuch, tezkorlik ko'rsatkichlarining ancha oshganligi

aniqlandi, bu universitet yo'nalishlarida tahsil oluvchi talabalarning chidamlilik, kuch, tezkorlik tayyorgarligiga butun o'quv jarayoni davomida e'tibor qaratish zarurligini ko'rsatadi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, talabalarda o'zining jismoniy tayyorgarligi uchun shug'ullanishga bo'lgan qiziqishlari o'ta yuqori. Talabalarning orasida mustaqil ravishda muntazam shug'ullanuvchilar ham mavjud, lekin ular ozchilikni tashkil qiladi. Bu yerda bir narsani aytib o'tish kerakki, universitet sport klubining faoliyatini ham talab darajasiga olib chiqish lozim. Chunki sport klubining universitetda doimiy nomutaxassis talabalar uchun jismoniy tarbiya va sport sohasidagi bilimlarini oshirish, ularda sog'lom turmush tarzini shakllantirish bo'yicha olib borilayotgan ishlar ko'lamini kengaytirish, talabalarni an'anaviy sport musobaqalariga muntazam jalb qilish choralarini ko'rishi va ularni hisobotini yuritishi maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5924-sonli Farmoni. Toshkent sh. 2020 yil 24 yanvar
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6099-sonli Farmoni. –Toshkent: 2020 yil 30 oktyabr.
3. Хасанов А.Т. (2017). Физическая культура и спорт как важный аспект в формировании личности. Молодой ученый, (11), 527-529.
4. Хасанов А.Т., Юсупов Т.Т., Алломов Э.И. (2020). Подготовка специалистов факультета военного образования к профессионально-инновационной деятельности. European Journal of Humanities and Social Sciences, (1), 108-113.
5. Hasanov A. (2022). Primary school students training movement games in physical education classes: primary school students training movement games in physical education classes. Физическое воспитание, спорт и здоровье, 2(2).
6. Хасанов А.Т. (2018). Экспериментальное обоснование акцентированных занятий по физическому воспитанию студентов факультета "Допризывное военное образование". In Педагогика сегодня: проблемы и решения (pp. 59-61).
7. Ханкельдиев Ш.Х., Хасанов А.Т. Оценка физического статуса учащейся молодежи методом канонического анализа. Андрущишин ИФ-доктор педагогических наук, профессор (Казахстан), 35.
8. Ikhonjonovich I.I., Tolanovich Y.T., Baxodirovna H.B. (2021). Physical Education In The Structure Of Professional Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(03), 226-229.

REZYUME. Maqolada talabalarning kasbiy-amaliy harakat tayyorgarligini yanada takomillashtirishga yo'naltirilgan metodik tavsiyalarni ishlab chiqish maqsadida kasbiy-amaliy jismoniy tayyorgarlikka urg'u bergan holda jismoniy tarbiya o'quv jarayonini takomillashtirishni nazarda tutgan pedagogik tajriba natijalari va ularning tahlili bayon qilingan.

РЕЗЮМЕ. В статье представлены результаты педагогического эксперимента и их анализ с целью разработки методических рекомендаций, направленных на дальнейшее совершенствование профессионально-прикладной двигательной подготовки студентов, с акцентом на профессионально - прикладную физическую подготовку.

SUMMARY. The article presents the results of a pedagogical experiment and their analysis in order to develop methodological recommendations aimed at further improving the professionally applied motor training of students, with an emphasis on professionally applied physical training.

BASLAWISH BILIMLENDIRIW SABAQLIQLARI TEKSTLERININ INFORMACIYALIQ BAZASIN DUZIWI MASELELERI

B.Xojanov – oqitwshi

I.Ixlasov – oqitwshi

Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch so'zlar: axborotlar bazasi, semiotika, texnologiya, ma'lumotlar majmuasi.

Ключевые слова: база данных, семиотика, технология, комплекс сведений.

Key words: database, semiotics, technology, information complex.

Baslawish bilimlendiriw sabaqlıqları tekstleriniñ informaciyalıq bazasın dúziw máseleleri boyınsha maǵlıwmat berer ekenbiz, bul maǵlıwmatlar bazasın dúziw sisteması - óz-ara baylanısqa maǵlıwmatlar kompleksi jáne bul maǵlıwmatlarǵa baylanıswǵa járdem beretuǵın biriktirilgen programmalar esaplanadı. Bul maǵlıwmatlar bazasın dúziw sistemasınıñ tiykarǵı maqseti - maǵlıwmatlar bazası maǵlıwmatların saqlaw hám maǵlıwmatlardan qolay hám nátiyjeli tárizde paydalanıwdı támiyinlew bolıp esaplanadı. Maǵlıwmatlar bazası sisteması úlken kólemdegi maǵlıwmatlardı basqarıw ushın dúzilgen. Álemdegi bárshe obektler, adamlar arasındaǵı hár qıylı qatnaslar, tábiyattaǵı qubılıslar insannıń seziw organları arqalı miyinde sáwlelenedi. Semiotika iliminde bunday túrdegi sáwleleniwlerdi belgileniwshi dep ataydı. Semiotika - bul belgiler haqqındaǵı ilim. Óz gezeginde adamzat ózine qolaylı bolǵan tańbalar arqalı olardı (bizlerdiñ jaǵdayımızda belgileniwshiler) belgileydi. Al, belgilengen obektler, adamlar arasındaǵı qatnaslar, tábiyattaǵı qubılıslar signallar arqalı átirapqa tarqaladı. Tarqatılıwshi signallar jazba yamasa ses arqalı ámelge asırılardı. Bunday signallar járdeminde oqıwshılardıń sózlik qorı qalıplesedi hám keńeyip baradı. Nátiyjede olarda jazıw hám óz-ara sóylesiw qalıplesedi. Bul kónlikpelerdiń dáslepki basqışı mektepke shekemgi hám baslawish tálimde aydınlasa baslaydı.

Baslawish tálimde ana tili pánin oqıtıwdıń tiykarǵı

wazıypası - oqıwshılardı durıs sóylep sawatlı jazıwǵa úyretiwden ibarat. Bul pánde jas óspirimlerdiń sózlik qorın keńeytiriw maqsetinde kórgizbeli qurallardan ónimli paydalanıladı. Eger bunday qurallardan paydalanılmasa, olardıń miyinde úyrenilip atırǵan obektler, hár qıylı qatnaslar yamasa tábiyattaǵı bolıp atırǵan qubılıslar sáwlelenbey qaladı. Bul óz gezeginde oqıwshılardıń pándi ózlestiriw múmkinshiliklerinen tolıq ayırılardı. Máselen: «Bayıwlını» jas óspirimler dáslep zooparkte, televizorda yamasa súwretin kórmese onda bayıwlını hárıp shıńjırlarınan dúzilgen signal oqıwshılardıǵa uzatılǵan waqıtta, hesh qanday mánige iye bolmaǵan ápiwayı akustikalıq signal sıpatında qabıl etiledi.

Bunday jaǵdayda oqıwshılar kelgen sózdiń mánisin túsınbey qalatuǵınlıǵın kóriw múmkin.

Matematikalıq, fizikalıq, ximiyalıq formulalar jasalma tiller qatarına kirse, al qaraqalpaq, qazaq, ózbek hám álemdegi bárshe tiller tábiyiy tiller qatarına kiredi.

Tariyxta bul tiller arqalı xalıqtı sawatlandırıw kitap baspaxanasınıń júzege keliwi menen ámelge asırılǵan. Al, házirgi dáwirde bul sawatlandırıwǵa kompyuterlestiriw texnikası aralasıp atır.

Ótken sekсенinshi jıllarındaǵı bildirilgen ilimiy boljawlarǵa 2040, 2050 - jıllar aralıqlarında jámiyet tolıq informaciyalıq dáwirge ótedi. Sol sebepli jazıwlar qaǵazda ruchka arqalı emes, bálki kompyuterler arqalı ámelge

asırılatusınlığı atap kórsetilgen.

Álbette, sekseninshe jıllarda bildirilgen bunday boljawlar, qanday da bir ilimiy-fantastikalıq pikirlerge uqsap ketetuǵın edi. Sol sebepli jámiyetshilik bul boljawlardı onsha tán almadı. Biraqta aradan jıgırma jıl óter ótpesten-aq jazıwların kómpyuter arqalı ámelge asatuǵınlığı haqqında boljawlar óz tastıǵın ala basladı.

Xalıq táliminde sawatlandırıwdıń ekinshi jolı bolǵan kómpyuterlik texnologiyalardı endire basladı. Nege degende házirgi zaman informaciya aǵımınıń hádden tis kóbeyip ketiw nátiyjesinde olardı sistemalaştırıw, qayta islew, operativ túrde adresatlarǵa jiberiw hám usıǵan zárúr bolǵan. Sol sebepli, kómpyuterlik texnikanıń jetiskenlikleri xalıq xojalıǵımızdın derlik hámme tarawına kirip úlgerdi [4:4].

Jańa ásirimizdın jaqın on jıllıǵı-sawatlandırıwdın kómpyuterlik usılına tolıq ótetuǵınlığı málim boldı. Bul óz gezeginde jıgırmaınshe ásir sawatlı adamları arasında payda bolatuǵın keskin ayırmashılıqlardıń júzege keliwin payda etip otır. Usınday ayırmashılıqlardıń aldın alıw maqsetinde xalıq tálimi sawatlandırıwdın ekinshi jolı yaǵnıy kómpyuterlik texnologiyalardı endire basladı.

Nátiyjede xalıq tálimi diziminde oqıtıwdın jańa pedagogikalıq texnologiyası júzege keledi. Álbette bul óz jolı menen bızın kúnimizge deyin kelip jetken nızamlı qubılıs. Al bul qubılısqa yaǵnıy jańa texnologiyanı dúziw hám onı turmısqa asırıw ushın kóp mıńlıq pedagog kadrlardan turatuǵın armıyanıń qatnasatuǵınlığı tábiyǵıy qubılıs. Sonlıqtan jańa texnologiyanıń jaratılıwında hám onıń turmısımızda paydalanıwdın dáslepki basqıshında hár qıylı bógetler hám qıyınshılıqlar, qarama-qarsılıqlardıń bolıwı sózsiz. Mine usı qarama-qarsılıqlar ishindegi, yaǵnıy jańa texnologiyanıń júzege keliwine irkinish jasıtuǵın faktorlardın biri - bul jıllar dawamında bir texnologiyaǵa úyrenisip qalıw nátiyjesinde hám jańa metodlardı qabıl etiwdi qálemeytuǵın, qalıplesip qalǵan eski steoretiplerden qutılıw qıyınshılıǵı bolıp tabıladı. Bul qıyınshılıqlardı, qarama-qarsılıqlardı jeńiw bizden bir qansha waqıt talap etedi.

Usıladı esapqa alǵan halda eski sovet dáwirinde jaratılǵan texnologiyalardıń gónerip qalǵanlıǵın hám onıń házirgi tálim sistemasınıń talaplarına juwap bermeytuǵınlığı haqqındaǵı uǵımdı qalıplestiriwimiz hám oǵan isendiriwimiz zárúr.

Sonlıqtanda zamanagóy oqıtıw texnologiyaları talaplarına say, jańa áwlad sabaqlıqların dúziw máseleleri házirgi dáwirinń aktual máseleleriniń biri bolıp, bunı baslawısh bilimlendiriw tarawına en jaydırıw máselesi úlken itibarǵa alınbaqta

Tariyxta hesh bir texnologiya, bir ásirde ekinshi ásirge kóship otırmaǵan. Hár qanday texnologiyanıń, ómir súriw dáwiri bar. Birewi on jıl, ekinshisi 20 jıl, ayırımlar 30-40 jıl ómir súrip, xalıqqa xızmet kórsetken. Biraq dáwirinń hám turmısımızdın talabına muwapıq tálim sistemasına degen talap kúsheyip otradı. Nátiyjede eski texnologiyanıń paydalanıw órisi tarayıp, áste aqırın talapqa juwap bermegenligi sebepli, saxnadan shıǵadı. Olay bolsa házirgi zaman bilimlendiriw sistemasına juwap beretuǵın pedagogikalıq texnologiyalardı jaratıwımız zárúr boladı.

Ádebiyatlar

1. Ayımbetov M.K. Baslawısh bilimlendiriw sabaqlıqlarınıń kómpyuterlik qorın dúziw máselesi haqqında «Bilimlendiriwdin aktual máseleleri haqqında». NMPI baspası. –Nókis: 2005, 6-8-b.
2. Ayımbetov M.K., Tajbenova. S. Baslawısh bilimlendiriw sabaqlıqların jetilistiriw máseleleri. Óz IAQB «XABARSHISI» jurnalı. –Nókis: 2004, № 34, 150-152-b.
3. Abdikarimov B. hám basqalar. Termonologiyalıq sózliklerdin kómpyuterlik qorı jáne onı paydalanıwdın keleshegi. «Qazaq tiliniń kómpyuterlik qorı». –Almatı: 1992. 9-12-b.
4. Andryushenko V.M. «Konceptiya i arxitektura mashinnogo fonda russkogo yazıka». -M.: «Nauka», 1989.
5. Yuldashev J.G. «Jáhán ádebiyatı» jurnalında basıp shıǵarılǵan «tálim hám talap, mashqalalar, tájiriye hám juwmaqları»-maqalası 1998.

REZYUME. Mazkur maqolada xalıq ta'limi tizimidagi o'qitish texnologiyalarini doimo yangilab borish va unga xos zamonaviy darsliklarni tayyorlab borishimiz zarur ekanligi to'g'risida bayon qilingan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье излагается необходимость подготовки современных учебников и регулярное обновление технологий обучения в системе народного образования.

SUMMARY. This paper outlines the need for regular updating of learning technologies and the preparation of modern textbooks that suit them at the system of Public Education.

Принцип системности формирования этнопедагогической компетентности тоже определяется системой этнопедагогических понятий, теорий, положений, устоявшейся последовательностью их изложения в пределах этнопедагогике, взаимосвязью с общепедагогической системой понятий; предполагает нацеленное и последовательное влияние на сознание студентов с целью формирования у них системы взглядов на традиционное воспитание у разных народов; то или иное педагогическое явление не рассматривается в отрыве от системы педагогических позиций определенного этноса; формирование этнопедагогической компетентности происходит через систему определенных педагогических воздействий, внешние и внутренние функции которой взаимосвязаны.

Профессиональная компетентность педагога содержит знания, основанные на развитом профессиональном мышлении и профессионального сознания. Этнопедагогическая компетентность проявляется в инициативности студента в изучении этнопедагогического материала, активности в решении проблемных ситуаций, отстаивании собственного мнения при рассмотрении дискуссионных вопросов, оперативности выполнения практических задач, творческого применения этнопедагогического материала на практике, во время педагогического общения и т.д. Такой ряд умений формируется у будущего специалиста при его вовлечении в различные виды деятельности (педагогического общения, совместного труда, игры, исследовательской деятельности и т.п.) [3].

Компетентный подход в образовании призван способствовать формированию личности, способной к самореализации. Ввиду таких тенденций следует отметить, что формирование у будущих учителей этнопедагогической компетентности должно направляться на реализацию требований принципа оптимального сочетания индивидуальных, групповых и коллективных форм организации учебного процесса.

Принципы формирования этнопедагогической компетентности учителя второй группы представлены следующими принципами: принцип ведущей роли социокультурного контекста обучения, принцип связи и форм обучения с национальной педагогической культурой, принцип рационального применения традиционных методов и средств обучения, принцип опоры на народное искусство.

Современный специалист в области образования не может пренебрегать богатым народным опытом воспитания и обучения детей. Анализ этнопедагогического материала позволит студенту грамотно оценивать степень традиционности современных педагогических теорий и систем, высококвалифицированно разрабатывать новые проекты и концепции, гибко включаться в различные культурные процессы, касающиеся этнопедагогике и т.д. Реализация требований этого принципа предполагает углубление знаний студентов по этикету, народным обычаям и традициям, их связи с настоящим.

По принципу связи содержания и форм обучения с национальной педагогической культурой, студенты углубленно овладевают культурным педагогическим достоянием. Значительное количество аудиторных часов, самостоятельной работы студентов в процессе формирования этнопедагогической компетентности будущего учителя посвящено знакомству с народным родоведением, традиционной системой воспитания, народной дидактикой, народной деонтологией. Викторины, конкурсы, праздники, другие формы обучения подчинены укреплению, расширению и углублению знаний студентов о педагогической культуре.

Реализация требований принципа рационального применения традиционных методов и средств обучения основывается не только на знаниях о народных методах и средствах обучения, применение которых во время лекционных, практических занятий, исследовательской работы позволит студентам почувствовать силу и возможные недостатки современного их понимания и применения [4].

Сложность структуры этнопедагогической компетентности, ее связанность с различными видами общей и педагогической культуры, связь этнопедагогике с этнологией, этнопсихологией, этногеографией, этноисторией, религиоведением, культурологией, этикой, эстетикой объемом часов, длительность процесса формирования этнопедагогической компетентности обуславливают необходимость реализации требований принципа междисциплинарной интеграции.

В современных условиях интенсификации технического развития общества особую значимость приобретает принцип информатизации учебного процесса. Как уже отмечалось, значительный объем учебного материала, соответствующего этнопедагогике, количество этнических культур, с которыми следует познакомиться будущим специалистам, постоянное развитие науки придают особую ценность информационным технологиям для успешного овладения студентами этнопедагогической компетентностью.

Выводы. Итак, педагогические принципы мы рассматриваем как систему исходных педагогических

требований, которые взаимосвязаны и взаимообусловлены. Руководствуясь строением этнопедагогической компетентности, принципы формирования этнопедагогической компетентности можно представить в трех группах: 1) принципы, связанные с компетентностной стороной этнопедагогической компетентности (принцип научности обучения этнопедагогике, принцип системности формирования этнопедагогической компетентности, принцип оптимального сочетания индивидуальных, групповых и коллективных форм организации учебного процесса; 2) принципы, определяемые культурологической стороной

этнопедагогической компетентности (принцип ведущей роли социокультурного контекста обучения; принцип связи содержания и форм обучения с национальной педагогической культурой, принцип рационального применения традиционных методов и средств обучения, принцип опоры на народное искусство); 3) принципы, соответствующие плоскости пересечения названных сторон (принцип междисциплинарной интеграции, принцип диалогичности в обучении, принцип дифференцированного подхода, принцип непрерывности профессионального роста, принцип информатизации учебного процесса).

Литература

1. Ахияров К.Ш. Народная педагогика и современная школа. – Уфа: 2000.
2. Харитонов М.Г. Этнопедагогическая подготовка учителя начальных классов национальной школы (историография, теория, опыт). – М.: 1999.
3. Арсалиев Ш.М. Этнопедагогические основы воспитания нравственности в поликультурном образовательном пространстве. – М.: 2015.
4. Кузнецова Е.В. Этнопедагогическая подготовка студентов педвуза. – Волгоград: 2010.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақола ўқитувчининг этнопедагогик компетенциясини шакллантиришнинг бир қатор тамойилларини белгилаш, шунингдек уларни гуруҳлаш бўйича таклифлар кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается определение ряда принципов формирования этнопедагогической компетентности учителя, а также предложения их группировки.

SUMMARY. This article discusses the definition of a number of principles for the formation of the teacher's ethnopedagogical competence, as well as proposals for their grouping.

UDK: 37.02. +378.1

FEATURES OF THE APPLICATION OF THE THEORY OF INVENTIVE PROBLEM SOLVING IN CREATIVE TECHNOLOGY IN HIGHER EDUCATION

K.Onarkulov – Doctor of physical and mathematical sciences, professor

Sh.Yakubova – Associate professor

F.Yusupova – researcher

Fergana State University

Tayanch soʻzlar: ijodiy masalalar, informatsion texnologiya, kreativ taʼlim, kreativ jarayon, talabalarning qobiliyatlari, talaba yoshlar, ijodkorlik.

Ключевые слова: студенческая молодежь, информационная технология, креативность, креативное обучение, процесс креативности, одаренность студентов, творчество.

Key words: student youth, information technology, creativity, creative learning, creativity process, student giftedness, creativity.

Solving problems is not an easy science: a lot of strength is needed to solve a complex, good problem. And especial effort is necessary to find an innovative, creative solution.

Separate universal principles of many outstanding inventors required to be combined into a theory general enough to make it accessible and working for practitioners. One of these theories is the theory of inventive problem solving.

The theory of inventive problem solving is a scientific and practical direction for the development and application of effective methods for solving creative problems, generating new ideas and solutions in science and other areas of human activity. The development of the theory of solving inventive problems was started in 1946 by G.S. Altshuller and continues to the present (Fig.1).



Fig.1. Creative space and new technologies.

As you know, the methodology of subject education is based on a system of such consistently performed interactions as: the goal of education - the content of education - methodological teaching aids. At the same time, setting a new goal: teaching and educating creative students requires making adjustments to the content of education and teaching methods. There is a need to identify such psychological and pedagogical conditions that would also become a prerequisite for the full manifestation and development of the creative qualities of students. The development of students' creative abilities in non-standard conditions is an urgent problem for modern researchers [1, 2].

Creativity is the level of creative endowment, the ability to be creative, which is a relatively stable characteristic of a person. Creative learning contributes to the formation of a productive and creative orientation of the individual and is the main core of its social orientation in life. At the same time, the development of creativity in a student makes it possible to form the basis for his professional creativity and improve the creative potential of a young specialist, as well as contribute to his successful self-actualization in the social sphere.

One of the promising ways to develop the creative abilities of students of technical specialties is to solve inventive problems. As creative tasks, we consider non-standard tasks, with a partially algorithmic way of solving. Using the algorithm for solving inventive problems, they find the ideal end result for a given problem, identify technical and physical contradictions and eliminate them using special principles.



Fig. 2. Algorithm for solving inventive problems.

An algorithm for solving inventive problems is a complex algorithmic program based on the laws of development of technical systems and designed to analyze and solve inventive problems (Fig. 2)

It should be noted that small creative tasks, puzzle tasks, as well as tasks with an unknown algorithm were not used in the learning process, since they do not have the gnostic function necessary for studying technical disciplines. At the same time, the formulation of the problem, the parameters of the processes must be as close as possible to real, production conditions [3, 4].

The solution of a creative task is a system of actions based on creative thinking, which has an inherent mechanism of probability, chance, and therefore does not always lead to the intended goal. However, delays, returns to the starting position are normal attributes of educational creative activity that must be predicted, prepared for and overcome in advance. Modeling of educational creative activity should lead students to understand the significance of the task, motivate and mobilize them to obtain a positive result. Such activity not only forms the creative independence of students, but also strengthens their will and promotes self-organization. The solution of a creative task is associated with the mobilization of all the creative resources of students, and ultimately contributes to the development of their intellect.

The process of development of creativity is a long-term, continuous process, the most important stage of which is the period of education. It is also obvious that modern mass education is not yet able to provide conditions for the realization of the creativity of the individual in the process of education and upbringing. The habitual reproductive educational model continues to transmit knowledge, form reproductive skills and control their mastery. Of course, as a result, we get a certain percentage of creative students, in whose fate we happily agreed.

In teaching professional creativity, a special place is occupied by the theory of inventive problem solving. The theory of solving inventive problems is a scientific and practical direction, but the development and application of effective methods for solving creative problems, generating new ideas and solutions in science, technology and other areas of human activity (Fig. 3).



Fig.3. Theory of inventive problem solving.

The purpose of the technology of technical creativity is to train students in creative activity, to acquaint them with the techniques of creative imagination, to teach them how to solve inventive problems.

The main theoretical position of the theory of inventive problem solving is the assertion that technical systems develop according to objective, cognizable laws, which are revealed by studying large arrays of scientific and technical information and the history of technology. These laws can be used to improve existing systems and develop new ones.

The purpose of the technology of technical creativity is to train students in creative activity, to acquaint them with the techniques of creative imagination, to teach them how to solve inventive problems. Among the main features of the theory of inventive problem solving, the following can be noted. Using the laws of development of systems, on the basis of which the laws of development of technical systems and the methodology for their forecasting were developed. Identification and resolution of contradictions that arise during the development of systems. Of all the known heuristic methods, only in the theory of inventive problem solving, methods for searching, sharpening and resolving contradictions at different system levels have been formulated, techniques have been developed for resolving contradictions, a system of typical strong solutions.

Systematization of various types of psychological inertia and the use of methods to overcome it. Development of a systemic style of thinking and the use of special system operators.

A method of searching for resources - real, energy, information, etc., which allow solving a creative problem, making minimal changes to the system and ensuring easy implementation of the solution.

Structuring information about the problem situation, the use of special graphic methods. Special information and methodological support: methods of analysis and problem solving, graphical methods and diagrams, tables and indicators of the application of effects and phenomena [2, 3].

Another important condition for the development of students' creative abilities is to increase motivation. Encouragement of students to independent creative activity is always based on emotional and motivational principles. The success of solving the problem is largely determined by meaningful motivation.

Creatively thinking, creative specialists are already today considered on an equal footing with other important resources, such as finance, raw materials, and labor. In the conditions of the challenge of modernity - the highest competition and the global crisis, the task is to increase the competitiveness between countries for sales markets, and this requires improving quality, reducing costs and constantly improving production, and all these programs require a creative approach to their solution.

For the successful implementation of a creative education program, continuity among all parts of the educational system is very important: starting from preschool education, then close interaction between a general education school and, further, a higher educational institution, and for this all parts of the educational system need to be transformed and updated [5, 6].

The implementation of the concept of a creative system of continuous formation of creative thinking in the educational process of the university - the theory of inventive problem solving involves a significant breakdown of the traditional worldview of both students and faculty. At the same time, the training of teachers of a new formation, who own the methodology of professional creativity and the basics of computer support for thinking, is an integral part of the transformation of the educational process in a modern university.

References

1. Закирова Ф.М., Позилова Ш.Х. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. (Услубий қўлланма). – Тошкент: 2018.
2. Макарова Л.Н., Шаршов А.А. Технологии профессионально творческого саморазвития учащихся. -М.: ТП Сфера, 2005.
3. Bryndin E. Technological Thinking, Communication and Behavior of Androids. // Communications. 2018. Vol. 6, № 1.
4. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.

5. Якубова Ш., Юсупова Ф. Применение креативной инновационной технологии в высших учебных заведениях. «Вопросы инновационного развития науки, образования и техники» Международная научно – практическая онлайн конференция. - Андижон: 2022 йил 12 апрель.

6. Якубова Ш., Юсупова Ф. Применение АКТ и креативных технологий для студентов технических специальностей. Ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalar va zamonaviy usullarni joriy etishda ta'lim sifatini boshqarish myammolari mavzusidagi Xalqaro ilmiy – amaliy anjuman materiallari. -Qo'qon: 20.05.2022.

REZYUME. Maqolada ijodiy (kreativ) masalalarini yechish nazariyasining asosiy qoidalarini tahlil etilgan bo'lib, bu qoidalar ob'ektiv qonuniyatlar asosida rivojlanishi ko'rsatib berilgan, ulami texnologiyalar rivojlanishi tarixidagi ilmiy va texnik ma'lumotlarni o'rganish natijasida aniqlanishi ko'rsatib berilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье рассмотрены основные теоретические положения теории решения изобретательских задач являющиеся утверждением, что технические системы развиваются по объективным, познаваемым законам, которые выявляются путем изучения больших массивов научно-технической информации в истории техники.

SUMMARY. The article considers the main theoretical provisions of the theory of inventive problem solving, which is the statement that technical systems develop according to objective, cognizable laws, which are revealed by studying large amounts of scientific and technical information and the history of technology, non-standard tasks are considered as creative tasks, with partially algorithmic solution.

ХАРБИЙ АУДИТОРИЯГА ИНГЛИЗ ТИЛИДА SCHWA /ə/ ТОВУШНИИ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР ОРҚАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Н.Н.Раджабов – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

ЎР Жамоат хавфсизлиги университети

Таянч сўзлар: товуш, харф, Schwa товуши, нейтрал /ə/ унлиси, урғу, урғули бўғин, урғусиз бўғин.

Ключевые слова: звук, буква, звук Schwa, нейтральный /ə/ гласный, ударение, ударный слог, безударный слог.

Key words: sound, letter, Schwa sound, neutral / a / vowel, accent, accented syllable, unstressed syllable.

Кириш. Инглиз адабий тили вокализм тизими мураккаб характерга эга бўлиб, урғули ҳолатда 19 та фонемани, урғусиз ҳолатда 20 та фонемани ўз ичига олади. Унли фонемаларни урғули ва урғусиз ҳолатда сон жиҳатдан фарқланиши инглиз тили вокализм тизимини урғули вокализм ва урғусиз вокализм каби икки кичик тизимга ажратиб тадқиқ қилишни тақозо қилади. Инглиз тилида унлилар урғусиз ҳолатда *тўлиқ, ярим кучсиз* ва *кучсиз* тарзда воқеланади. Унлиларнинг сифат ва миқдор белгилари кескин камайиши туфайли бошқа товушга ўзгариши, шунингдек, кам ҳолларда ўзининг сифат ва миқдор белгиларини у ёки бу даражада сақлаб қолиши [2:47-58] каби ҳолатлар урғусиз унлилар талаффузида номуайян ифодани (utterance) юзага келтиради. Бу эса урғусиз унлилар талаффузини ўқитишда ўзига хос қийинчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Мазкур қийинчиликлар, асосан, “Schwa” термини деб аталадиган нейтрал /ə/ унлисини талаффузини ўқитишда юзага келади.

Асосий қисм. “Schwa” сўзи яхуди тилидан олинган бўлиб [5:32-68], тилшуносликда бу термин махсус фонемани англатувчи рамзий белги (символ) номи сифатида қўлланилади. Инглиз тилида Schwa термини фақат урғусиз ҳолатда учрайдиган нейтрал /ə/ фонемасини ифодалайди. Нейтрал /ə/ унлиси доимий кучсиз талаффуз қилинса-да, уни мукаммал ўзлаштириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бирдек муҳим аҳамият касб этади. Д.Жоунз [4:89], Г.П.Торсуев [3:103-104], А.А.Абдуазизов [1:1-14], Н.Н.Раджабов [2: 47-58] каби тилшунослар нейтрал /ə/ унлисини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб, унинг сўздаги ўрни ҳамда ёндош товушлар таъсири, шунингдек, сўз асосига қўшилган баъзи суффиксларда юзага келадиган вариант ва вариацияларини ўрганишган. Кетерин Морлей, Шерлий Хюстон, Жим Скрайвенер, Стасиа Леви кабилар эса Schwa /ə/ товушини замонавий ўқитиш усуллари борасида изланиб, ўзига хос усуллари тақлиф қилганлар. Жумладан, Кетерин Морлей нейтрал /ə/ ни ўқитишда “Тез диктант” (Fast dictation) усулидан фойдаланиш ғоясини илгари суради [7]. Унга кўра, ўқитувчи яқинда ўрганилган тил материалларидан ташкил топган тўрт ёки бешта гапни талабаларга одатдаги талаффуз тезлигида диктант қилади, ҳоҳловчи бир талаба мазкур гапларни доскага; қолган талабалар дафтарларига ёзиб олади. Ўқитувчи дастлаб талабаларни жуфт-жуфт бўлиб, ёзган гапларини муҳокама қилишини ва хатоларини тузатишни, сўнгра доскада ёзилган гапларни тўғри ёки нотўғри ифодалангани борасида фикр билдиришларини сурайди. Доскада ёзилган гаплар юзасидан талабалар

фикрини тинглагач, ўқитувчи уларнинг назаридан четда қолган хатоларни тузатади. Талабалар шу намуна асосида ўзлари ёзган гапларни яна бир қарра текшириб олишади. Шундан сўнг ўқитувчи доскадаги гапларни талаффуз меъёрлари асосида ўқийди ва талабалардан талаффузига кўра қайси сўзлар урғу олиши, қайси сўзлар урғу олмаслиги, қайси сўзларда ҳам урғули, ҳам урғусиз бўғинлар мавжудлиги, урғули ва урғусиз бўғинлар талаффузи қандай фарқ қилаётгани тўғрисида бир нечта саволлар сурайди. Талабалар берилган саволларга имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қилишади. Бу усул жараёнида саволларга берилган жавобларни ўқитувчи томонидан тузатилиши ёки тўлдирилиши, тўлдирилган жавобларни таҳлил қилиш ва уларнинг ҳар бирини мисоллар билан изоҳланиши орқали нейтрал /ə/ унлисининг талаффузи ўзлаштирилади.

Шерлий Хюстон нейтрал /ə/ унлиси ҳосил бўлишида нутқ органларининг деярли иштирок этмаслигини ҳисобга олиб, уни “Дангаса товуш” (“The Lazy Sound”) деб атайди ва мазкур унлини ўқитишнинг “Нейтрал товуш билан ўқиладиган ҳарфлари тушириб қолдирилган сўзларни тўлдириш” (Word completion, with space for schwa representation), шунингдек, “Сўзлардаги нейтрал /ə/ товуши билан ўқиладиган ҳарфларни тағизга чизили орқали Schwa унлисини аниқлаш” (Find the schwa – highlighting it in words) каби усуллари тавсия қилади [9].

Жим Скрайвенер нейтрал /ə/ унлисини ўқитиш усулларида бири сифатида “Schwa унлили сўзлардан ташкил топган матнлар” (“De-schwaed texts”) усулини тақлиф қилади [8]. Унга кўра, ўқитувчи олдиндан уч - тўрт қатордан иборат кичик матн тайёрлайди. Матндаги сўзларда Schwa унлиси билан ўқиладиган ҳарфлар тушириб қолдирилади ва уларнинг ўрни уч нукта ёки чизикча билан кўрсатилади. Дарс жараёнида ўқитувчи мазкур матн намуналарини талабаларга тарқатиб, матнни ўқиш баробарида улар нукталар ўрнини Schwa унлиси билан ўқиладиган тегишли ҳарфлар билан тўлдириши, шунингдек, Schwa товуши ёзувда қайси унли ҳарфлар билан ифодаланаётганини аниқлаши лозимлигини тушунтиради. Талабалар бу машқни бажариш асносида Schwa товуши ёзувда турли унли ҳарфлар билан ифодаланганини мумкин эканлигини ўзлаштириб олади.

Стасиа Левининг фикрича, Schwa товушининг талаффузи етарлича ўрганилмаса, оғзаки мулоқотда инглиз тилини, хусусан, америка инглиз тили вариантини тушунишнинг иложи йўқ. Шу нуктаи назардан Стасиа Леви инглиз тилида гапириш

кўникмасини оширишга қаратилган ҳар қандай дарснинг асосидан *Schwa* товуши ва унинг қўлланишини ўргатиш ўрин олиши лозимлигини таъкидлайди. Стасиа Леви нейтрал /ə/ унлисини ўқитишнинг *Schwa* товушини талабаларга қисқача тушунтириш, *Schwa* товушининг қўлланишига доир мисоллар бериш, *Schwa* товуши ва унинг талаффузини ўзлаштириш учун тез талаффуз қилинган нутқ намуналарини тинглаш, таркибида *Schwa* товуши бор ва оғзаки нутқда кўп учрайдиган “How are you doing?”, “How do you do?”, “Nice day today, isn’t it?”, “Do you want to go to lunch?” каби жумлаларни ўргатиш ҳамда мазкур жумлалар иштирокида талабаларга диалоглар туздириш ва уларнинг талаффузини машқ қилдириш, *Schwa* товушининг қўлланиши ва талаффузига асосий эътиборини қаратган ҳолда матинни овоз чиқариб ўқиш каби усулларини илгари суради [6].

Юқорида келтирилган усуллардан кўриниб турибдики, *Schwa* товуши нафақат талаффузи, балки ёзувда ифодаланишидаги ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан мазкур усуллар *Schwa* товушининг талаффузини унинг ёзувдаги ифодаси билан уйғун ҳолда ўқитишга йўналтирилган. Албатта, бу усуллардан фойдаланиш *Schwa* унлисини самарали ўқитишда яқиндан ёрдам беради. Бирок, қайд этилган усуллар асосида *Schwa* унлисини ўқитиш учун бу унлининг ўзига алоҳида дарс соатлари ажратишга тўғри келади. Олий ҳарбий ўқув юртларида эса чет тили фан дастурларига мувофиқ тил материалларини (Pronunciation, Vocabulary, Grammar) ўқитиш учун алоҳида соат кўзда тутилмаган. Мазкур ўқув юртларида чет тил материалларини (Pronunciation, Vocabulary, Grammar) ўқитиш тил кўникмалари (Reading, Writing, Listening, Speaking) билан уйғун ҳолда амалга оширилади. Бу эса ҳар бир Олий ҳарбий ўқув юрти чет тили, хусусан, инглиз тили ўқитувчисидан юқорида келтирилган усулларни мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан биз ҳам мазкур усулларнинг илғор ютуғи – *Schwa* товушининг талаффузини унинг ёзувдаги ифодаси билан бирга ўзлаштириш – ғоясини назарда тутган ҳолда *Schwa Spelling and Pronunciation* (*Schwa* унлисининг ёзилиши ва талаффузи) усулини ишлаб чиқдик ва уни дарс жараёнида қўллаб, самарали натижаларга эришдик. Бу усулга кўра, ўқитувчи инглиз тилидаги *Schwa* товуши талаффузи ва унинг ёзувдаги ифодасини ҳар бир дарсга мўлжалланган янги сўзлар асосида курсантларни қуйидаги савол-жавоблардан фойдаланиб мулоқот қилишга йўналтириш орқали ўқитади:

1-Жадвал. Савол-жавоб намуналари

	Саволлар (Questions)	Жавоблар (Answers)
1	Can you spell this word ...?	Yes, I can. This word is spelt as...
2	How is this word pronounced?	This word is pronounced as...
3	Can you identify the stressed and unstressed syllables of this word?	Yes, I can. The ... syllable is stressed and the ... syllable(s) is (are) unstressed.
4	Is there Schwa in this word?	Yes, there is Schwa in this word. The ... syllable...

Адабиётлар

1. Абдуазизов А.А. О безударном вокализме английского языка. // Вопросы филологии. Вып.17, Сборник №1 ТГПИИЯ. – Т.: 1969. – С. 1-14.
2. Раджабов Н.Н. Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм системасининг фонологик жиҳатдан чоғиштирама тадқиқи: филол. фан. 6-ча фалсафа д-ри дисс. – Тошкент: 2018. 170-б.
3. Торсуев Г.П. Фонетика английского языка. -М.: Изд-во лит-ры на иностр. языках, 1950. –С. 332.
4. Jones D. An Outline of English Phonetics. 9th ed. – Cambridge: Heffer, 1960. –P. 378.
5. Kelly G. How to teach Pronunciation. 8th Impress. – Malaysia: 2006. –P.164.
6. Levy S. The “Schwa” Sound and Common Phrases: You can’t speak American English without knowing The schwa sound/<https://busyteacher.org/22817-the-schwa-sound-phrases.html>

		ble(s) contains (contain) it (them).
5	What letter is the Schwa expressed with in this word?	The Schwa is expressed with the letter ... in this word.
6	Do you know the meaning of this word?	Yes, this word means ...

Мазкур савол-жавоб намунасини дарсда қўллаш учун ўқитувчи савол-жавоб намунасининг иккитадан нусхасини кўпайтиради ва олдиндан мавзуга оид янги сўзларнинг ҳар бирини ўқилиши (транскрипцияси) билан бирга алоҳида таркатма материал сифатида тайёрлайди. Дарс жараёнида курсантларни икки кичик гуруҳга ажратиб, ҳар бир кичик гуруҳга биттадан савол-жавоб намунаси нусхасини ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига биттадан янги сўзларни таркатма материал сифатида таркатади. Савол-жавоб намунаси ҳамда тегишли янги сўзларнинг ўқилиши ва маъноси билан танишиш учун курсантларга уларнинг инглиз тилини билиш даражасидан келиб чиққан ҳолда уч дақиқадан ўн дақиқачага вақт берилади. Сўнгра ўқитувчи курсантларга навбат билан биринчи гуруҳ аъзоси иккинчи гуруҳнинг исталган аъзосини танлаши ва қўлидаги янги сўзни кўрсатган ҳолда савол намунасидаги саволларни бирма-бир сўрашини, жавоб бераётган курсант жавоб намунасидаги гапларнинг муносибини қўллаган ҳолда мулоқотга киришиши лозимлигини, биринчи жуфтликнинг мулоқоти тугагач, иккинчи гуруҳдан бир вакил биринчи гуруҳнинг исталган аъзосини танлаши ва худди биринчи жуфтлик сингари мулоқотга киришишини тушунтиради. Бу жараён ҳар икки гуруҳнинг охириги аъзолари мулоқотга киришгунига қадар давом этади. Ўқитувчи ҳар бир жуфтликнинг йўл қўйган камчилигини қайд этиб боради ва машқ сўнгида ҳар бир хато ёки камчиликлар юзасидан тегишли тушунча ва тавсиялар беради. Бу усулнинг аҳамиятли томони шундаки, уни ҳар гал дарсда қўлласа ҳам у ўзининг мазмун-моҳиятини йўқотмайди, яъни курсантларда “эски усул” сифатида зерикish уйғотмайди. Чунки бу усулнинг мақсади ўз ичига нафақат *Schwa* товуши талаффузи ва унинг ёзувдаги ифодасини ўқитишни, балки мавзуга оид янги сўзларни ҳам ўзлаштириш ва мустаҳкамлашни олади. Бу эса мазкур усулнинг ҳар дарсда ўзгача киёфада янгиланиб боришини тақозо қилади.

Хулоса. қилиб айтганда, Олий ҳарбий таълим муассасаларида инглиз тилидаги *Schwa* унлисини ўқитиш ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу ҳолат дарс жараёнларида *Schwa* унлисини ўқитишнинг замонавий усулларини тўғридан-тўғри қўллашни эмас, балки мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг ўзига хос усулини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан, *Schwa* унлисини *Schwa Spelling and Pronunciation* (*Schwa* унлисининг ёзилиши ва талаффузи) усули орқали ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур усул курсантларнинг *Schwa* унлиси талаффузини ва унинг ёзувдаги ифодасини, шунингдек, ҳар дарсга оид янги сўзларни самарали ўзлаштиришларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, ҳарбий аудиторияга *Schwa* унлисини *Schwa Spelling and Pronunciation* (*Schwa* унлисининг ёзилиши ва талаффузи) усулини қўллаган ҳолда ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

7. Morley C. Teaching the Schwa. British Council, Mexico // <https://www.teachingenglish.org.uk/article/teaching-schwa>

8. Scrivener J. Skills: teaching phonics: schwa/ <http://www.onestopenglish.com/methodology/teaching-tips/skills-work/skills-teaching-phonics-schwa/146619.article>

9. Shirley H. What is a Schwa and How to Teach It. – Australia, 2017 // <https://www.phonicshero.com/schwa/>

РЕЗЮМЕ. Мақола ҳарбий аудиторияга инглиз тилида Schwa /ə/ товушини замонавий усуллар орқали ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган. Унда Schwa /ə/ товушини ўқитишнинг бир неча замонавий усуллари ўрганилган ва уларни ҳарбий аудиторияда қўллашда ҳисобга олиниши лозим бўлган жиҳатлар очиқ берилган. Шунингдек, мақолада ҳарбий аудиторияга инглиз тилида Schwa /ə/ товушини ўқитишнинг ўзига хос усули ишлаб чиқилган. Бу усул “Schwa Spelling and Pronunciation” (Schwa унлисининг ёзилиши ва талаффузи) деб номланиб, унинг қай йўсинда қўлланилиши ва афзалликлари изоҳланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена анализу особенностей преподавания гласной Schwa /ə/ в английском языке для курсантов высших военных учебных заведений, используя современные методы. Автор исследует несколько современных методов обучения звуку Schwa /ə/ и раскрывает их аспекты, которые необходимо учитывать при использовании их обучении курсантов. В статье также разрабатывается особый способ преподавания гласной Schwa /ə/ в английском языке. Предложенный метод называется «Schwa Spelling and Pronunciation» (написание и произношение гласной Schwa), его применение и преимущества подробно описаны.

SUMMARY. The article is devoted to the analysis of the peculiarities of teaching English Schwa /ə/ to the military audience by modern methods. It explores several modern methods of teaching the Schwa /ə/ sound and reveals their aspects that need to be considered when using them in the military audience. The article also develops a special way of teaching English Schwa /ə/ to the military audience. The suggested method is called “Schwa Spelling and Pronunciation” and its application and advantages are explained in detail.

MADANIYAT VA SAN’AT SOHASIDA KREATIV TADBIRKORLIK FANI NAZARIYASI VA AMALIYOTINING SHAKLLANISHI

B.Sh.Salaydinov – katta o‘qituvchi

S.A.Gerasimov nomidagi Butunrossiya davlat kinematografiya universiteti (VGIK) Toshkent shahar filiali

A.N.Qolqanatov – magistrant

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti

Tayanch so‘zlar: tadbirkorlik, kreativlik, iqtisod, san’at, menejment, faoliyat, biznes, madaniyat, imkoniyat, fan, nazariya.

Ключевые слова: предпринимательство, творчество, экономика, искусство, менеджмент, деятельность, бизнес, культура, возможности, наука, теория.

Key words: entrepreneurship, creativity, economics, art, management, activity, business, culture, opportunity, science, theory.

Ijodiy ishlab chiqarish sohasida mutaxassislarni tadbirkorlik bilan shug‘ullanishga o‘rgatib, soha iqtisodini xususiyashtirish orqali ijobiy rivojlanish ham Yangi O‘zbekistonning yangi strategiyasidir. Ayniqsa mazkur islohotlarning ta’lim va tarbiya jaroyani bilan uzviy qorishib borayotgani yaxshi samara bermoqda. Avvalo, hozirgi islohotlarning amaliy natijadorligini oshirish, joylarda yangi tashabbuslarni ilgari surishda aholimizning xususan, yoshlarni yanada faol, tashabbuskor bo‘lishga da’vat etishimiz lozim. “Ayni, paytda islohatchi bo‘lib maydonga chiqadigan, strategik fikr yuritadigan, bilim va malakali yangi avlod kadrlarni tarbiyalashimiz zarur”[1:23].

Albatta, Yangi O‘zbekistonda xalq boy bo‘lsa, davlat ham qudratli bo‘ladi tamoyili shakllandi. Bizning otabobolarimiz ham tadbirkorlikni kasbu-kor etib nafaqat Markaziy Osiyo balkim dunyo iqtisodi rivojiga katta hissa qo‘shganlar. Islomning asosiy manbayi – “Qur’oni Karim”dir. Uning har bir oyati bandalarni poklikka, iymonga chorlaydi. Uning 293 oyati bevosita iqtisodiy tafakkurga bag‘ishlangan. “Qur’oni Karim” insonlarni halol mehnat qilishga, tejamlil bo‘lishga, mehru shavqatga, halollikka undaydi. Shuningdek, u insonlarni barcha moddiy ne’matlardan, resurslardan (erdan) unumli foydalanishga chorlagan. “Qur’oni Karim”da har qanday iqtisodiy hisoblangan mulkchilik ham alohida e’tibor berilgan. Islomda mulk tushunchasi, uning mohiyati odamlar qo‘lidagi boylik – bu Ollohning boyligi, odamlar esa faqat uning yerdagi boshqaruvchilari ekanligini tan olishdan iborat. Oldingi asrlarda yashab o‘tgan buyuk allomalarmizdan Imom Malik bin Anasa, Imom Ismoil al Buxoriy, Imom Muslim bin-Al Hajjoj, Imom Abu Davud-Abu Iso Termiziyning qoldirgan buyuk ilmiy meroslarda ham tadbirkorlikni barcha javhalarda rivojlantirish borasida qimmatbaho g‘oyalar ilgari surilgan[2,6]. Xususan, 3 ming yillik tarixga ega Zardushtiylik ta’limotining asosi bo‘lmish “Avesto”da, musulmon olamining allomalari ta’limotlari, jumladan “Naqshbandiya”, “Yassaviya”, “Kubroviya” ta’limotlarida mujassamlashgan. Ayniqsa, “Naqshbandiya”ning “Dil ba yoru, dast ba kor”, ya’ni “Diling Allohda, qo‘ling mehnatda bo‘lsin”, degan ta’limot asoschisi Xoja Bahouddin Naqshbandiy kimxobga naqsh bog‘lashda tadbirkorlik mahoratini namoyish etib, halol mehnat bilan yashash zarurligini ibrat qilib ko‘rsatgan.

Ayrim manbalar uning mato to‘qiydigan do‘konlari borligiga ham ishora qiladi. Ko‘rinib turibdiki, Bahouddin Naqshband mashhur G‘arb iqtisodchi olimi xususan, Vilyam Pettidan 400 yil muqaddam mehnat insonlarning yashash manbayi ekanligini chuqur anglagan va amalda o‘z faoliyati doirasida isbot etgan [3:8].

Hozirga kelib madaniyat va san’at sohasi mutaxassislari oldida kreativ tadbirkorlikning nazariy asoslarini yaratish va takomillashtirish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Ya’ni shaxsning erkin rivojlanishida intellektual salohiyatini, hayotiy tajriba, kasbiy ko‘nikmalariga, tashkilotchilik omillariga ham bog‘liq bo‘ladi. Chunonchi, Yangi O‘zbekiston tadbirkorlikning zamonaviy integratsiyasi negizida katta muvaffaqiyatlar amalga oshirmoqda. Bizga iqtisodiy integratsiya kerak! Bu borada mulqot va raqobatga tayyor bo‘lish uchun esa nafaqat rahbarlar, balki tadbirkor va ishbilarmonlar, barcha bo‘g‘indagi menejerlar o‘z ustida tinimsiz ishlashi shart [4: 42]. Madaniyat va san’at sohasining rivojlanishida kreativ tadbirkorlik yangicha soha, ilm va integratsiya hisoblanadi. Zamon bilan teng iqtisodiy bozor munosabatlariga javob berishda kreativ (ijodiy) tadbirkorlikning mohiyati juda katta nazariy va amaliy ahamiyatga ega.

Shu nuqtaiy nazardan biz kreativ tadbirkorlikning formatiyasiga qisqacha to‘qalib o‘tamiz. Ijodiy tadbirkorlik – bu biznesdagi nisbatan yangi tushuncha. Tor ma’noda ijodiy tadbirkorlik deganda madaniy va ijodiy sohalarida faoliyat yuritadigan korxonalar tushuniladi. Ushbu sohalar turli mamlakatlarda turli xil ta’riflarga ega, ammo asosiysi, ijodiy tadbirkorlik madaniy ijodga asoslangan va intellektual mulkdan foydalanadigan sohalarini o‘z ichiga oladi. Ijodiy tadbirkorlik dizayn va moda, arxitektura, audiovizual sektor (ijodiy ishlab chiqarish, radio eshittirish), nashriyot, ommaviy axborot vositalari, tasviriy san’at, musiqa san’ati, madaniy meros (muzeylar, kutubxonalar, arxivlar), reklama va kompyuter o‘yinlari (o‘yinlar, ilovalar)ni o‘z ichiga oladi. Kengroq kontekstda ijodiy tadbirkorlik madaniy ijodkorlik boshqa sohalar bilan bog‘liq holda o‘zaro manfaatli bo‘lgan ijodiy sohalar tutashdagi faoliyatni ham o‘z ichiga oladi. Masalan, madaniy turizm – madaniyat va ijodkorlik har doim sayyohlarning biron bir mamlakatga tashrif buyurishi uchun sabab bo‘ladi, biroq u boshqa bir qator sanoat

tarmoqlariga (turar joy, logistika, ovqatlanish va boshqalar) iqtisodiy ta'sir ko'rsatadi. Ijodiy tadbirkorlik odatdagi biznesdan nimasi bilan farq qiladi, nega yangi kontseptsiyalarni kiritish kerak edi? Ijodiy tadbirkorlik turli ko'nikmalar va turli xil ish uslublarini talab qiladi. Bunday tadbirkorlikning asosini intellektual kapital tashkil etadi. Muammo shundaki, bunday intellektual kapitalning haqiqiy qiymatini baholash uchun hali yaxshi modellari ishlab chiqilmagan. Bu esa investorlarni izlashni va moliyalashtirishni juda qiyinlashtiradi. Iste'dod va madaniy ijodkorlik bunday biznes muvaffaqiyatining kaliti. Madaniy va ijodiy sohalarining jahon YAIMga qo'shgan hissasi 4,5% ni tashkil etadi. Mutaxassislar ushbu ko'rsatkichga nisbatan yillik o'sishni 10% tashkil etishini taxmin qilishmoqda. Bu ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarining rivojlanish sur'atlaridan tezroq hisoblanadi. Bunday statistik ma'lumotlardan so'ng, madaniyat va ijodkorlik alohida masala ekanligi ayon bo'ladi. Ular pul, iqtisodiyot va biznesga hissa qo'shish bilan bog'liq. Kichik va o'rta biznesning iqtisodiyotdagi tutgan roli o'rniga baho berishda, eng avvalo, iqtisodiy taraqqiyot uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan miqdoriy ko'rsatkichlarga asosiy e'tiborni qaratish lozim. Bunday ko'rsatkichlar jumlasiga kichik va o'rta biznesning yalpi ichki mahsulot, jami ish bilan band bo'lganlar, kapital qo'yilmalar, eksport va boshqalardagi ulushini kiritish mumkin [5:15].

Tadbirkorlik – foyda olish uchun biznesni rivojlantirishga tayyorlik va uni tizimli ravishda boshqarish qobiliyati ega. Tobora ko'proq aralash modellar paydo bo'lishini ta'kidlash muhim. Masalan, muzeylar davlat tomonidan qisman mablag' oladi. Shu bilan birga, muzeining o'zida kafe, esdalik sovg'alari do'koni mavjud, u yerda xususiy tadbirlar o'tkaziladi – bularning barchasi tashkilotga qo'shimcha foyda keltiradigan usullardir. Ushbu mablag'lar operatsion faoliyatni qoplash, shuningdek qo'shimcha loyihalarni amalga oshirish uchun sarflanadi. Ha, bu ham ijodiy tadbirkorlikning namunasidir.

Hozirga vaqtda kreativ tadbirkorlik dunyo miqyosida ommalashib boryapti. Shuning uchun ham endi yuqori g'oyaga ega tadbirkorlarga talab va ehtiyoj paydo bo'lmoqda. Bu bo'yicha OTMda talabalarni tadbirkorlikka o'qitish ehtiyoji nihoyatda katta ahamiyatga ega. Chunki, hozirgi rivojlanish davrida faqat bitta yo'nalish emas, qo'shimcha ish o'rganish, tadbirkorlik bilan shug'ullanish zarur. Bunda ta'lim tizimidagi ustozlarning mehnati yuksak samara beradi. Sh.Mirziyoyevning: "Yana bir bor ta'kidlayman: men Yangi O'zbekistonni – obod va faravon, demokratik mamlakatni, Uchunchi Renessansni barpo etishda pedagoglar, professor-o'qituvchilar, ijodkor ziyolilarni eng katta kuch, tayanch va suyanch, deb bilaman" – deya ishonch bildirishi O'zDSMI professor-o'qituvchilarga katta motivatsiya va madad bo'ldi. Bu jarayonlarni jadallashtirishda nodavlat va notijorat tashkilotlar bilan hamkorliklar vo'lega qo'yildi. 2018-yilda Britaniya Kengashining O'zbekistondagi vakolatxonasi ko'magi bilan O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti hamda London Goldsmiths Universiteti o'rtasida hamkorlik aloqalari o'rnatildi. Ushbu hamkorlik doirasida institutning "Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish va boshqarish" kafedrasida mas'ul professor-o'qituvchilari tomonidan "Creative Spark: Oliy ta'limda tadbirkorlikka o'qitish" loyihasi amalga oshirilmogda. Mazkur loyiha O'zbekistonda iqtisodiyot, madaniyat va san'at, ta'lim sohasidagi amalga oshirilgan keng ko'lamli milliy islohotlarga javoban, kreativ sektorni qo'llab-quvvatlash va ishbilarmonlik bilimiga bo'lgan ehtivoini qondirish va vangi ish o'rinlarini yaratish uchun amaliyotga tadbiiq qilingan. O'zDSMI "Creative spark" xalqaro loyihasi doirasida 2021-yilda katta amaliy ishlar amalga oshirildi. Institut professor-o'qituvchilardan Salavdinov B. Yuldasheva M. Dushmanmedov O. mazkur xalqaro loyihani amalga oshirishda ilmiy-amaliy izlanishlar olib

bordi va katta ilmiy tashabbus ko'rsatdi. Endilikda madaniyat va san'at sohasida kreativ tadbirkorlik fani nazariyasi va amaliyotini shakllantirish maqsadida bir qancha ilmiy-tashkiliy ishlar amalga oshirildi. 2020-yilning 29-fevral kuni O'zbekistondagi Britaniya Kengashining "Creativ Spark – Oliy ta'lim dasturi" xalqaro loyihasi doirasida "Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish va boshqarish" kafedrasida tomonidan "Madaniyat va san'at sohasida kreativ tadbirkorlik faoliyatiga o'qitishning dolzarb masalalari" mavzusidagi ilmiy-amaliy seminar. 2020-yilning 31-oktyabr kuni O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi va Britaniya Kengashining O'zbekistondagi vakolatxonasi bilan hamkorlikda "O'zbekistonda madaniyat va san'at sohasini rivojlantirishda kreativ tadbirkorlikning o'rnini" mavzusida ilmiy-amaliy onlayn seminarlari o'tkazilib. O'zbekiston Respublikasi va O'raqalpog'iston Respublikasida ham san'at va madaniyat sohasida kreativ tadbirkorlik fani bo'yicha dastlabki ko'nikmalar shakllantirila boshladi. 2020-yilning 28-noyabr kuni "Madaniyat va san'at sohasida kreativ tadbirkorlikni rivojlantirishning dolzarb masalalari" mavzusida ilmiy-amaliy onlayn vebinar o'tkazildi.

2021-yil 13-yanvar kuni institutda "Madaniyat va san'at menejmenti fanlarini o'qitishning dolzarb muammolari" mavzusida seminar, 2021-yil 12, 26-fevral kunlari oralig'ida "Xotin-qizlarning kreativ ta'lim va kreativ sohalaridagi imkoniyatlari" mavzusidagi vebinarlar o'tkazildi. O'zbekistonda gender tengligini rivojlantirish maqsadida 2021-yil 12-mart kuni "O'zbekistonda xotin-qizlarning kreativ ta'lim va kreativ tadbirkorlikda imkoniyatlarini kengaytirish" mavzusidagi ilmiy-amaliy vebinar, 2021-yilning 7-may kuni "Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish va boshqarish" kafedrasida. London Goldsmiths Universiteti va Britaniya Kengashining O'zbekistondagi vakolatxonasi bilan hamkorlikda mazkur sohaning nazariy asoslarini mustahkamlash maqsadida "Ijodiy tadbirkorlikni shakllantirishning pedagogik omillari" mavzusida ilmiy-amaliy onlayn vebinar tashkil qilindi. Professor-o'qituvchilar tomonidan ilgari surilgan nazariy va amaliy ahamiyatga ega metodlar madaniyat va san'at sohasida kreativ tadbirkorlik fanining fundamental asosini yaratish uchun muvofiq qo'yildi. 2021-yilning 21-may kuni yuqorida qayd etilgan tashkilotlar bilan "Intellektual mulk va mualliflik huquqlarini himoya qilishning muhim jihatlari" mavzusida online ochiq interfaol dars o'tkazildi. Mazkur jarayonlarda talabalarning qiziqisha va ishtirokin ta'minlash maqsadida 2021-yil mart-may oylarida "Creative Spark - Big Idea Challenge 2021" xalqaro tanlovi doirasida professor-o'qituvchilar Salaydinov B. va Dushmanmedov O tomonidan tanlov tashkil etildi. O'zDSMI talabalari, magistrantlari va yosh o'qituvchilariga institut rasmiy telegram kanalida https://t.me/dsmi_uz "Creative Spark – Big Idea Challenge 2021" xalqaro tanlovi e'lon qilindi. Mazkur tanlovga o'z kreativ biznes g'oyasiga ega bo'lgan 50 dan ortiq institut talabalari ishtirok etdi. BIC tanloviga sayt orqali 25 kishi registratsiyadan o'tdi. Talabalardan 8 ta loyiha kelib tushgan bo'lsa eng muvafqal 3 ta loyiha tanlab olingan hamda xalqaro tanlovda ishtirok etish uchun creativespark-bigidea.uk saytiga joylashtirildi. Bu kabi ilmiy-amaliy ishlarni tashkil etishdan avval institutning bir guruh professor-o'qituvchilari ya'ni, 2020-yil 4-yanvar kuni "Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish va boshqarish" kafedrasida dotsenti M.Yuldasheva, katta o'qituvchisi B.Salaydinov, o'qituvchi O.Dushmanmedov, institutning Nukus filiali o'qituvchilaridan G.Saparbayerova, A.Begjanova hamda Farg'ona mintaqaviy filialidan R.Turg'unbayev London shahridagi Goldsmiths Universitetida tashkil etilgan amaliy treninga borib tajriba almashib qaytidilar. Treningning asosiy maqsadi O'zDSMI rektori filologiya fanlari doktori, professor Ibrohim Yo'ldoshevning tashabbusi bilan o'quv rejaiga kiritilgan

“Madaniyat va san’at sohasida kreativ tadbirkorlik” modulini Londonning Goldsmiths Universiteti professor-o’qituvchilari bilan hamkorlikda ishlab chiqishdan iborat edi. Treningda professorlar Sean Prime, Adrian de la Court mashg’ulotlar olib bordi. Hamkorlikda yaratiladigan modul avvalo institutning barcha yo’nalishlarida tahsil olayotgan talabalar uchun ishlab chiqilishi va Goldsmiths universiteti huzuridagi Kreativlik va madaniy tadbirkorlik instituti direktori Jerald Lidstoun ham mashg’ulot o’tdi. Trening ishtirokchilari London South bank Universitetida tashkil etilgan yoshlar tadbirkorlik markazining faoliyatini tahlil qildi. Maqsad O’zbekiston va Angliya o’rtasida ta’lim sohasida hamkorlik o’rnatish, yoshlar orasida kreativ madaniy tadbirkorlikni targ’ib qilish, sohada yangi bilim va ko’nikmalarni egallashdan iborat. Shu bilan birga mazkur mashg’ulotlarda modulning madsadi, vazifasi, talabalar bilimi, malaka va ko’nikmalariga qo’yiladigan talablar, modulning asosiy ma’ruza va amaliy mashg’ulotlar mavzularini ishlab chiqish kerak edi. Uzoq ilmiy izlanishlarning negizida “Madaniyat va san’at sohasida kreativ tadbirkorlik” fanidan professor-o’qituvchilar: dotsent M.Yuldasheva, o’qituvchilar B.Salaydinov,

Havas va hasad hissini tadqiqotchilar tomonidan turlicha tasniflangan. Odamlarda hasadning tug'ma (genetik) va orttirilgan (ijtimoiy o'rganish) turlari mavjud. Genetik nazariyaga ko'ra, hasad bizga evolyutsiya jarayonida avlodlarimizdan o'tgan genetik dasturdir. Bu nazariya tarafdorlarining fikricha, qadim zamonda o'zlarining qabiladoshlariga havas qilganlar o'zlarini takomillashtirish uchun ko'proq stimulg ega bo'lganlar va ulara yashab qolish va o'z avlodlariga "havas" genlarini o'tkazish imkoniyatiga ega bo'lganlar. Lekin bu nazariya konstruktiv oq havasni tavsiflaydi. Ijtimoiy o'rganish nazariyasi esa insonning ijtimoiy hayot jarayonida havas qilishi haqidagi fikrning tarafdorlari ko'pchilikni tashkil etadi. Masalan, E.Rega havasni tug'ma xususiyat emas, balki ijtimoiylashuv jarayonida egallangan, ijtimoiy o'zaro ta'sirlar natijasida vujudga keladigan xususiyat sifatida tavsiflagan [2]. Bu nazariyaga ko'ra hasadda hech qanday tug'ma layoqat yo'q. Ota-onalar tarbiyaviy maqsadda ularning fikricha, muvaffaqiyatliroq boshqa bola bilan o'z farzandlarini ovoz chiqarib solishtira boshlaydilar. Masalan, ular o'z farzandiga: "Qo'shni bola senga qaraganda aqlliyoq", deyishlari bilan farzandlarida bilib-bilmay hasad hissini shakllantiradilar.

Falsafiy yondashuvlarda hasad destruktiv va konstruktiv deb ikki turga ajratilgan. Destruktiv hasad buzishga yo'naltirilgan, agressiv impulslardan iborat bo'lsa, konstruktiv hasad shaxsning o'z-o'zini rivojlantirishga qaratilgandir. U hasad qilinuvchi bilan halol raqobatlashishga istakning paydo bo'lishi bilan tavsiflangan, shaxs o'zini rivojlantirishga undagan.

Hasad va havas muammosi qadimdan faylasuflarni qiziqitgan. Aristotel o'sha davrlardan hasadga "rangli gammani" kiritgan, ya'ni uni oq va qora ranglar bilan ajratgan. Birinchi turda quyidagi xohish ustunlik qiladi: "Men siz egallab turgan barcha narsalarni yo'qotishingizni xohlagan bo'lar edim". Bu klassik, destruktiv hasadga misol bo'la oladi. Ikkinchi vaziyatda urg'u boshqacharoq bo'yiladi: "Men ham siz egallab turgan narsaga ega bo'lishni xohlayman". Axir bu misol raqobatli havasning ko'rinishi bo'lib qolmoqda. Bunday havas oxir oqibatda buyuk biznes-loyihalarni harakatlantiruvchi kuchga aylanadi va sog'lom raqobat muhitining asosi bo'lib xizmat qiladi.

Rus psixologiyasida "hasad - hissiyot" (o'zganing muvaffaqiyatini uzoq vaqt ko'ra olmaslik) va "hasad - emotsiya" (hasadning qisqa va vaziyatli ifodalanishi) turlari ajratilgan.

P.Slovey, Dj.Rodin hasadni uch turga bo'lgan: 1) anglangan hasad, bunda subyekt atrofda qilarg nishbatan o'zining quyi holatini baholaydi va anglaydi; 2) anglanmagan hasad – bunda ongsiz himoya mexanizmlari, komplekslar va arxetiplar sifatida namoyon bo'ladi; 3) yashirin hasad – bunda inson o'zgalarning unga nisbatan hasadi bor deb o'ylaydi; [4].

Hasad va hasadgo'ylikni keltirib chiqaruvchi omillar tadqiqotchilarni har doim qiziqitirib kelgan. M.I.Rozenova hasad va hasadgo'ylikni keltirib chiqaruvchi omillarni

shaxs xarakteristikasi bilan bog'laydi. Muallif quyidagi omillarni ajratib ko'rsatgan [3]:

- Nol-omil – konstitutsional asos. Hasad geni mavjudligi haqida ma'lumotlar mavjud emas. Lekin inson genlarini to'liq izohlash mumkin bo'lmaganligi tufayli, bu omilning mavjud emasligini inkor etib bo'lmaydi;

- Birlamchi omil – chaqaloq hayotining dastlabki oylari va kunlarida unga kim g'amho'rlik qilgan bo'lsa (onasi va boshqalar), u bilan o'zaro ta'sir natijasida olingan tajriba;

- Ikkinchi omil – bola tajribasining kengayishi tufayli sodir bo'ladi. Bolaning predmetli dunyo va insonlar dunyosi bilan faol o'zaro ta'siridan boshlanadi. Bu tajribalarga: deprivatsiyaning paydo bo'lishi (masalan, xohlagan o'yinchog'ini olib bermaslik yoki tortib olish), yaqqol raqobat tajribasi (masalan, kattalarning e'tibori, maqtashi, xayrixohligi), o'yin sharoitidagi musobaqalashish (masalan, kim birinchi, kim tez va hakoza), egalik qilish uchun kurash (masalan, o'yinchoq yoki qandaydir narsalar);

- Uchlamchi omil – inson rivojlanadigan ijtimoiy muhitda kuzatiladi. Ushbu omil ota-ona shaxsi va o'zga insonlar bilan o'zaro ta'sir tajribasini kuzatish va unga taqlid qilishda namoyon bo'ladi.

Havas va hasad determinantlari tuzilishida, shaxsning ijtimoiylashuvi jarayonida ichki sharoitlar ham rol o'ynaydi. Ularga:

1. Shaxsning ontogenetik taraqqiyot darajasi. Hasad ontogeneza bola tengdoshlari bilan ijtimoiy munosabatlarini va bu munosabatlarda o'z o'rnini adekvat baholay olishiga vaziyatli reaksiya sifatida namoyon bo'ladi.

2. Inson turli tartibdagi psixologik xususiyatlarining murakkab shakli. Bunda shaxsning shakllanishida individual psixologiyadan ijtimoiy psixologik (qadriyatlar, ustanovkalar, ijtimoiy tasavvurlar, shaxsning e'tiqodi), ya'ni barqaror intergal tuzilmaga aylangan psixologik xislatlar hasad shakllanishi uchun qulay sharoit yaratishi mumkin. Lekin shuni ta'kidlash joizki, ushbu strukturaning alohida tarkibiy qismlari hasadni vujudga keltirmaydi, balki ular orasidagi murakkab o'zaro munosabat sabab bo'ladi.

Havas va hasadning inson hayotidagi funksiyalari turlichadir. T.V.Beskova ushbu fenomenning quyidagi funksiyalarini keltirib o'tgan [1]:

1. Ta'kidlovchi (aniqllovchi) – havas vositasida shaxsiy intilishlar, havas predmeti muhimligi va qadriligi aniqlanadi. T.V.Beskova ushbu funksiyani havas tuzilishida kognitiv va refleksiv tarkibiy qismlarning mavjudligi bilan bog'laydi.

2. Himoyalovchi funksiya – ushbu funksiya yordamida insonning ijtimoiy mavqei va o'ziga-o'zi beradigan bahosi himoyalanaadi. M.Silver, Dj. Sabini ushbu funksiyani ajratgan bo'lib, bunda tanqid va agressiya shaklidagi hasad reaksiyasi o'zini-o'zi baholashni saqlashga yo'naltirilgan [5].

Asosiy qism. Havas va hasad doim o'z obyekti va predmetiga ega. Shaxs kimgadir hasad qilsa, bu hasad obyekti hisoblanadi. Agar shaxs kimningdir erishgan yutuq va moddiy narsalariga nisbatan hasad qilsa, bu hasad predmeti hisoblanadi. Tadqiqot davomida biz aynan hasad va havas ob'ektiga berilgan bahoni eksperimental tadqiq etishni o'zimizga vazifa sifatida belgiladik.

Tadqiqot davomida respondentlarga ikki xil mazmundagi hikoyalarni eshitirib, ularda hikoya qahramoniga nisbatan, ya'ni hasad va havas obyektiga shaxsiga nisbatan paydo bo'lgan baho reaksiyalarni

aniqladik. Ikki xil hikoya ikki xil mazmunga ega. Birinchi hikoya adolatsizlik mazmuniga boy va hikoya qahramoni hayotidagi ko'p narsalarga oilaviy sharoiti va ota-onasining qo'llab-quvvatlanishi orqali oson erishishi aks ettirilgan. Ikkinchi hikoya qahramoni o'z kuchi, bilimi va harakati bilan hayotda yaxshi yutuqlarga erishgani aks ettirilgan. Bu hikoyada adolatsizlik muhiti yo'q. Hikoya qahramoni erishgan yutuqlariga loyqlik kayfiyati aks ettirilgan. Natijalarni quyida jadvallarda keltiramiz.

1-jadval

Reaksiya nomi	Adolatsiz	O'ziga ishongan	Erkatoy	Omadli	Egoistik	Kuchli
t	8,2	3,4	6,7	7,3	7,1	3,5

Yuqorida keltirilgan jadvaldagi natijalardan ko'rinib turganimizdek, birinchi bosqichda keltirilgan hikoya qahramoniga nisbatan ham salbiy ham ijobiy baholar berilgan. Birinchi jadvalda keltirilgan reaksiyaga bog'liq ravishda, agar bu hikoya respondentlarda hasad hissini uyg'otgan bo'lsa, unda hasad obyektiga nisbatan salbiy baho reaksiyalarni namoyon qilishgan. Tadqiqot davomida "Adolatsiz" reaksiyasining o'rta arifmetik qiymati 8,2 ga teng va u yuqori ko'rsatkichni namoyon qilgan. Bu hasad obyektini erishilgan natijalari adolatsizligi va bunga loyiq emasligini anglatadi.

Birinchi bosqichda o'qib eshittirilgan hikoyada hasad obyektiga berilgan bahoning navbatdagisi "omadli" reaksiyasi bo'lib, uning o'rta arifmetik qiymati 7,3 ga teng. Xorijlik tadqiqotlarda aniqlanishicha, hasadgo'y shaxs o'zida paydo bo'layotgan hasad hissini tan olmasdan, o'zida himoya mexanizmlarini ishga tushirar ekan. Bunda hasad obyektini bilan sodir bo'lgan omadli tasodif yoki taqdirning unga bergan omadi deb baholanishi holati kuzatilar ekan. Bu tendensiya bizning tadqiqotimizda kuzatildi. Hasad obyektini bilan sodir bo'lgan barcha yaxshi hodisalar va muvaffaqiyatlarni aslida uni o'z kuchiga bog'liq emas, balkim omadga bog'liq sifatida idrok qilinganlik holati aniqlandi.

Umuman olganda, salbiy hasad obyektiga nisbatan salbiy baholarga "egoistik", "ertatoy" kabi reaksiya sifatleri hasadgo'y shaxsni vaziyatni qanday idrok etayotganini namoyon qilib turibdi. Ya'ni, xasad obyektini shaxsni yerga urish, uni qadrsizlantirish kabi jarayonlarni namoyon qilmoqda.

Birinchi bosqichda respondentlarga o'qib eshittirilgan hikoyada ayrim sinaluvchilar hasad obyektiga nisbatan

"o'ziga ishongan", "kuchli" degan baholarni berishgan. Bu natijalar, hasad obyektini bunday vaziyatlarda o'zidan yuqori baholashni anglatadi. Ya'ni, kimdir hasad obyektini qadrlantirish orqali o'zida himoya mexanizmini yoqsa, kimdir xasad obyektini ustunliklarini to'raligicha tan oladi. Balkim, bu turdagi shaxslar hasad darajasi nisbatan past ko'rsatkichni namoyon qilsa kerak.

Endi esa, tadqiqotimizning ikkinchi bosqichida o'qib eshittirilgan boshqa mazmundagi hikoyaning qahramoniga nisbatan berilgan baho bilan sizlarni tanishtiramiz.

2-jadval

Reaksiya nomi	Haqiqiy	O'ziga ishongan	Oddiy	Qobiliyatli	Aqlli	Kuchli
t	7,8	9	7,6	9,1	8,8	7,3

Yuqoridagi jadvalda ko'rinib turganidek, ikkinchi bosqichda hosil bo'lgan natijalar birinchi bosqichdan farq qiladi. Biz olib borgan tadqiqot davomida shunday hulosaga kelish mumkinki, respondentlarga o'qib eshittirilgan hikoyaga bildirgan emotsional reaksiyalar ham, ularning qahramoniga berilgan baholar ham bir-biridan farq qiladi. Birinchi hikoya, salbiy reaksiya va baholarni yuzaga keltirgan bo'lsa, ikkinchi hikoya respondentlar orasida ko'proq ijobiy va motivatsiyaga boy reaksiya va baholarni namoyon qildi.

Demak, yuqoridagi jadvaldagi natijalardan shuni xulosa qilishimiz mumkinki, respondentlar havas obyektiga nisbatan ijobiy baholarni namoyon qilishgan. Eng yuqori ko'rsatkichga ega "qobiliyatli" baho sifatining o'rta arifmetik qiymati 9,1 ga teng. Keyingi o'rinlarda "aqlli" baho sifati bo'lib, uning o'rta arifmetik qiymati 8,8 ga teng.

Umuman olganda, jadvalda havas obyektiga nisbatan ijobiy baholar berilgan. Lekin, bu jadvalning oldingi jadvaldan yana bir farqli jihati, undagi o'rta arifmetik qiymat ko'rsatkichlari nisbatan yuqori ekanligini ko'rishimiz mumkin. Respondentlar ikkinchi bosqichda o'qib eshittirilgan hikoyaga nisbatan yuqori ballarni qo'yanliklari, ularni ijobiy va ko'tarinkilik holatda bo'lganligini isbotlaydi.

Xulosa. Shunday qilib, havas va havas o'z obyektini va predmetiga ega. Agar hasad hissi namoyon bo'layotgan vaziyatda adolatsizlik va noloqlik hissi mavjud bo'lsa, hasadgo'y shaxs hasad obyektiga nisbatan salbiy baholarni beradi. Aksincha, agar hasad jarayonida vaziyat adolatli deb idrok qilinsa, shaxs hasad va havas obyektiga nisbatan ijobiy baholarni berishi aniqlandi.

Adabiyotlar

1. Бескова Т.В. Диалектика добра и зла в представлениях о зависти: социально-психологический аспект. // Вопросы этической психологии: Сборник научных трудов. – Саратов: ИЦ «Наука». 2010. -С. 10-33.
2. Илин Е.П. Психология зависти, враждебности и тщеславия. СПб.: Питер: 2014. -С 208. ил. Сериуа «Мастера психологии».
3. Розенова М.И. Феноменология зависти. //Психология и психотехника. 2013. № 10. – С. 961-971.
4. Salovey P., Rodin J. Envy and jealousy in close relationships. // Review of Person-ally and Social Psychology. 1989. v. 10.
5. Silver M., Sabini J. The social construction of envy // Journal of the Theory of Social Behavior. 1986. № 8, -P. 45-59.

REZYUME. Maqolada hasad hissining ijtimoiy-psixologik tasnifi berilgan. Bundan tashqari hasadgo'y shaxsni hasad ob'ektiga bildirayotgan bahosining eksperimental tadqiqi keltirilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье представлена социально-психологическая классификация чувства зависти. Кроме того, представлено экспериментальное исследование оценки завистника к объекту зависти.

SUMMARY. The article presents a socio-psychological classification of envy. In addition, an experimental study of the envious person's assessment of the object of envy is presented.

ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОР ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

М.И.Кушанова – докторант
Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: агрессия, адоват, тажовуз, агрессив хулқ-атвор, фрустрация, импульсив хулқ.

Ключевые слова: агрессия, вражда, агрессия, агрессивное поведение, фрустрации, импульсивное поведение.

Key words: aggression, enmity, aggression, aggressive behavior, frustrations, impulsive behavior.

Кириш. Сўнгги йилларда шахс камолоти, ривож, маънавий баркамоллиги ҳамда шахс ва жамият манфаатларининг ўзаро уйғунлашуви жараёнига муҳим

кадрият сифатида қаралиб, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, илмий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш масаласини устувор

соҳа сифатида белгилаш ҳозирги даврнинг энг муҳим талабларига айланди. Айни вақтда мустақил ва теран фикрлайдиган, юрт келажяги, равнақи йўлида ижод қиладиган ёшларни тарбиялаш энг асосий ва устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Азалдан маънавий етук, руҳан пок, жисмонан соғлом, комил инсонларни тарбиялаб вояга етказиш, жамиятнинг барқарорлик ва баркамолликка эришишининг мезонидир. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Бўшлиқнинг пайдо бўлишини олдини олиш учун фарзандларимизга ёшлик чоғиданоқ эътиборли бўлиб, уларни шахслараро муносабатларда намоён бўлувчи хулқ-атворида алоҳида аҳамият қаратмоғимиз лозим.

Шахслараро муносабатларда намоён бўлувчи хулқ-атвор типларидан бири, бу – агрессиядир. Инсон агрессиясини ўрганиш серкирра мавзу бўлиб, у ўшбу феноменнинг асл моҳиятини очиб беришга ўринаётган олимларнинг диққатини ўзига тортиб келади.

Жаҳон психологиясида болалар ва ёшлар орасидаги агрессив хулқ-атвор муаммосини ўрганишга алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотларда агрессивликнинг биологик, психологик, ижтимоий, ижтимоий-психологик детерминантлари ва агрессив хулқ-атвор репрезентациясига ҳос хусусиятлари ўрганилган. Мазкур йўналишда ўсмирлардаги агрессив хулқни бартараф этишнинг турли усуллари ва юзага келиш шарт-шароитларини ифодаловчи психологик механизмларини аниқлаш ҳамда жорий этиш масаласининг муҳимлигига эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда болалар ва ўсмирлар хулқидаги оғишлар, тажовузкорлик, эмоционал беқарорлик, ҳиссиётларни бошқара билмаслик каби ҳолатлар долзарб муаммолар сифатида қаралмоқда.

Адабиётлар шарҳи:

Болалар ва ўсмирлар агрессияси ва унга турдош бўлган хулқ-атвор шакллари замонавий психология фанида устувор тадқиқот мавзуларидан бири бўлиб келмоқда. Хориж психологиясида болалар ва ўсмирлардаги агрессив хулқ-атвор келиб чиқиши, ривожланиши, пайдо бўлиш омиллари ва сабабларини ўрганиш борасида жуда кўп тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда: жумладан, зўравонлик ва агрессив девиант хулқ-атворнинг ўзаро алоқаси А.Бандура ва Р.Уолтерс, ота-она тарбиясининг болалардаги агрессивликнинг пайдо бўлишига таъсири О.Варнетт, С.Л.Миллер-Перрин, ўсмирлардаги агрессив хулқ-атворнинг жамиятда ўз ўрнини англашдаги ўрни А. Басс, онгни манипуляция қилиб, агрессив хулқ-атворга ундашда оммавий ахборот воситаларининг таъсири Б. Крейхи каби олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Психолог олим Э.Фромм фикрича “Агрессия – бу бирор одамга, одамлар гуруҳига, жонзотга ҳамда шунингдек, умуман ҳар қандай жонсиз нарсага зарар етказиш ёки зарар етказиш мақсадида қилинган ҳаракатдир”. Л.Берковиц эса бу тушунчани “Агрессия – бу кимгадир жисмоний ёки руҳий зарар етказишга қаратилган ҳаракатдир” деб талқин қилади.

Д.Доллард фикрича агрессия “... организмга зарар етказадиган мақсадли реакция ҳаракати сифатида ўз хатти-ҳаракати билан бирор кишига зарар етказиш ниятидир”.

К.Роджерс эса агрессияга “... эркинликни, танлов имкониятини чеклашга мажбурий жавоб ҳаракатидир” деб таъриф беради.

К.Хорни агрессияни “...атрофдаги воқеликнинг ўзига нисбатан адоватли муносабатига шахснинг реакцияси” сифатида таърифлайди.

Бугунги кунга келиб, шахснинг агрессив хулқи тушунчасини аниқлашга доир турли хил ёндашув ва

концепциялар мавжуд. Сўнгги ўн йилликлар давомида дунё бўйлаб шафқатсизлик, вандализм ва бошқа тажовузкор намоёишлар билан боғлиқ зўравон ҳаракатларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Юқорида келтирилган таърифларга асосланиб, агрессив хулқ агрессиянинг ташқи кўриниши эканлигини таъкидлаш мумкин.

Рус психологлари сўнгги даврда болалар ва ўсмир агрессиясини ўрганишда қуйидаги муаммоларга диққат қаратаётдилар: Е.А.Чепракова агрессив хулқ-атвор шаклланишига оила ва оилавий муносабатларнинг таъсири, Ю.Б.Можгинский, А.А.Рван, Л.М.Семенюк ҳиссий бузилишлар, хулқи оғишганлик, агрессив хулқ-атворнинг коррекцияси имкониятларини, гуруҳда турли ёш ва жинсдаги шахслар агрессив хулқининг ўзига ҳослигини, Т.П. Смирнова болалар ва ўсмирлардаги агрессив хулқ-атворнинг ривожланишига ОАВнинг таъсири, А.А.Шавырина мактабгача тарбия ёшидаги болалар агрессив хулқининг ўзига ҳослигини ўрганганлар.

Ўзбекистонлик психологлардан Э.Ғ.Ғозиев, Н.Ғ.Ғамилова, Г.Қ.Тўлаганова, Б.М.Умаров каби олимларнинг изланишларида болалик ва ўсмирлик давридаги психик хусусиятларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда асосий эътибор девиант хулқ-атвор, характер акцентуацияси, болалар ва ўсмирлар суициди, ўз-ўзига баҳо бериш ва назорат қилиш муаммоларига қаратилади. Н.М.Далимованинг тадқиқот ишида компьютер ўйинлари ўсмирда тажовузкор хулқ-атвор шаклланишига таъсир этувчи омил сифатида ўрганилган.

Асосий қисм:

Инсоннинг агрессив хатти-ҳаракатларга мойиллигини турлича тушунтиришга қаратилган дастлабки нуқтаи назарлар ичида У.Макдауголл, З.Фрейд, Г.Маррей ва бошқа олимларнинг “инсон ва ҳайвонларда агрессиянинг туғма инстинкти мавжуд бўлади”, деган қарашларидир. Агрессив хулқ-атвор ҳақидаги фикр-мулоҳазалар XX асрнинг бошларида фрустрация (лот. фрустрацио – алданиш, режаларнинг барбод бўлиши) назарияси билан боғлиқ равишда юзага келди. Унга кўра, агрессивлик фрустрациянинг оқибатидир. Бундай қарашни биринчи бўлиб Ж.Доллард илгари сурди. Аммо, ўшбу икки хил нуқтаи назар ҳам амалиётда ўз тасдиғини топмади [1].

Фалсафа, социология, психология фанлари доирасида чоп этилаётган адабиётлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шахс хулқ-атворига дахлдор бўлган муаммолар орасида агрессия энг етакчи ўринга кўтарилганлигини тасдиқлаб турибди. Агрессия термини ҳозирда ижтимоий ҳаётда тез-тез ва кенг қўлланилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Агрессия атамаси латин тилидан олинган бўлиб, «aggređi» – «тажовуз қилмоқ» маъносини англатади. Психологияда «агрессия» атамасига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, Х.Дельгадо, А.А.Басс, Л.М.Семенюк, Г.Паренс, А.Бандура, Р.Уолтерс, Ю.Можгинскийлар томонидан агрессия салбий баҳоланади. Шу билан бир қаторда агрессияга нисбатан ижобий ёндашувлар ҳам мавжуддир. Жумладан, Л.Бендер агрессияни инсоннинг ўз-ўзини намоён қилишга интилишидир, деб таъкидлайди. Мотивлаштириш нуқтаи назаридан, Л.Бендер агрессияни ихтиёрий ва инструментал турларга ажратади.

Ихтиёрий агрессия инсоннинг бошқа бир кишига аниланган тарзда зарар етказиши ҳисобланади.

Инструментал агрессияда инсон ўз олдига бошқара зарар етказишни мақсад қилиб қўймайди. Бу агрессия юзага келган вазиятни ҳал этишда бошқа усулни қўллашга имкон бўлмаган ҳолда юзага келади. Р.Бэрн ва Д.Ричардсонлар агрессияни қурбонга нисбатан

мақсадли равишда зарар етказишдир, дея таърифлаганлар.

Эрих Фромм куйидаги агрессия турларини ажратади:

Ўйин агрессияси инсон томонидан ўзидаги чакқонлик малакаларини атрофдагиларга намойиш қилиш мақсадида амалга оширилади. Бу турдаги агрессияда нафрат, бузғунчилик каби деструктив мақсадлар қўйилмайди.

Реактив агрессия ўз ҳаёти, эркинлиги, гурури, ўзининг ёки бошқанинг моддий бойлигини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади. Эҳтиёжлар, истаклар фрустрацияси намоён бўлади:

- рашк ва худбинлик;
- қасос;
- ишончнинг йўқолиши (ҳаётга, севгига, яқин инсонларига).

Компенсатор агрессия – зўравонлик, деструктивлик – ҳаётда ўзи учун муҳим бўлган долзарб эҳтиёжлар қондирилмаслиги ҳолатларини компенсация қилиш:

- садизм (бошқани ўз ҳукми, иродасига бўйсундириш);
- некрофилия;
- сурункали зеркиш ва депрессия.

Р.Бэрон ва Д.Ричардсон агрессивликнинг ривожланишига олиб келувчи шахс хусусиятларини куйидагича ифодалаган:

- импульсив хулқ кўринишларининг намоён бўлишига мойиллик, эмоционал таъсирчанлик – дисконфорт, ўз-ўзидан қоникмаслик, озорланиш ҳислари, психологик қулайликнинг йўқотилиши;

турли ўй-фикрларга берилиш (инструментал агрессия), диққатнинг бузилиши (эмоционал агрессия);

душманлик ёндашуви – барча стимуллари уларнинг табиатидан қатъий назар ўзи учун хавфли, деб қабул қилиш[2].

Агрессия турлари куйидагилардан иборат.

Жисмоний агрессия – бошқани кўркитишдан тортиб, тўғридан-тўғри жисмоний куч ишлатиш, унга жисмоний ва маънавий оғриқ етказиш.

Билвосита агрессия – бошқа инсонга зарар етказиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатиш (миш-миш, калака қилиш ва ҳоказо),

Вербал агрессия – салбий ҳисларни бакириш, жанжал қилиш, сўкиш, ҳақоратлаш, таҳдид ва бошқа усуллар орқали билдириш. Арзимаган қўзғовчи таъсирга ҳам қўполлик, терслик, эмоционал қўзғалиш билан жавоб бериш.

Тадқиқотчилар агрессияни келтириб чиқарувчи сабабларга субъектив омиллар: тарихий хотира, қасд олиш удумлари, айрим диний оқимлар (фанатизм, экстремизм ғоялари), оммавий ахборот воситалари (айникса, телевидение), айрим сиёсатчиларнинг индивидуал ахлокий жиҳатларининг бевосита таъсир этиш имкониятларини таъкидлайдилар.

Ўсмирлик агрессияси муаммоси узоқ вақт мобайнида ёпиқ бўлган мавзулар сирасига киритилганлиги боис, етарли даражада ўрганилмаган мавзулардан бири ҳисобланади.

Агрессия ўсмирларда юзага келган ижтимоий вазият, ходисалар устидан ўзига хос назорат қилишнинг мақбул усули сифатида қабул қилинади.

Ғ.Б.Шоумаров фикрига кўра, ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлокий, ижтимоий ва шу қабиларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаёти, руҳияти, организмнинг физиологик жараёнлари, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият вазиятларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кузатилади.

Ўсмирларда агрессивликнинг шаклланишига қатор шахс хусусиятлари таъсир қилади:

- тарбиянинг мувозанатлашмаган шакллари: ўз-ўзига ҳаддан зиёд паст баҳо бериш, юқори даражада импульсивлик, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, компьютер ўйинларига тобелик, таваккалчиликка тайёрлик ҳолатлари, ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳисларининг чегараланганлиги;

- хулқий омиллар: ўз вақтини мақсадсиз ўтказиш, мактабдаги дарсларни сабабсиз қолдириш, ўзлаштириш даражасининг пастлиги, эрта жинсий алоқаларга киришиш ва ҳоказо;

- ижтимоий омиллар (ОАВнинг психологик таъсири, жамиятдаги удум ва маросимлар, ота-онанинг хулқий бузилишларга эга эканлиги, оила ижтимоий макъининг пастлиги, тарбиячиларнинг ўзгариши (ўғай ота, ўғай она ва ҳоказо);

- ўсмирнинг хулқий оғишлар шакллланган дўстлар билан яқин ижтимоий алоқаларни ўрнатиши (тақлид феномени);

- ички оилавий низолар (ота-онанинг ажралиши, иккинчи никоҳдаги фарзандлар, ўсмирнинг ўзлаштиришига ота-она томонидан ўсмир қобилятлари, қизиқишлари инобатга олинмаган ҳолда ҳаддан зиёд юқори талабларнинг қўйилиши[3].

Агрессивлик ўз-ўзидан пайдо бўладиган ҳолат эмас. Кўп ҳолларда психологик муаммоларни ҳал этишда ожизлик ҳолатлари таъсирида шаклланади:

Чарчаш. Агар ўсмир ҳаддан зиёд чарчаган бўлса, психик агрессия психик ресурс имкониятлари чекланганлиги оқибатида шаклланади.

Ўз-ўзини негатив идрок этиш. «Мен ёмон одамман. Шунинг учун ўзимни шундай тутаман». Тобора ёмонлик ҳисси ўсмир учун чуқур, маълум бир ҳатти-ҳаракатни бажаришга психофизиологик тайёрлик ҳолати – установкага айланади. Бу тоифадаги ўсмирларда арзимаган, юмшоқ танқид ҳам психик оғриқнинг шаклланишига олиб келади[4].

Агар ўсмир инсонлар билан муносабатларда салбий тажрибага эга бўлса, у эртароқ ҳимояланишга интилади. Кўп ҳолларда унинг ҳаётини тажрибасида шунга ўхшаш ҳолатлар учраган, ўзи учун хавфли деб ҳисоблаган вазиятдан ҳимояланишга ҳаракат қилади. Ўсмирда ижтимоий муҳитдаги инсонлар билан яқин эмоционал муносабатлар ўрнатилмаганлиги, ўзини ҳимоясиз ҳисоблаши хавотирланиш даражасининг ортишига олиб келади.

Ўсмирлар агрессияси муаммосини ўрганиш бевосита оммавий ахборот воситалари, видеофильмлар орқали берилаётган кўрсатувлар ўзига хос тақлид феномени сифатидаги аҳамиятини ўрганишни талаб қилади.

Хулқий агрессив ҳолатлар ўсмирларда яқин эмоционал муносабатларга нисбатан эҳтиёжлари фрустрацияси оқибатда келиб чиқади. Бу вазиятда агрессия атрофдагилар унга бўйсунуши, унинг истакларини сўзсиз бажариши, яъни ўзи истаган эътибор ва ҳокимиятга эришишнинг нисбатан осон усули бўлиб кўринади. Албатта, ўзини-ўзи намоён қила олмаган ва фрустрация ҳолатида бўлган барча одам ҳам агрессив ҳаракатларни амалга оширавермайди. Бунда биологик омиллар билан бир қаторда турли ижтимоий омиллар, тарбия ва муҳитнинг шахс шаклланишидаги ўрни, инсоннинг турли деструктив, салбий психологик-манипуляцион таъсирларга тушиш хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур [5].

Агрессив хулқий ўсмирлар одатда куйидаги ҳисларга эга бўлади:

- улар атрофдагилардан душманлик муносабатларини кутадилар;
- ўзларининг душманлик ҳолатларини етарли даражада баҳолай олмайдилар;

- ўзларининг муаммоларида атрофдагиларни доимий тарзда айбдор деб топадилар;
 - муаммоли вазиятларни ҳал этиш усуллари уларда чегараланган;
 - ўзларининг ҳисларини сўзлар билан камдан-кам ҳолларда ифодалайдилар, кўпроқ ҳаракат қилишга интиладилар. Хавотирланиш ҳолатлари даражаси кўп ҳолларда юқори даражада бўлади;
 - ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари оқибатларини кам ўйлайдилар;
 - эмоциялар интенсивлиги ортиш хусусиятига эга: хафа бўлиш ўрнини нафрат эгаллайди;
 - дўстликдан кўра қасос ва устунликни афзал кўрадилар;
 - ўзаро келишувлар, мурасага камдан-кам ҳолларда келадилар;
 - улар рақибининг кечинмаларига бефарқдирлар; тенгдошлари томонидан уларнинг муносабатлари нотўғри деб баҳоланган ҳолатлар уларни қизиқтирмайди;
 - агрессив хулқ уларнинг фикрича яхши натижаларга эга бўлишни таъминлайди, яъни уларга нисбатан агрессияни чегаралайди, деган фикрга эгалар[6].

Методикалар ва натижалар

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда агрессив хулқ-атвор юзага келишининг психологик механизмлари мавзусини ўрганиш жараёнида биз бир қатор илмий-тадқиқот ишларини ҳам амалга оширдик. Хусусан, ўсмирларда агрессив хулқ-атвор даражасини ўрганиш мақсадида биз А.Ассингернинг агрессияни диагностика қилиш методикасидан фойдаландик. Ушбу тест шахснинг муносабатда қанчалик даражада тўғрилигини (очиқлигини) ва уларнинг у билан мулоқот қилишларини осонлигини аниқлашга ёрдам беради[7].

Биз ушбу тестдан фойдаланган ҳолда, Самарқанд шаҳридаги №45-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиларида тадқиқот ўтказдик. Ушбу тадқиқотимизда жами 29 та ўқувчи қатнашган бўлиб, улардан 12 нафари ўғил болалар ва 17 нафари қиз болалардан иборат. Тадқиқотда олинган натижалар шунини кўрсатадики агрессивликнинг юқори даражаси қизларга нисбатан ўғил болаларда анча юқори даражада экан, ушбу натижаларни биз гендер фарқлар орқали кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Ўғил болаларда кузатишган натижалар, қуйидагича:

- 1) Тадқиқотда агрессиянинг юқори даражаси (45 ва ундан ортиқ балл) 4 нафар ўғил болада кузатилди (33%).
- 2) Ўрта даража (36-44 балллар) 6 та респондентда (50%).
- 3) Паст даражаси (35 ва ундан кам балл) 2 нафар ўсмирда кузатилди (16,7%).

Бу кўрсаткич қизларда бир оз бошқача натижани берди:

- 1) Агрессиянинг юқори даражаси (45 ва ундан ортиқ балл) 2 нафар қизларда кузатилди (11,8%)
- 2) Ўрта даражаси (36-44 балллар) 8 та респондентда кузатилди (47%)
- 3) Паст даражаси (35 ва ундан кам балл) 7 нафар ўсмир қизларда кузатилди (41%).


Тадқиқот натижалари 1-жадвалда ўз ифодасини топган.

Жадвал 1. Ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болаларда агрессивлик даражаси.

Баллар миқдори	Қизлар	Ўғил болалар	Жами
45 ва ундан ортиқ балл	2	4	6
36-44 балл	8	6	14
35 ва ундан кам	7	2	9

Бу натижаларни биз 1-диаграммада ҳам кўриб чиқамиз.

Диаграмма 1.



Агрессиянинг юқори даражаси ҳаммаси бўлиб 6 нафар респондентда кузатилди (21%), ўрта даража 14 та ўсмирда кузатилди (48%), паст даражаси 9 нафар ўсмирда кузатилди (31%). Бу натижалар 2-диаграммада ўз ифодасини топган.

Респондентларнинг умумий натижаси.

Диаграмма 2.



Агрессиянинг юқори даражаси кузатилган, яъни 45 ҳамда ундан юқори балл олган ўсмирларда меъёридан ортиқ даражада агрессивлик мавжуд бўлади ва шунинг учун улар кўпинча бекордан-бекорга ҳам ловиллаб кетишади ва атрофдагиларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлишади. Бундай инсонлар “юқори” мавкега эга бўлиш, муваффақиятларга эришиш учун ўз усулларида фойдаланган ҳолда ҳаракат қилишади, бунда улар ўз атрофдагиларининг қизиқишларини ўз қизиқишлари йўлида қурбон қилишлари ҳам мумкин. Шунинг учун уларни кўпчилик ёмон кўради ва бу уларни умуман ҳайратлантирмайди, лекин кичик бир имконият туғилиши билан уларни жазолашга ҳаракат қилади.

Агрессивликнинг ўрта даражаси, (36-44 балл) – бундай ўсмирларда агрессивликнинг ўртача даражаси кузатилади, бироқ улар ўз ҳаёт йўлларида муваффақиятли қадам ташлаётган инсонлардир, зеро уларда етарли даражада соғлом иззатталаблик ва ўзига ишонч мавжуд.

Агрессивликнинг паст даражаси, яъни 35 ва ундан кам балл тўпланганда – бундай ўсмирлар ҳаддан ташқари тинчликсевар бўлишади, бу эса улардаги ўз қучига ва имкониятларига ишончнинг етишмаслиги билан бевосита боғлиқ бўлади. Бироқ бу мутлақо сизни хоҳлаган бир шамолда, оддий бир хас каби учиб кетишингизни аниқламайди. Сизга янада кўпроқ даражада қатъиятли бўлиш ҳалакит қилмайди.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра биз қуйидаги хулосаларга келдик.

Ўсмирлик агрессиясини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, уларнинг эмоционал кечинмалари, ҳисларини тушуниш, улар билан олиб

бориладиган психологик коррекция имкониятларини бергиллаш имконини беради.

Ўсмирга низоли вазиятларда бошқача усуллар билан ҳал этиш имкониятларини тушунтириб бера олиш зарур.

Ўсмирларда агрессия ҳолатлари намоён бўлганда психологлар билан маслаҳатлашиш, улар билан ўтказиладиган тарбиявий жараёнда ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Шунинг учун катталар, аввало, ўзларидаги салбий эмоционал ҳолатларни бошқара олишлари зарур. Бу билан ўсмирга инсоннинг ўзини-ўзи бошқара олиши кўп ҳолларда ижтимоий вазиятни яхшилашнинг энг мақбул усули эканлигига ўрнатилган кўрсаткичлар.

Бу борада агрессив хулқ кўринишларининг намоён бўлиши ҳолатларида кескин вазиятни юмшатиш, ўсмирнинг шахсига ҳурмат билан қараш талаб этилади. Бундай ҳолатларда умуман қўлланилиши мумкин бўлмаган ҳолатларни таъкидлаб ўтамиз:

- овозни кўтариш, таҳдид қилиш;
- тазйик ўтказиш;
- норозилигини бақирик билан билдириш;
- агрессив юз ва тана ҳаракатларидан фойдаланиш;
- мазах, калака қилиш;
- ўсмир шахсига ёки унинг яқинлари, дўстларига нисбатан салбий фикр;
- жисмоний куч ишлатиш;
- низоли вазиятга бегоналарни жалб қилиш;
- ўзининг ҳақлигини тинмай таъкидлаш;

- ахлоқий мавзуларда узундан-узоқ суҳбатлар ўтказиш;
- жазолаш ёки жазолаш билан кўрkitиш;
- ўсмирни тенгдошлари билан такқослаш, унинг бошқаларга нисбатан заиф жиҳатларини таъкидлаш;
- ўсмирга босим ўтказиш;
- ўз ҳаракатларини оқлаш мақсадида муқофот ваъда қилиш.

Айрим ҳолларда юқорида келтирилган ҳолатлар қисқа муддатга ўсмир хулқини ўзгартириши мумкин. Лекин, кейинги салбий оқибатлари агрессив хулқ кўри-нишларига кўра кучли бўлган салбий ҳолатлар шаклла-нишга олиб келиши мумкин.

Ўзаро муносабатлардаги тушунмовчиликларни агрессия вазиятида эмас, балки вазият юмшагандан сўнг ўзаро муқоама қилиниши тавсия этилади. Лекин бу борада муқоамани узоқ муддатга чўзиш ҳам мум-кин эмас. Бегоналарнинг иштироки тавсия этилмайди. Суҳбат объектив, кучли эмоционал ҳолатларга берил-маган тарзда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Суҳбат жараёнида ўсмирнинг салбий хулқи оқибатларининг нафакат атрофдагилар, балки ўзи учун ҳам хавфли бўлган жиҳатларини атрофчи муқоама қилиш зарур. Ўсмирлардаги агрессияга қарши катталар агрессия билан жавоб бериши керак эмас, чунки бу орқали улар ўсмирдаги агрессияни янада ортиб кетишига сабаб бўлишлари мумкин. Ота-оналар фарзандлари ҳали кичиклигиданок унга ҳам ота-она, ҳам дўст, ҳам устоз, ҳам суянчиқ бўлишга ҳаракат қилишлари лозимки, бу улар учун жудаям катта аҳамиятга эга. Зеро, бу психологиянинг энг муҳим қонуниятларидан биридир.

Адабиётлар

1. Берковиц Л. Агрессия: причины, последствия и контроль. СПб. 2001. –С. 516.
2. Бэрн Р., Ричардсон Д. Агрессия СПб., 1997. –С. 336.
3. Семенюк Л.М. Психологические особенности агрессивного поведения подростков и условия его коррекции. – М.: 1996. – С. 96.
4. Алфимова М.В., Трубников В.И. Психогенетика агрессивности. // Вопросы психологии. 2000. №6. –С. 117.
5. Агрессия у детей и подростков: Учебное издание /под ред. Н.М.Платоновой. СПб. 2006.
6. Степанов В.Г. Психология трудного школьника. – М.: 1998. –С. 26.
7. Ярошенко Р.Д. Психологические тесты. СПб. 2003.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада шахслараро муносабатларда намоён бўлувчи хулқ-атвор типларидан агрессия ва агрессив хулқ тушунчалари, уларнинг бир-бирдан фарқи, бу соҳада илмий изланишлар олиб бorgan олимларнинг қарашлари, берган таъриф ва қоидалари ҳақида фикр юритилади. Ҳозирги замонавий жаҳонда психология фанлари доирасида чоп этилаётган адабиётлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шахс хулқ-атворига дахлдор бўлган муаммолар орасида агрессия энг етакчи ўринга кўтарилганлиги, бунинг натижасида инсонлар ва инсонлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва рухий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий ҳатти-ҳаракатлар мажмуи ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются понятия агрессии и агрессивного поведения из видов поведения, проявляющихся в межличностных отношениях, их различия, взгляды, определения и нормы ученых, проводивших научные исследования в этой области. В современном обществе, в литературе, издаваемой в области психологии, проводимых научных исследованиях, среди проблем, связанных с личностным поведением, на ведущее место поднялась агрессия, в результате чего сложилось мнение о совокупности индивидуального или коллективного поведения, направленного при причинении физического и психического вреда людям и группам людей.

SUMMARY. This article discusses the concepts of aggression and aggressive behavior from the types of behavior manifested in interpersonal relationships, their differences, views, definitions and norms of scientists who have conducted research in this area. In modern society, in the literature published in the field of psychology, ongoing scientific research, among the problems associated with personal behavior, aggression has risen to the leading place, as a result of which there is an opinion about the totality of individual or collective behavior aimed at causing physical and mental harm to people and groups of people.

УДК 159

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КОНФЛИКТНОСТИ СОВРЕМЕННЫХ ПОДРОСТКОВ

Л.Сапарова – старший преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажиязия

Таянч сўзлар: шахсий салоҳият, ўсмир, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, зиддиятчи вазиятлар, ижтимоий меъёрлар.

Ключевые слова: потенциалу личности, подросток, самооценка, конфликтные ситуации, социальные нормы.

Key words: personality potential, teenager, self-esteem, conflict situations, social norms.

В условиях современного состояния общества предъявляются высокие требования к интеллектуальному и эмоционально-волевому потенциалу личности. Это придает особое значение исследованиям, направленным на получение информации о поведении.

Осознание человеком мира не сводится к отображению только внешних объектов. Фокус сознания может быть направлен и на самого субъекта, на его собственную деятельность, его внутренний мир.

Актуальность исследования обусловлена необходимостью комплексного исследования проблем

развития самооценки и проявлений конфликтности в подростковом возрасте и особенностей, а также необходимость создания методологических разработок, которые помогут диагностировать особенности взаимосвязи самооценки и конфликтного поведения подростков.

Для большинства младших подростков характерна низкая неадекватная самооценка, то есть они чувствуют себя неудачниками, не хотят браться ни за что новое, поскольку боятся, что у них ничего не получится, не верят, что их усилия будут иметь положительные последствия [1].

Характерные качества таких детей: боятся совершить ошибки; постоянно мечтают о физическом совершенстве; не умеют воспринимать комплименты; в общении с другими, прежде всего, беспокоятся о впечатлении; не воспринимают критики, или впадают от нее в отчаяние. В случае высокой неадекватной самооценки (т.е. не соответствующему действительному поведению, внешнему виду, личностным характеристикам подростков) учащиеся приписывают себе только положительные характеристики, считают себя совершенными и требуют признания этого от окружающих. Если подросток имеет низкую неадекватную самооценку, то он не воспринимает себя как личность и отказывается видеть в себе потенциал. Подростки подчеркивают свои недостатки, они глубоко переживают неумение оценить себя, превалирует критическое отношение к себе, но одновременно актуализируется потребность в самоуважении.

У большинства подростков самооценка высока. Они видят себя хозяевами положения, понимают, что являются собой неповторимую личность, рискуют, хотя и не всегда успешно, потому что хотят жить насыщенной жизнью и усвоить опыт, который поможет ей вырасти.

Учащиеся чувствуют себя уверенными и знают, чего хотят. Если кто-то оскорбляет или не любит, подросток считает, что это их трудности и не воспринимает этого серьезно. Такой ребенок знает себя, свои слабые и сильные стороны достаточно хорошо. Характерные черты таких подростков: уверены в глубине души, что они обладают достаточной ценностью; совершают ошибки и учатся на них; воспринимают свой физический вид таким, как он есть, даже если он несовершенен.

Что свойственно для подростков младших и старших, так это крайности в самооценке - она у них либо низкая, либо высокая, что влияет на обучение и общение с окружающими людьми. То есть у большинства подростков самооценка еще находится в процессе формирования, противоречива, недостаточно целостна, поэтому и в их поведении может возникнуть немало немотивированных поступков и конфликтных ситуаций.

В связи с появлением у детей подросткового возраста новых психологических особенностей иногда их отношения сопровождаются конфликтами, негативными формами поведения. Это связано со стремлением к самостоятельности и лидерству. Подростки хотят, чтобы с их мыслями, желаниями и настроениями считались, не терпят недоверия, безразличия, насмешек, нотаций. Однако проявления

негативных форм поведения и конфликтность подростков неизбежны. Подростки часто отстаивают свое право на лидерство именно в ходе конфликтов, они пытаются доказать свое мнение в любых условиях. Конфликтологическая активность подростков связана с постоянной переоценкой ценностей, которая происходит в процессе общения с ближайшим социальным окружением. Подросток не находит оптимального удовольствия в общении со взрослыми, в том числе родителями, учителями. Качественные подвиги самосознания в форме возникновения представления о себе уже не как о ребенке и стремлении войти в мир взрослых являются структурным центром личности в этот период развития [2].

Младшие подростки могут вступать в конфликт, когда, как они полагают, нет иного выхода и все остальные средства исчерпаны. О последствиях конфликта они часто не задумываются. Старшие подростки иногда конфликтуют ради конфликта, чтобы показать свое доминирование, иногда прибегая в конфликте к грубости и крайности. Активная индивидуализация, происходящая в процессе социализации, обуславливает возникновение множественных конфликтов в подростковом возрасте. С другой стороны, постоянно растущая значимость интеграции в группу создает основу для их урегулирования, поэтому подростковый период благоприятен для формирования умений предупреждать и конструктивно разрешать конфликты именно в коллективе сверстников.

Младшие подростки более зависят как от самой группы, так и от ее норм и ценностей, то есть они более стремятся принять групповые ценности за собственные и следовать им. Старшие подростки часто исповедуют личные убеждения, не учитывая требования группы, могут пойти им наперекор.

Младшие подростки болезненно реагируют на критику членов группы, в этом случае пытаются выполнить требования группы, а старшие могут воспринять критику агрессивно и вступить в конфликт с членами группы.

Если младшие подростки склонны подражать лидеру, в чем копировать его поведение, то старшие могут не принимать официального лидера как авторитета, могут идти наперекор его требованиям. Это можно объяснить большей независимостью старших подростков и их стремлением самим занять место лидера.

Как младшие, так и старшие подростки стремятся занять определенное место в группе, но часто путём борьбы, силы. Что характерно для подростков в целом, их поведение не является маской, они выражают настоящие эмоции и чувства, даже если они могут стать причиной конфликта. В целом подростки зависят от группы и ее норм, требуют признания членами группы, болезненно реагируют на критику. Вызвать конфликт может попытка отстоять собственное мнение, защитить свои позиции в группе или стать ее лидером. Тенденции поведения старших подростков больше способствуют появлению конфликтов, чем младшим. Они стремятся к независимости, навязыванию своих убеждений, занятию лидерских позиций.

При конкурентной стратегии взаимодействия союзники завоевываются только тогда, когда им эта стратегия приносит желаемый положительный результат – победу. Если же подростки видят, что эта борьба может сложиться в их пользу, то они выбирают такой стиль поведения в конфликте как избегание. В этом случае они не признают правоту другой стороны и одновременно не уступают собственным интересам [3].

Старшие подростки часто на конфликт реагируют проявлением агрессии, чтобы выразить свое недовольство и добиться желаемого.

Очень редко для разрешения конфликтных ситуаций подростки используют сотрудничество. Основная причина заключается в скорости протекания нервных процессов у подростков, что не позволяет им воспринять и проанализировать чужое и свое поведение в ней.

Необходимо отметить, что существуют возрастные отличия в проявлениях конфликта у подростков. Да, для старших подростков больше, чем для младших, характерно соперничество в тяжелой ситуации, что указывает на потенциальную готовность к конфликту.

Что касается собственной ответственности за произошедшее, то эта реакция достаточно выражена у всех подростков. Подростки с высокой самооценкой чаще, чем подростки с низкой, выбирают тактику поведения по типу обвинения внешней обстановки, а девочки чаще принимают вину и ответственность на себя. Для подростков с высокой самооценкой характерны также самозащитные реакции, осуждение кого-либо, восприятие вины или избегание упреков - все это направлено на защиту самого себя. Для подростков с низкой самооценкой, более склонных принимать вину на себя, конфликтная непреодолимая ситуация может стать причиной отстранения или приспособления с последующей невротизацией. Для подростков, которым свойственно искать причины неудач не в себе, непреодолимая конфликтная ситуация становится толчком для соперничества с проявлениями агрессии и нарушением социальных норм [4].

Пытаясь справиться с конфликтом, подросток обвиняет других, требуя от них решения проблемы,

идет на откровенное столкновение с равным себе, отстаивает свои позиции, стремится доказать, что другой неправ, пытается перекричать его, применить физическое насилие, призывать на помощь посторонних. Подросток решает сложную ситуацию, исходя из норм, которые привили ему семья, школа, ближайшее окружение, и проявляет себя агрессивно. Подростки также часто конфликтуют, объясняя это тем, что отказ от соперничества может быть воспринят как уступка или путь к поражению. Кроме того, в критических и конфликтных ситуациях подростки чаще выбирают наряду с самозащитой реакцию на удовлетворение потребностей - поиск выхода, конструктивного решения, желание достичь удовлетворения потребностей, не оставляя ситуацию нерешенной.

Выводы. Для большинства младших подростков характерна низкая неадекватная самооценка, тогда как для старших - высокая. Если анализировать адекватность самооценки подростков в целом, то у половины из них она неадекватна, то есть не соответствует действительному поведению, внешнему виду, личностным характеристикам подростков. Что свойственно для подростков младших и старших, так это крайности в самооценках - она у них либо низкая, либо высокая, что влияет на обучение и общение с окружающими людьми.

В связи с появлением у детей подросткового возраста новых психологических особенностей иногда их отношения сопровождаются конфликтами, негативными формами поведения, в частности, проявлениями грубости, упрямства. Это связано, как правило, со стремлением к самостоятельности и лидерству. Подростки хотят, чтобы с их мыслями, желаниями и настроениями считались, не терпят недоверия, безразличия, насмешек, нотаций. Подростки часто отстаивают свое право на лидерство именно в ходе конфликтов, они пытаются доказать свое мнение при любых условиях. Как младшие, так и старшие подростки стремятся занять определенное место в группе.

Литература

1. Божович Л.И. Личность и ее формирование в детском возрасте. Психологическое исследование. - СПб., - 2014.
2. Петровский А.В. Введение в психологию. - М.: 2017.
3. Башкин М.В. Формирование психологически комфортной и безопасной образовательной среды. – Ярославль: 2014.
4. Сперанский В.И. Управление и самоменеджмент в конфликтной ситуации. - М.: 1995.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада ўз-ўзини хурмат қилиш даражаси турлича бўлган ўсмирларда зиддиятчи хатти-ҳаракатларнинг намоён бўлишининг психологик хусусиятлари қўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются психологические особенности проявления конфликтного поведения подростков с разным уровнем самооценки.

SUMMARY. This article discusses the psychological features of the manifestation of conflict behavior in adolescents with different levels of self-esteem.

АТАҚЛЫ ӘДЕБИЯТШЫ, БЕЛГИЛИ СЫНШЫ, КӨРНЕКЛИ УСТАЗ

К.Алламбергенов – филология илимлериниң докторы, профессор
 Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

П.Нуржанов – филология илимлериниң докторы, доцент
 Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

